



М. АБДУЛЛАЕВ

НАЖОТ
КУТГАН
ДАРЁЛАР

М. АБДУЛЛАЕВ

НАЖОТ КУТГАН ДАРЁЛАР

ББК 26.89(9) + 28.088

А 15

Муҳаррир: И. Хувайтов

Абдуллаев М.

**А 15 Нажот кутган дарёлар.—Т.: Меҳнат. 1991.—
120 б.**

Халқимизнинг маънавий қадриятларини тиклаш, деҳқон меҳнати-
га муносиб баҳо бериш ҳамда Орол денгизи билан боғлиқ бир қатор
экологик муаммолар ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан
ҳисобланади.

Публицистик мушоҳада асосида ёзилган ушбу китобда ана шулар
хусусида сўз юритилади.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Абдуллаев М. Реки, нуждающиеся в помощи.

ББК 26.89(9) + 28.088

А 1502010400—65
М 359 (04)—91 доп сп 91

ISBN 5—8244—0723—1

© «Меҳнат» нашриёти, 1991

МУАЛЛИФДАН

Одамлар гўзал истиқбол ҳақидаги ваъдалардан толиқди. Хаёлий эрам боғидек жилвагар келажак биздан йироқлаб кетди. Она табиатнинг биз ҳайратла боққан мўъжизалари ҳам таназзулга юз тутмиш. Мусаффо кенгликларда ғубор кезиб юрибди. Шаффоф чашмалар кўз юмаётир. Баҳри уммонимиз Орол жон талвасасида. Инсон боши узра экологик фалокат қиличи осилиб турибди.

Нега бундай бўлди. Биз қачон мудҳиш хатоларга йўл қўйдик? Нега ҳаёт кемамиз тўлқинлар қутирган фалак уммонида ўзини ҳар ёққа ураётир? Баногоҳ бесар мудроқликдан кўз очиб, атрофга боқсак замон ўзини қийнаган саволларга жавоб излаётир. Шоир лутф этганидек, «инсон онгидаю замон қаърида давом этаётган буюк инқилоб» мусаффо эпкинлардан нажот кутмоқда. Занжирбанд туйғулар жунбўшга келаётир.

Табиат инсонга ато этган гўзалликлар қайта кўз очармикан? Саёз тортган маънавият дарёлари яна тўлиб оқармикан?

XXI аср бўсағасига қадам қўяётган замондошимиз мана шундай ўйлар гирдобиди яшамоқда. Унинг кўнглидаги уй ва кечинмалар, орзу ва армонлар бизни баҳс ва мунозараларга чорлайди.

УЙҒОНАЁТГАН УМИД

Дехқон ер олмоқда. Етмиш йил бурун бўлганидай, яна унинг кўксига офтоб тегаётир. Кечагина бир қарич ерда бола-чақаси билан қоврилиб ётган бечора ялангтўш чорак гектардан томорқа олаётир. Кўзларига ишонмайди, тушимми ё ўнгимми, дейди. Йигирманчи йилларда отамерос ерини қайтариб берганларида манглайи шундай бир ярқираган эди. Бу инқилоб қуёшининг зиёси эди.

Аммо... ўшанда бу зиёнинг йўлини тўсдилар. Чоракорга ер берган шўро ҳукуматининг ўзи уни «сен қулоқсан», деб юртидан бадарға этди. Ўша деҳқонга ери тушган бойбува эса «ҳолинг қалай, энди» деб чапак чалди. Бу ҳам ҳолва экан, кейинроқ бориб инқилоб қайтариб берган ернинг қолган-қутганини пахта деган бало юҳодай ютди. Унинг исканжасидан қутулиш осон бўлмади, ўтмишдаги бой-амалдордан ҳам кўра ёвуз-ялмоғизроқ экан: бутун бир элни ярим аср мутаб ётди. Шоир айтганидек, «Гўё таъна тошин саноғи битиб, тарих сопқонидан тушган каби зар», деҳқон кўксидан ҳам умид уйғонди.

Ўйга толаман: курашиб, қон тўкиб инқилоб байроғини кўтарганлар халққа ер ва сув берган эди. Аммо ана шу ерни яна инқилоб номидан қайтариб олганлар ким эди? Улар ҳам асл инқилобчи эдиларми ёки инқилобий давлатнинг бошқарув апаратига инқилобчи тўнини ёпиниб кирган эски тўраларми?

Бугун Октябрнинг саккизинчи ўн йиллигида қайта қуриш бу жумбоқларга жавоб излаётир. Улар улуг бир мамлакатнинг пойдеворига қўйиб улгурган эски ғиштлар эса қўчиб тушмоқда. Халқлар ўртасидаги миллий муносабатларнинг чигаллашиш сабаблари, ҳақ-ҳуқуқини айтганга, хавотир бонгини чалганга «Сенга ким қўйипти ҳақни айтмоқни», дея ақл ўргатишларнинг илдизлари ўша Ленин йўлидан тойишларга бориб тақалмаяптими?

Қайта қуриш бу дардларга даво излаётир. Ниҳоят, ўзбек деҳқони ер олаётир. Умидлар уйғониб, саболар

мусаффолашаётир. Аммо яна надоматлар бўлсинки, деҳқонга ерни раво кўрмайдиган янги тўралар ҳам учраб қолаяпти. Жунбушга тушиб халққа ер ўрнига мушт кўрсатаётган, пайтдан фойдаланиб, таъма деб аталмиш эски қўшигини айтаётганларга юзма-юз келаяпмиз.

Улар ким? Улар онги занглаган тасаввурлардан халос бўлолмаган, сталинча бошқариш сиёсатининг қуввати билан яшаб келаётган одамлар бўлиб чиқяпти.

Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи котиби Р. Худойберганова экология масалаларига доир учрашувда саволларга жавоб бераётиб, вилоятда пахта майдонлари 18 минг гектарга қисқаришини, шунинг 12 минг гектари қишлоқ аҳли томорқаларини кенгайтириш учун берилишини айтди. Ҳозир ҳар бир колхоз-совхозда томорқа бериш ва уни ҳисобга олиш бўйича махсус комиссиялар иш олиб бораётган экан.

Хивадаги Огаҳий боғида бўлиб ўтган учрашув чоғида машҳур колхоз раисларидан бирини шу хусусда суҳбатга тортдим.

— Колхозимиздаги кўпчилик аҳолининг 13 сотихдан ери бор, — деди у, — Биз колхоз экин майдонидан ҳар бир хўжаликка қўшимча равишда яна 10 сотихдан ер беришга қарор қилдик. Шунда деҳқонларимизнинг қишлоқ ичидаги ва ташқарисидagi жами томорқа майдони 23 сотихга етади.

— Шундай деҳқон хўжаликлари ҳам борки, уларнинг ҳар бирида уч-тўрттадан оила истиқомат қилади. Табиийки, ҳар бир оила ўзининг алоҳида томорқаси, алоҳида уй-жойига эга бўлсам дейди. Уларнинг ҳам нияти рўёбга чиқяптими?

Раис жавобга қийналади. «Бундай оилалар кўп. Уларнинг бир қисми бошқа жойларда ишлайди. Бир қисми колхоз ишлаб чиқаришида қатнашса ҳам оталари қарамоғида. Ҳар бирига томорқа бераверсак ер етмайди. Бизда 11 минг аҳоли бор. Колхоз эса бор-йўғи 2400 гектар ҳайдаладиган ерга эга. Шунинг 1616 гектари пахта, 436 гектари беда, 100 гектари сабзавот».

Раис 1600 деҳқон хўжалигининг ҳар бирига далада фақат деҳқончилик қилиш учун ўн сотихдан ер ажратиб бермоқчи. Шунда хўжаликнинг 2400 гектар экин майдони бор-йўғи 160—180 гектарга қисқаради. Демокчиманки, бир рўзғорда уч-тўрт оила бўлиб яшаётганларга алоҳида-алоҳида ер берилганда ҳам хўжалик ютқазмайди. «Улар аввал уй-жой масаласини ҳал этсин, бирон жой-

да уй қурсин. Томорқа керак бўлса сўнгра ўйлаб кўрар-миз», дейди раис.

Ер бўлмаса қаерда қуради у уй-жойини? Эҳтимол, қай бир оилали йигит район марказида, бирон қурилиш ташкилотида ишлар, ер берилмаса унинг турмуш ўртоғи ҳам бир-иккита бола билан бўлиб уйда ишсиз ўтираверди. Қолхоз ёш келини иш билан таъмин этолмаса ҳам томорқа, уй-жой учун ер билан таъмин этсин. Мол-ҳол асрагани имкон берсин. Иш дегани шу!

ЎзКП Марказий Комитети (1989 йил) XVI пленумида аҳолининг шахсий хўжаликлари жумҳуриятдаги умумий экин майдонининг атиги 6 фоизда деҳқончилик қилиб қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тўртдан бир қисмини бераётгани бежиз айтилмади-ку. Ҳозир қишлоқдаги кўп кишиларнинг мол-ҳоли йўқ. Бу — ҳаммамизни ташвишга соладиган факт. Вазиятнинг шу даражага етишида ерга ҳасис раисларнинг ҳам қўли. Йўқмикан? Қолхоз ихтиёрида қолаётган 2200 гектар ердан ҳозир томорқага ажратилаётган 180—200 гектарга қўшимча яна 50—100 гектар ер одамларга бўлиб берилса осмон узилиб ерга тушмас. Одамлар бу жойлардан қолхоз дала-сидагига қараганда 3 барабар кўпроқ ва сифатлироқ ҳосил олади. Аввало ўша одамлар тўқ бўлади, қолаверса бозор сероб бўлиб, юрт арзончиликка юз тутади. Қолхозчи томорқасида етиштирган ва рўзғоридан олган маҳсулотнинг бир қисмини қолхознинг режаси учун ҳам топшириши мумкин, агар хўжалик техника ва ўғитдан ёрдам берса!

Биламан, раис менга эътироз билдиради: ер олиб уй қурулмайдиганлар қанча, қайтанга ер бўш ётмайдими, деб. Балли, сиз халқнинг аҳволини билар экансиз. Ер берганингиз билан ҳамма эртага уй тиклаб кетолмайди. Чунки унинг сармоясини йўқ. Майли, бу йил қурмаса келасини йили, келасини йил бўлмаса индинги йили қуриб олар. Ёш оила уй қуришдан олдин томорқада у-бу экиб олсин. Майли, қовун экиб сотиб бўлажак уй пойдеворига бетон, эшик-ром, шифер олсин. Тупроқ текин, пахсани ҳашар билан ўзи тиклаб олади. Барибир томорқага ҳеч ким пахта экмайди, егулик экади. Егуликка эса элнинг оғзи тегади!

* * *

Афсуски, Хоразм вилоятидаги қолхоздагина эмас, бошқа жойларда ҳам томорқасини кенгайти-

риш ниятида бўлганларнинг йўлига ҳар хил сунъий тўсиқлар, ўтиб бўлмас ғовлар яратилмоқда. Яқинда томорқа масалаларига бағишланган бир йиғилишда Янгиариқ район партия комитетининг биринчи котиби Эгамберган Ҳақимов қизиқ бир фактни айтди. Районда ҳар бир оилага 26 сотихдан, колхозда ишламайдиганларга эса 13 сотихдан томорқа беришга қарор қилинибди. Нега энди бир қишлоқда яшовчига икки хил муносабат? Қишлоқ меҳнаткаши колхозда ишламагани учун камситилиши керакми? Балки, у қишлоқ зиёлисидир. Мактаб хизматчиси ёки касби тақозосига кўра район ё вилоятдаги бирон корхонада ишлар. Балки, колхоз бор ерини оилавий пудратга бериб, унга ер тегмагандир. Энди шунинг учун қишлоқ одамларини табақага ажратиш керакми?

Тўғри, 30—40 йил муқаддам мана шундай табақага ажратиш мавжуд эди. Ҳатто қишлоқ одамларига бошқа жойга кетиб қолмасин, деб паспорт ҳам берилмасди. Деҳқон боласи бирор жойга ўқишга борадиган бўлса, паспорт эмас, вақтинчалик справка бериларди, борди-ю ўқишга киролмаса ўша ёқда ишга жойлашиб қолиб кетмасин деб.

Гарчи, кейинги ўн-ўн беш йил ичида бу тартиб бекор қилинган бўлса-да жумҳуриятдаги ишчилар синфининг шаклланишига зиён етказмай қолмади. Бугун, йирик шаҳарларимиздаги ишчилар синфи орасида ўзбек халқи вакиллари, туб жой аҳолиси озчиликни ташкил этишининг сабаблари мана шу сталинча тутуриқсиз сиёсатга бориб тақалади: Шуниси таажжубланарлики, Россия қишлоқларининг ҳувиллаб қолиш даври ҳам, ўша қишлоқлар аҳолисининг Ўрта Осиё саноат шаҳарларига келиб ишга жойлашишлари, эмин-эркин уй-жой олишлари ҳам айни шу кезларга тўғри келади. Паспорт олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган қишлоқда яшовчи ўзбек йигит-қизлари эса колхозда қолиб ишлашга мажбур эдилар.

Бугун биз Марказий Россиянинг ўша йиллари ҳувиллаб қолган қишлоқларига — Ноҳратупроқ ўлка, Киров ва Чита вилоятларига аҳоли тигиз яшаётган ўзбек қишлоқларининг одамлари кўчиб бориши учун турли рағбатлантириш йўлларини ишга солаётирмиз.

Ушанда ўзбек қишлоғига, унинг одамларига муносабат паспорт режими орқали тартибга солинган бўлса, жумҳуриятнинг саноат шаҳарларидаги янги корхоналарни ишчилар синфи билан таъминлаш Марказий Россиядан одамларни бу корхоналарга ташкилий равишда кў-

чириб келтириш йўли билан ҳал этилган. Йўлини топиб қишлоқдан кетганининг ёхуд қишлоқда яшаб туриб ҳам ишчи-хизматчи сафига ўтганининг томорқаси қирқилган. Хўш, бу нима, колхозчининг мартабасини оширишми ёки ишчи-хизматчи сафига ўтган, зиёли бўлиб етишган одамнинг ҳуқуқини камситишми? Аҳоли миграциясини регионал миқёсларда бу хил сунъий бошқаришдан кўзланган мақсад нима эди? Умид қиламизки, қайта қуриш бундай жумбоқларга ҳам жавоб топади.

Ана шу жумбоқлар ҳақида ўйлаганда кўз олдимда ўсмирлик йилларим гавдаланади. Эсимда, ўшанда бешинчи синфда ўқир эдим. Отам колхозчиликдан бешиб мактабга қоровул бўлиб ишга ўтган. Оз бўлса ҳам ҳар қалай ойма-ой маош оларди: ойига 27 сўм. Аммо у мактабга ишга ўтган кундан бошлаб бизнинг томорқамиз тенг ярмига қирқилди. Гарчи у ҳеч кимга керак бўлмаса ҳам. Ўшанда колхоз йиллаб одамларнинг маошини бермас, хўжалик кассасида сариқ чақа ҳам йўқ эди. Одамлар тирикчилик ташвишидан ўзини ҳар ёққа урарди. Отам ҳам кейинроқ бориб темир йўл ишчилигини ихтиёр этди. Аммо бир ой ўтар-ўтмас колхознинг эркакшода раисаси уйимизга бостириб келди. Эти суягига ёпишиб кетган бу қоратой хотиннинг оғзидан боди кириб шоди чиқарди, «бадарға қилиб юбораман, ана ўшанда биласанлар колхознинг қадрини», дерди. Ёнидаги ҳафтафаҳм шотирлари эса унинг ҳар қандай имо-ишорасига шай турарди. «Молхонасини кўр, буларнинг», деб ўдағайлайди у шотирларига. Биттаю битта сигиримиз подада эди. Молхонада икки қоп похол билан йигирма даста янтоқ чиқди. Ранснинг буйруғи билан уни тележкага ортдилар. Аммо унинг тўртдан бир қисми ҳам тўлмади. Бир сиқим хашакни олиб кетишга уялдилар. Мен не машаққат билан тўплаган хашак ўша темир аравада бир ойча ётиб шамолда тўзғиб кетди: Болаларча соддалик билан «Нега бундай қилдилар» деган саволимга ягона жавоб шу эди: колхозда ишламаган одамнинг даладан хашак тўплашга ҳам ҳаққи йўқ!

Бутун бир мамлакатни иқтисодий таназзулга олиб келган ўша тутуриқсиз сиёсат афсуски, ҳали ҳам тўла барҳам топмаган экан. Наҳотки, биз одамларни табақага ажратишни бугунги қайта қуриш йилларида ҳам бекор қилолмасак? Эҳтимол, бугун баъзи жойларда ер етишмаётган экан, аммо ўша беъмани тартиб жорий этилган пайтда ер беҳисоб эди-ку! У бутун мамлакатни боқиб, ўз қорни-

ни тўйдиролмаётган, эртадан кечгача қора терга ботиб меҳнат қилиб ҳам арзимаган ҳақ олаётган деҳқоннинг қишлоқдан бош олиб чиқиб кетишига қарши қўйилган тушовларнинг мингтасидан биттаси эди-ку! Нега биз бугун бунни англамаяпмиз? Нега, ҳамон колхозчига бир хил, ишчи-ю зиёлига иккинчи хил ўлчов қўяётирмиз. Ахир уларнинг ҳар иккиси ҳам бир ватаннинг фарзанди-ку!

Томорқанинг меъёри қанча? Бу савол бугун ҳаммани ўйлантирмоқда. Чунки Иттифоқнинг турли жумҳуриятларида унинг ўлчови ҳар хил. Энг ками Ўзбекистонда эди. Жумҳурият партия-ҳукуматининг шу масалага доир қабул қилган қарорида қишлоқда яшовчи ҳар бир оилага 25 сотихгача ер ажратиб бериш масаласи илгари сурилди. Бу ўртача меъёр. Яъни, колхозларнинг Намунавий Уставида колхозчиларга ажратиб бериладиган томорқа миқдорини колхознинг умумий мажлиси ва правление ҳал қилади, дейилган. Демак, ўз ер шаронтига қараб колхоз умумий мажлиси томорқани 25 ҳам, 20 ҳам қилиб белгилаши мумкин. Фарғонадаги аксарият хўжаликлар эса 13 сотихдан қилиб белгилабди. Агар шундан ошиб кетса колхозга ер қолмас экан. Хўш, қолмаса нима қипти?

— Э, унда колхоз давлат режасини қандай бажаради? — деб таажжубга тушишади айрим раҳбарлар.

— Одамлар томорқасида етиштирган маҳсулот билан мева-чева топшириб бажаради, — деймиз биз.

— Э, унда колхознинг нима кераги бор?

— Ҳа, баъзи жойларда кераги қолмайди.

Шунда суҳбатдошингизнинг юз-кўзига тикилинг. Ваҳима ва ҳадикни сезяпсизми? Йўқ, баъзи иқтисоди-ночор, ери кичикроқ колхозларни тугатиб ёки каттароғига қўшиб юборса ҳам осмон узилиб ерга тушмаслигини тасаввур этмаганидан эмас, балки, раҳбарлик курсисидан ажралиб қолишидан ваҳимага тушаётган бўлади. Ҳа, минг-минглаб фидойи, элбоши, ишбоши, халққа чинакам ғамхўр раҳбарларимиз орасида мансаб бандалари ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Деҳқонга ер беришга қаршилиқ қилаётганлар, унинг майдонини иложи борица камроқ қилиб белгилашга уриниб ётганлар, колхозчига бир хил, хизматчи-ю зиёлига бошқа хил томорқа майдони ўлчаб бераётганлар мана шулар.

Бугун Ўзбекистонда бир миллионга яқин аҳоли ишсиз. Томорқани кенгайтириш эса бу муаммони ҳал этиш-

да муҳим социал омил сифатида эътироф этилмоқда. Чунки, томорқа олганлар уй қуришга тушади. Бу ҳам ишчи кучига эҳтиёж ошади деган гап. Уй-жой қурилиши кенгайса, қурилиш материалларининг тақчиллиги ҳозиргидан ҳам бир неча баробар ошади. Демак, маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарини кенгайтириш лозим бўлади. Одамлар иш билан таъминланади, қурилиш материаллари кўпаяди. Ниҳоят, ўзбек деҳқони, унинг сиймосида ўзбек халқи одам уяладиган қиёфадаги япасқи-юпасқи уй-жойларидан халос бўлади. Бу фактнинг яна бошқа бир жиҳатига эътибор беринг. Шу чоққа қадар жумҳуриятимиз аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти бўйича Иттифоқдаги энг кам таъминланган жумҳурият бўлиб қолаётганининг сабаби ҳам аслида асосий майдонларимиз пахта билан банд бўлиб, оқибатда аҳолининг томорқа майдонлари ҳам бошқа жумҳуриятлардагига қараганда кам қилиб белгиланганига келиб тақалмоқда. Кўряпсизми, ўртада қанчалик боғлиқлик борлигини. Шундай бўла туриб биздаги айрим маҳаллий раҳбарлар томорқани кенгайтириш моҳиятини тушуниб етмаяптилар.

Хўш, уларнинг мақсади нима ўзи? Токайгача улар ўз қўлини ўзи боғлаб, элнинг оёғига тушов бўлади?

Уларнинг айримлари ҳозирданоқ томорқа берганимиз билан ундан яхши фойдалана олмайди. Бировлар ишлашни билмайди, бировлар қўли қисқа деб важ кўрсатмоқда. Хусусан, Бағдод районида, унинг «Москва» совхозида дастлаб масалага ана шундай нохушлик билан ёндошдилар.

Аслида-ку давлат бир қарич ерини ҳам ҳеч кимга текин бермайди. Бугун томорқа олган одамга эртага ер солиғи белгиланади. Бу жиҳатини қишлоқ советига қўйиб бериб, нуқул «эҳтиёткорлик» қилавермасдан феълимизни андак кенгроқ қилайлик. Солиқ жонидан ўтган одам барибир ер тирмалайди.

Энди ўлчов ҳақида. Албатта, ер кам жойларда қишлоқ советлари ва колхоз правлениелари бир амаллаб истиқболли колхозни сақлаб қолишга уриниб, томорқаларни кам белгиламоқдалар. Хусусан, Фарғона водийсида шундай йўл тутяпти. Яъни кўп хўжаликлар томорқани 13 сотих қилиб белгилашибди. Бу уларнинг ўз иши. Ўз ҳуқуқлари, биз ундай қил, бундай қил, деб уларга ақл ўргатмоқчи эмасмиз. Хўжаликлар келгусида бу ма-

салани яна ўйлаб кўришар. Шу ўринда муаммонинг яна бир нозик жиҳати ҳам борки, бу ер қадрини биладиган, ҳақиқий фидокор деҳқонларнинг ташаббусини бўғмаслик. Шундай деҳқонлар ҳам борки, бир гектар ер бўлса ҳам бемалол эплаб, бошқалардан ўн ҳисса кўп ҳосил оладилар. Қайсики қишлоқда шундай талабгорлар чиқар экан бундай хайрли ташаббуснинг йўлини тўсмаслик керак. Эҳтимол, колхознинг бирон каттароқ даласи бундай одамларга ажратилиб, хўжалик улар билан шартнома тузиб иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Яқинда академик М. Муҳаммаджонов бир қизиқ фактга эътиборимизни тортди. Марказий Фарғонанинг кўп йиллар муқаддам ўзлаштирилган қўриқ ерлари тупроқ шароитининг ёмонлигидан самарали фойдаланилмаётган экан. У ерда пахта ҳосилдорлиги ниҳоятда паст, ўзини оқламайдиган даражада. Фарғонанинг аҳоли тигиз жойларида истиқомат қилувчилар орасида агар мана шу жойлардан кўпроқ томорқа берилса ўша ерга кўчиб чиқиб, уй қуриб, яшаш истагини билдираётганлар ҳам кўп экан.

Шундай экан, андазаларни бузиб, бундай жойларда ҳам 13 ёки 25 сотихдан эмас, аҳоли талабига, имконига, ташаббусига қараб 30—40 сотихдан ер бермоқ жониз эмасми? Нафақат Марказий Фарғонада, Мирзачўл, Қарши, Сурхон-Шеробод, Бухоро чўлларида ҳам бунга эҳтиёж бор. Чўлу биёбонларнинг мураккаб шароитларида деҳқончилик қилаётган одамларни каталак уйлару тор томорқаларга сиқиб қўйишлар ўзини оқламади. Бугун ўша хатоларни тузатиш пайти келди.

Деҳқон уй қурмоқчи....

Муаммо фақат уй-жой қуриш учун ҳам ер етмаётганлигининг ўзидагина эмас. Ундан ҳам катта муаммолар бир амаллаб ер олингач бошланади. Аслида ҳеч бир жойда ўзбек қишлоғидек ивирсиб ётган қишлоқ йўқ. Нега шундай? Қолхозчининг уйини кўздан кечириш. Нарибери лойсувоқдан чиққан икки уй, бир даҳлиз, бўлса айвоний бор, бўлмаса у ҳам йўқ. Ҳовлини қинғир-қийшиқ молхона, сомонхона, ўтинхона, тандирхона эгаллаб ётибди. Ер етишмайди-ю, аммо томорқанинг каттагина қисми чор-ночор қурилган ёрдамчи биноларга тўлиб-тошган, Шоир дўстим Юсуф Жумаев айтганидек, деҳқон бундай кулбаларнинг бир чеккасини ямаб-ясақунча унинг иккинчи томони аллақачон шўртанглаб кетган бўлади. Бунинг сабаби аён: деҳқоннинг дурустроқ уй қуришга қўли

қисқалик қилади. Унлаб меъморчилик институтлари қишлоқ аҳлига таклиф этаётган лойиҳаларни рўёбга чиқариш эса фантазия дейсиз! Сабаби бундай уйларнинг энг арзони 20 мингдан 40 минг сўмгача туради. Боз устига уларнинг бирортаси ҳам қишлоқ меҳнаткашининг турмуш тарзига мос эмас.

Самарқанддек қадимий меъморчилик марказида Архитектура институти, Тошкентда эса Ўзбекистон қишлоқ қурилишини лойиҳалаш институти, унинг вилоятлардаги ўнлаб филиаллари, яна турли лойиҳалаш муассасалари бўла туриб, шу кунгача ўзбек деҳқонининг қурби етадиган, маҳаллий шароитга ҳар жиҳатдан мос бирорта лойиҳа халқ томонидан тан олингани йўқ. Ҳалиям, асрлар синовидан ўтган анъаналар бор экан, деҳқоннинг қора кунига шу яраб турибди. Ўзбек халқининг асосий қисми қишлоқда яшаётганини, уларнинг маданий турмуши ҳаётий эҳтиёжларга мос меъморий лойиҳаларга ҳам боғлиқлигини ҳисобга олайлик.

Яқинда Арманистонда бўлишга тўғри келди. Унлаб қишлоқларнинг қиёфаси билан танишдим: аксарият уйлар 2—3 қаватли. Шундай бежирим уйларки, кўрган кўз қувонади. Уларнинг эгаси ҳам бизда тасаввур этишганидек, қандайдир ошхонанинг ёки кооперативнинг раиси эмас, боғбон ёки оддий ишчи бўлиб чиқади. Бизнинг гектаридан 40—50 центнерлаб хирмон уядиган номи улур пахтакоримиз бундай уйнинг ярмини ҳам тиклолмайди. Эҳтимол, гап қаватлардагина эмасдир. Аммо тан олиш керакки, бу хилдаги обод уйлар ерни тежайди. Тежалган ерда эса ноз-неъмат битади. Биз эса нуқул бир қаватли чор-ночор уйлар қуришга одатланиб қолганмиз. 30-йилларда ерини дурустроқ ишлаб, сал ўзини тиклаб олган уддабуронроқ деҳқон қулоқ қилинганидай, яқин-яқингача ерини тежаб икки қаватли уй қурган одамни бўлар-бўлмасга ҳаромхўрга чиқарганимиз ҳам бор. Шунданми, қишлоқ аҳли ёмон кўздан ўзинг асра ҳудойим деб, нуқул бир қаватли уйлар қуришяпти.

Ўзбек деҳқони ҳам ноумид эмас. Унинг ўзи бўлмаса боласи шундай обод уйларни орзу қилади. Аммо у уйини ерни тежайдиган ва ободроқ қилиб, қаватига қават қўшиб қуриши учун бундай уйсозлик тажрибаси бизда ҳам кенгроқ ёйилиши керак. Энг муҳими «Мана, мен қишлоқ меъмориман» дея оладиган бирор мард архитектор чиқиб, анъанавий ва замонавий меъморчилик услубларини уйғунлаштирган ҳолда маҳаллий қурилиш материалла-

ридан ҳам тикласа бўладиган уйларнинг лойиҳасини яратиб бериши лозим. Умуман, меъморлар уюшмаси турғунликдан уйғониб қишлоқ ҳаётига юз бурмоғи керак. Демокчимаңки, худди Карпаторти ёки Болтиқбўйида бўлгани сингари замонавий қишлоқбоп уйларнинг лойиҳа-андозалари бизнинг ҳам истаган газета дўконларимизда сотиладиган бўлса! Ҳар ким хоҳлаган лойиҳасини танлаб оладиган бўлсин. Айтайлик, оддий пахсадан бир қаватли қилиб қуриладиган уйнинг чизмасидан тортиб, (қадимий Хоразмнинг шу кунгача сақланиб келаётган бинокорлик услублари замонавий меъморлар учун жуда катта манба бўлиб хизмат қилган бўлур эди) каттароқ оилаларга мўлжалланган — ота-болалар ёки ака-укалар қуриши мумкин бўлган 2—3 қаватли уйларнинг лойиҳасигача бўлсин. Деҳқон юз хил лойиҳа ичидан ўзининг қурби етадиганини танлаб олсин! Албатта, ҳолва деган билан оғиз ширин бўлмайди: жумҳурият ҳукумати бинокорлик материалларини деҳқон учун арзон ва сероб қилмаса, яна бир жойда депсиниб қолаверамиз. Муддао шуки, ўзбек қишлоғининг манзараси ҳам арман ёки украин қишлоғининг манзарасидан қолишмасин. Бир халқ иккинчи халқдан кам бўлмасин!

* * *

Уч-тўрт йил муқаддам газетхонларнинг «Колхозчининг моли қаерда ўтлайди?» деган мазмундаги мактуби муносабати билан собиқ қишлоқ хўжалиги вазирлигидаги масъул ўртоқларга мурожаат қилган эдик. Вазирлик бошқарма бошлиғи Л. Жайноқбоевнинг жавоби газетада эълон ҳам қилинган эди. Унда таъкидланишича, «СССР ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг ер қонунчилиги асосларида қишлоқ жойларида истиқомат қилувчиларга шахсий молларни боқиш ва ем-хашак ғамлаш учун ер ажратиш кўзда тутилган. Мол боқиш учун колхозлар, совхозлар бошқа қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотларига қарашли ерлар ҳисобидан белгиланган тартибда ер ажратилади. . . . Колхозларнинг правлениелари ўз аъзоларига мол боқиш, унга ветеринария хизмати кўрсатиш, шунингдек, молларни ем-хашак ва яйлов билан таъминлашда ёрдам бериши зарур».

Аммо бу нарса ҳамон қоғозда қолмоқда! Томорқа масалаларига бағишланган йиғилишда И. Жўрабековга шу мавзуда савол берганимизда колхозчиларнинг моли

ўтлайдиган жойлар ажратишга имконимиз йўқ, деган жавоб олдик. Қизиқ, Агропром раҳбари «колхозчига томорқа бермаган раиснинг «бурнини қонатамиз», керак бўлса ўша колхозни тугатиб бўлса ҳам ер берамиз деб турса-ю, яна айни бир пайтда амалдаги кўрсатмаларни рад этиб, «колхозчининг моли ўтлайдиган дала ажратишга имконимиз йўқ!» — деса, бу мантиқсизлик эмасми?

Фарғона вилоятининг Бағдод район ижроия комитети раиси Набижон Назаров райондаги 73 қишлоқ аҳолисининг қорамоллари учун ноябрь-декабрь ойидан бошлаб ҳар бир қишлоқда икки гектардан ер ажратиётганини айтди. Албатта, ҳар қишлоқда аҳолининг камида 200 — 300 бош моли бўлишини ҳисобга олсак, бу икки гектарнинг мол тўғғи остида тўзони осмонга чиқиши ҳеч гап эмас. Аммо шуни ҳам тан олиш керакки, район раҳбарияти кейинги 15—20 йил ичида йўл қўйилган хатоларни ўнглаш йўлини тутяпти. Шахсий моллар ўтлайдиган арзимас ерлар ҳам пахтага бўшатиб берилиб, қишлоқ аҳлининг молини подага ҳайдаб боқиш бутунлай барҳам топганлиги кечирилмас гумроҳлик эканлигига иқдор бўлаётирлар. Бу қадамни фақат табриклаш керак. Унинг кенг қўлоч ёйишига, қишлоқ аҳлининг подаси тикланишига зарур шарт-шароит яратиш, имкониятга қараб, иложи бўлса, ҳар бир қишлоқда икки гектардан эмас, 20—30 гектардан ер ажратиш керак.

Биз шу чоққача фақат бунинг тескарисини қилиб келдик. Оқибат аёнки, жумҳурият аҳолиси гўшт-сут билан медицина меъёрининг ярми даражасида ҳам таъминланмайдиган бўлди. Бозорда гўштининг нархи уч баробар ошди. Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети XVI пленумида айтиб ўтилганидек, аҳолининг 45 фоизи ойига 75 сўмдан ҳам кам ҳақ олаётган бўлса, бундай қиммат нархда гўшт сотиб олиб ейишга кимнинг қурби етади?

Таниқли физиолог олим Бекжон Тошмуҳамедов аёллар ўртасида ғоят хатарли даражада кенг тарқалган камқонлик ва унинг асоратидан келиб чиқаётган болалар ўлимини биринчи навбатда гўшт-сут тақчиллиги, ҳайвот оқсиллари мувозанати бузилганлиги билан боғламоқда. Бинобарин, қишлоқ аҳлининг подасини тиклаш эътиборсиз ташлаб қўйиладиган масала эмас. Болтиқбўйи аҳолиси йилига жон бошига 81 килограммдан гўшт истеъмол қилади. Чунки, Болтиқбўйида ҳам, Украина, Молдавия, Россия қишлоқларида ҳам аҳоли моллари ўрмонлардан ажратилган махсус жойларда ўтлайди.

Деҳқон ўрмондан берилган ерда пичан ўради. Биз эса Оролдек улкан бир денгизнинг қуришига олиб келган ўнлаб каналлар чиқариб, ярим миллионлаб қўй-қўзилар суруви, от-туялар уйори кезиб юрган чўллارни ўзлаштириб, ўша уюрлар ва сурувларни қийратиб пахта экдик. Яна деҳқонни ҳайҳотдай чўлдаги пахтазорнинг орасига «қамаб», мана сенга етади, деб, 8 сотихдан томорқа бердик. Фарғона водийсини-ку қўя турайлик, Қарши, Сурхон-Шеробод, Мирзачўл, Жиззах, Элликқалъа, сингари янги массивларнинг гугуртнусха қишлоқларида эл пода-си ўтлайдиган дала у ёқда турсин, ҳатто бир бош мол асрагани шароит қолдирмадик. Бугун аҳолининг 37 фоизда умуман сигир йўқлиги мана шу «сиёсат» билан боғлиқ эмасмикан? Хўш, қолган 63 фоиз аҳоли қандай қилиб сигир боқяпти денг? Бу саволга яна ўша янгидан ўзлаштирилган ерларнинг қиёфасига қараб жавоб топасиз. Бундай жойлардаги сигири бор одамлар томорқасига мева-чева, сабзавот экмайди, фақат беда билан жўхори экади. Оиланинг бола-чақаси эса хўжаликда пода ўтлайдиган жой йўқлигидан мактабни чала ўқиб, уззукун эшак миниб далага чопади: ё зовурга тушиб қамиш ўради ёки пахтанинг орасидаги заҳарли дорига тўйган ўтни юлиб келиб сигирига беради. Ўша заҳарнинг бир қисмини ўзи ҳам ичади.

Ҳа, деҳқон оиласи ана шундай бир амаллаб, жонини жабборга бериб, бир сигирни боқади, сут ичади. Аммо мева-чевага, сабзавот-полизга кўзи ҳам тўймайди. Ўзбекистон ширин-шакар мева-чева-ю сархил сабзавотнинг асл ватани бўла туриб, унинг аҳолиси бу неъматларни ҳам Иттифоқ даражасидан, тиббий меъёрлардан анча кам истеъмол қилади. Сабаби аён: қишлоқ меҳнаткаши ё сут ичади, ё мева-чева ейди. Иккаласига ҳам бирдай оғзи тегмайди. Чунки она ернинг асосий қисми «ярим жаҳонни кийинтираётган, чорак жаҳонни эса иш билан таъмин этаётган» пахта деган валломатга тўлиб-тошган. Бу ўзбек деҳқонининг чекига тушган бурч эмиш. Бутун бир халқни асоратга солган ҳавойи шиорларнинг вақти ўтмадимикан? Бечора деҳқон не балоларни кўрмади? Шоир айтганидек, гоҳида ўзига қанчалар бенасиб таом пиширди. Ўзи етиштирган донни на уруғликка, на ош-нонига қолдирмай тортиб олишларни кўрди. Моли кўпайса бойиб кетади деб бор-будини саноққа солишларни, чеклаш-чегаралашларни кўрди. Ўзи егани гўшт топмай колхоз-совхоз режаси учун гўшт топширишга маж-

бур этилди. Бугун келиб билсак, колхоз-совхозлар ўз аъзосидан «ихтиёрий-мажбурийлик» принципи асосида гўшт режаси учун сотиб олган молларни топшираётиб, давлатнинг шу гўшт учун дотация сифатида ажратаётган катта-катта маблағларини деҳқонга бермасдан паққос уриб қолаётган экан. Бундай хўжалик раҳбарлари-га «қойил-е» дегинг келади.

Деҳқон тортган азоблар фақат шугина эмас. Бу азобларнинг энг сўнггиси чўл ўзлаштириш деб аталган «буюк юриш»ларда намоён бўлди. Деҳқонку қайга десак бош тортмай ўша ишнинг илгини тутди. Саҳро шамолларию дашт офтобида куйиб, бутун борлиқни ёндиргудек олов пурковчи қуёш тифида қора кўмирга айланиб ер очди. Аммо биз унинг ўзига оёқ узатгудек ерни раво кўрмадик.

Натижа-ку шундай экан, ўша ўнлаб дашту чўлларни ўзлаштиришдан мақсад нима эди? 60-йилларда, айтийлик, Қарши чўлини ўзлаштириш режасини тузиб уни амалга оширганларнинг нияти инқилобдан аввал Николай подшо манфаатларини кўзлаб Қарши даштига сув чиқаришнинг ўнлаб режаларини тузган Петров ва Бекovich сингари инженерларнинг мақсадларидан нимаси билан фарқ қилади? Жавоб топишга қийналасиз. . . Ниҳоясиз чеклаш-чегаралашларга гирифтор этилган деҳқон ҳаётини мушоҳада этиб таниқли публицист Василий Селюниннинг «Ибтидолар» асаридаги ушбу сўзлар ёдга тушади: «Наҳотки, қон тўкиб қўлга киритилган инқилобдан мақсад фақат деҳқон деб аталмиш фидойи халқнинг азоб ва асоратга, қулликка солишдан иборат бўлган бўлса! Наҳотки, биз инқилобни шу мақсадда амалга оширган бўлсак?»

Биз халқнинг етиштириб берадиган пахтасига кўз тикибмизу, аммо унинг ўзини инсон сифатида, халқ сифатида кўрмабмиз. Ахир бу одамлар социалистик жамиятнинг Ленин рўёбга чиқарган улуг инқилобдан баҳраманд тенг ҳуқуқли аъзоларимиди ёки пахта қуллари?

Ниҳоят, энди қайта қуриш бу саволларга жавоб топмоқда. Бугун келиб билдикки, бизнинг маънавий-маданий даражамиз, жаҳон халқлари орасидаги камолу-иқболимиз қадди букик чоллару олти ёшли болаларнинг ҳам қўлига этак тутқазиб кўтариладиган осмонўпар пахта хирмонларига эмас, балки элнинг сиҳатлиги, дастурхони тўкинлиги, шод-хуррамлигига боғлиқ экан. Таниқли рус ёзувчиси Сергей Залигин айтганидек: бу одамлар на сиз билан биздан, на социализмдан ҳеч нарса сўраёт-

гани йўқ. Улар фақат бизни ўз ҳолимизга қўйинглар, ҳеч бўлмаса ота-боболаримиз яшаганидек кун кечирайлик, дейишмоқда. Йўқ, улар олис Читаю, Ноқоратупроқ ўлкаларда эмас, ўзимизнинг она Фарғонада, сўлим Хоразмда бахтли бўлишни, одамга ўхшаб кун кечиришни истайдилар. Одамлари ёғли жойларни кўзлаб ташлаб кетган, ҳувиллаб қолган ўлкаларни эмас, оталари, боболари юртини обод қилишни истайдилар.

... Ниҳоят, босириқ уйқудан, ғафлатдан уйғона бошладик. Кўзимизни очиб қарасак, оғир дардга йўлиққан эканмиз. Осмонга қарайвериб оёғимиз тагини, бизни кўтариб турган заминни, таянч нуқтамизни унутиб қўйибмиз. Минг шукурки, бугун бу дарддан фориг бўлиш, уни даволаш йўлини тутдик. Лекин огоҳ бўлайлик: дарддан чинакам фориг бўлиш учун муолажа ҳам чала бўлмаслиги керак. Чала муолажа — тузатиб бўлмас оғир асоратларга гирифтор этади!

МУШОҲАДА

«Ҳамма нарса инсон учун!», «Яшасин бунёдкорлар!». Бундай шиорларга ҳар куни кўзимиз тушади. Уларни дуч келган жойга осиб қўйишдан чарчамаймиз. Байрамларда алвонга ёзиб кўтариб ўтамиз, мажлисларда сўзлаймиз. Аммо унинг замиридаги теран мазмун хаёлимиздан кўтарилади.

Қишлоқ маданиятига муносабатимиз ҳам шундай. Деҳқон гектаридан неча центнер пахта олаётганини суриштирамиз. Унинг даромади қандай, инсон сифатида дам олаяптими, қишлоғида клуби, уйда газ, қозонида гўшти борми? Бу ҳаётини эҳтиёжлар билан ҳам узоқ йиллар қизиқмай келдик. Ҳолбуки, бизга ярқироқ рақамларда бўртиб кўринадиган миллион тонналар мана шу қадоқ қўлли меҳнаткашнинг елкасида.

«Сайловчилар билан бўлган учрашувимиз клуб йўқлигидан... кўчада (?) ўтди. Биров тик турди, биров чўккалади...»

Бу воқеа шунчалик бир чекка қилишда эмас, замонавий аэропортига эга, бир пайтлар йирик районга марказ бўлган шаҳар типидagi посёлқада бўлмоқда. Уни айтган киши ҳам оддий колхозчи эмас, район Советининг депутаты. Дастлаб сўз шу маданият ~~шароити~~ ҳақида. Зеро, у меҳнаткашга, социал-маданий ~~соҳага~~ муносабатимизни бирмунча равшанроқ ифодалайди.

1980 йил Сарносийё район ижроия комитети янги клуб қурилиши ҳақида қарор чиқариб, ер ажратган, лойиҳага буюртма берган эди. У 500 ўринли томоша зали, 15 минг китоб фонди, 30 ўринли қироатхонаси бўлган кутубхона-ни ўз ичига оладиган катта комплекс бўлиши керак эди. Ниҳоят, 1982 йилнинг октябрь ойида лойиҳа тайёр бўлди. Аммо иш юришмади. Дастлаб уни қурадиган ташкилот «топилмади». Сўнгра бинокорлик материаллари қимматлашгач, у тасдиқдан ўтмади. Смета қиймати 1 миллион сўмдан ошмайдиган янги лойиҳага буюртма берилди.

«Тежамкорлик» шу бўлдики, аввалги лойиҳа учун сарфланган район маданият бўлимининг сал кам ўн минг сўм маблағи ҳавога совурилиб кетди. Янги лойиҳада клуб 400 ўринли қилиб кичрайтирилди.

Қурилиш энди бошланай деб турганда яна ғалва чиқди. Дастлаб клубга ер ажратиш ҳақидаги қарорга розимиз деб имзо чеккан Ленин номидаги матлубот жамияти ошхона ва кондитер цехимизни кўчирмаймиз деб туриб олишди.

Оқибат шу бўлдики, 1984 йили иш fronti йўқлиги учун клуб қурилишига ажратилган 159 минг сўм маблағнинг 25 минг сўми ўзлаштирилди.

Шунда вақтинча бўлса ҳам чора кўрилди: савдо ходимларига эски клуб бўшатиб берилди. «Вақтинча» деганимиз бонси аҳолига баҳоли қудрат хизмат қилиб турган бу бино ҳам янги клуб қурилишининг охириги навбатда бузилиб, унинг ўрнида янги комплекснинг баъзи объектлари жойлашиши керак эди. Клуб шунча можаролардан сўнг фойдаланишга топширилиши мумкин эди. Аммо матлубот жамияти ғайри одатини қўймади. Эски клуб биносига вақтинча бўлсада жойлашиб олгач, бу ерда ўрнаштирган ошхона ва буфетини кўчирмай «қўлингдан келганини қил» деб туриб олди. Ҳолбуки, бузиладиган арзимас иморатлари учун район маданият бўлими фондидан 60 минг сўм олган эди. Бу идора эски клубни эгаллаб, аввало минг-минглаб кишиларни бу ерда баҳоли қудрат ўтиб турган маданий тадбирлардан бебаҳра қилиб қўйган эди. Кейин эса салкам ўн йил аҳолини интиқ қилиб келган клуб комплекси битай деганда қурилишни тўхтатиб, кўпчиликни маънавий маданиятдан маҳрум этди. Бинокорлар бу ерда режали иш бўла туриб ўз кучларини бошқа объектларга сочиб юборишга мажбур бўлдилар.

Хўш, нега қайсидир бир савдо ташкилотининг ғайри-қонуний манфаатлари одамларга нур, зиё элтажак клуб ихлосмандлари, меҳнаткаш халқ манфаатидан устун қўйилди. Эҳтимол, бу идоранинг раҳбарлари савдо ходими учун клубга бориб томоша кўриш завқли эмас, тижоратдан фэйз кетади, деб ўйлар. Ким билади, балки улар маданияти «юксаклиги»дан умуман клубга эҳтиёж сезишмас? ... Лекин оддий меҳнаткаш халқ ҳеч қачон клубдан юз ўгирмаган.

Сариосиёдаги бу клуб-ку ниҳоят ўн йилдан ортиқ давом этган можаролардан сўнг чала-чулпа бўлса ҳам ишга тушди. Чала-чулпа деганимиз лойиҳада кўрсатилган барча қулайликлари билан фойдаланишга топширишнинг иложи бўлмади. Уша эски можаролар, сансалорликлар халақит берди. Шулар ҳақида ўйларканман, СССР халқ депутати Бернора Қориеванинг Ўзбекистон ССР Олий Советининг тарихий XI сессиясидаги ушбу сўзлари хаёлимдан ўтади: «Фарғона водийсида ғалаёнлар рўй берганлиги ҳам одамларимизда маданият етишмаганлигини билдиради. Биз бу ҳам аҳолининг ғалаёни бошланишига туртки бўлганини тушунамиз... Аҳоли жон бошига олганда мамлакатимизнинг баъзи регионларида маданий эҳтиёжлар учун 25 сўм, Ўрта Осиё жумҳуриятларида эса 5 сўм (ёшитишимча ҳатто 3 сўм) сарфланар экан».

Бундай шароитда қандай маданият ҳақида гапириш мумкин.

Мана кўряписизми, фожиаларимизнинг бош сабаби қаердалигини. Биз қишлоқларни қўя турайлик, ҳатто район марказларида ҳам оддий клуб қурилишини ўн йиллар мобайнида маҳкамачилик тушовига солиб қўямиз. Нега қишлоқларда маданият муассасаси йўқ, нега юртимизда аҳолининг маданий эҳтиёжлари учун жон бошига 5 сўм ёки 3 сўм сарфланади, десангиз, маҳкамачи раҳбарлар хўжалиklarимизнинг давлатдан қарзи кўп деб жавоб беришади. Жуда кўп хўжалиklar ҳатто етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган фуқаросининг қўлига этак тутқазиб пахта тердириб қўйгани билан ҳам қарзга ботиб ётганини биламан. Чунки харид нархларининг узоқ йиллар мобайнида нотўғри белгилаб келинганлиги, бу сиёсат ноҳолис юргизилганлиги сабабли биз нафақат қарзга ботиб қишлоқ ва район марказларини маданий инқироз ёқасига олиб келдик. Ҳатто айрим сиёсатдонларнинг наздида «боқиманда» деган иснодни ҳам кўтардик. Юсуф Жумаев ёзади:

Тилла бериб қарзларини
Узолмаган юртгинам.
Пилла бериб қарзларини
Узолмаган юртгинам.

Мева бериб вагон-вагон
Узолмаган юртгинам.
Пахта бериб миллион-миллион
Узолмаган юртгинам...

Биз ўз турмушимизга халис баҳо бермас эканмиз ўтмиш юкларидан халос бўлолмаймиз. Қачонлардир шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутларни йўқотамиз, деб ҳаракат бошлаган эдик. Баъзи қишлоқларимизда замонавий мактаб ва болалар боғчалари, клублар, маиший хизмат уйлари пайдо бўлди. Янги қишлоқлар чирой кўрсата бошлади. Аммо бундай «бахти кулган» қишлоқлар кўп эмас. Бир-икки обод бинолар эса ҳамон лойсувоқ, пахса уйлاردан иборат бўлиб қолаётган ўзбек қишлоқларининг асрий қиёфасини ўзгартира олгани йўқ.

Биз ҳам шаҳар ва қишлоқ ўртасида бутунлай тафовут бўлмаслиги керак демоқчи эмасмиз. Аслида шаҳарни шаҳар, қишлоқни қишлоқ қилиб турган ўз афзалликлари, қулайликлари, гўзалликлари бор. Улар ҳеч қачон бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Гап қишлоқ аҳлининг маиший шароитлари ҳақида бормоқда. Ҳозир бутун бир районда битта ҳаммом йўқ, деса ишонасизми? Йўқ. Ижтимоий-маданий соҳага анча йиллар «ўғай» кўз билан қараб келганмиз, ўғай муносабатимиз бу соҳада ҳам намоён бўлиб турибди. Тўғри, бутун Сарниосиё ҳаммомсиз эмас, «Коммунизм» совхозида бор. Хўжалик бир пайтлар бақувват эди. Клуб ҳам, ҳаммом ҳам, меҳмонхона ҳам қуриб олган, лекин у бутун районнинг эҳтиёжи олдида дарёдан томчи...

Унча кўп бўлгани йўқ — яқин кунларда ҳам бу ерларнинг ҳар бир баҳаво жойида, ҳар бир хўжаликда, халқнинг кўзидан панада ҳашаматли «дача» ва «юбилей шийпонлари» қуриш авж олган эди. Улар бир ҳовуч раҳбарсифат кишиларнинг маишати учун хизмат қиларди. Клубу ҳаммом, шифохонаю болалар боғчаси қуриш мана шу йилларда унутила бошланган эди. Гарчи, бу ҳашаматли бинолар ижтимоий-маданий соҳа маблағларидан тикланмаган бўлса ҳам, улар айнан мана шу соҳанинг қурилиш ресурсларидан қад кўтаргани аниқ.

Яхшиям мусаффо эпкинлар эса бошлади. «Коммунизм» совхозига қарашли Дашнободнинг энг баҳаво жойи

да қурилган шундай бир «дача» болалар лагери учун, «Хонжиза» совхозида юксак тоғнинг тўшида қад кўтарган назар тушмас оромгоҳ қишлоқ касалхонаси учун берилди. Лекин бу билан ижтимоий-маданий соҳадаги ишлар ўз изига тушиб қолгани йўқ.

Меҳнаткашнинг иши тез-тез тушадиган жой, — бу фақат клуб ёки ҳаммомгина эмас, халққа бозор ҳам керак. У тирикчилик ташвишида кунора бозорга тушмаслиги мумкин эмас. Рўзғори учун егулик ва кийим-кечак харид қилиши, молини ё мева-чевасини сотиб пулини бошқа эҳтиёжлари учун сарфлаши керак. Дастлаб, Сарносёда бу масалага ақл кўзи билан қарашди. Районда бозорлар у посёлкадан бунисига кўчиб юрарди. Мева бозори бир жойда, мол бозори бошқа жойда. Бунинг устига тор жойда томоша. Транспорт ноўнғай, аҳоли сарсон бўларди. Мутасаддилар ўйлаб-ўйлаб ахийри «етти ўлчаши-да, бир кесишди». Янги бозор ҳаммага ўнғай жойда — районнинг эски ва янги марказларини боғловчи йўл ўртасидаги Қурувчилар посёлкасида қуриладиган бўлди. Районнинг марказий касалхонаси, поликлиника, темир-бетон буюмлари заводи, қурилиш комбинати ва бошқа ўнлаб ташкилотлар шу жойда жойлашган. (Кези келганда айтиш керак, бу ерда ҳам минг-минглаб аҳоли учун на бирор клуб, на бирор кутубхона бор).

Янги бозор лойиҳаси режага киритилган бир пайтда ер муаммоси келиб чиқди. Машҳур «Коммунизм» совхозини халқ манфаати учун атиги 3—4 гектар ерини раво кўрмади. Ахийри Узун ўрмон хўжалигига қарашли ўрмонзорнинг бир чеккасидан — ноёб дарахтлардан воз кечишга тўғри келди. Асрий ўрмоннинг ноёб арчалари чопилди. Халқ манфаати учун шундай қилишга мажбур бўлинди. Бозор қурилиши бошланиб, анча-мунча маблағ ўзлаштирилди, девор олинди, асфальт ётқизилди, расталар тиклана бошланди. Лекин нима бўлди-ю салкам юз минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилганда кимнингдир иродаси халқ манфаатидан устун келди. Қурилиш тўхтади-қолди. Ушанда маънавий турғунлик даврининг хуружи авжига чиққан йиллар эди. У пайтда элнинг минг бор ташвишидан қайсидир амалдорнинг бир оғиз сўзи устун келарди.

Энди бозор қиёфасини олай деган жой эса негадир (балки бу ерда қилинган ишларни бекитиш, сарф этилган маблағларни хас-пўшлаш учун бўлса керак) бу ердан 60 километр узоқликдаги «Хонжиза» совхозини учун

машина-трактор парки қилиб берилди. Тадбиркорликни қаранг: совхоз маркази, аҳолиси, ишчи кучлари, экинзорлари олисдаги тоғ оралиқларида бўлсаю техникаси бу ерда бўлса! Одамлар, техника бориш-келиш учун бекордан-бекорга 120 километр йўл босишса, гўё совхоз жойлашган тоғу-тошда жой йўқдай. Бунинг учун кетаётган ортиқча вақт, транспорт-ёнилғи харажатлари, бошбошдоқликнинг иқтисодий жиҳати қанчага тушаётган экан? Буни ҳисоблаб чиқиш математика ишқибозларига эмас, давлатнинг ҳар бир тийинига кўз-қулоқ бўлган молия ташкилотларига ҳавола.

Хўш, бозорсиз қолган халқнинг аҳволи қандай дерсиз? Узундаги каталакдек бозорча урҳо-ур, айниқса яқшанба кунлари. Бир ёнда дарё, бир ёнда Денов-Душанбе автотрассаси. Савдо ташкилотларининг кўчма дўконлари шу куни ҳамма ёқни қоплаб олади, улар ярмарка ташкил этишади. Йўлга одам тиқилиб кетади. Бир кориҳол юз бермасин деб, ГАИ ва милиция ходимларининг жони ҳалак. Мол бозори эса икки километр нарида...

Сариосиёликлар азалдан меҳнаткаш, қўли гул, бунёдкор одамлар. Улар нафақат текисликда, ҳатто осмонўпар тоғу тошларда ҳам гул ундириб қўйишибди. «Сангардак» ва «Хонжиза» совхозлари Ҳисор тоғлари орасида жойлашган. Бу жойларда табиатнинг ўзи инсонга бор гўзаллигини инъом этган. Табиатнинг қудрати ҳам, мўъжизалари ҳам шу ерда. Фақат бу гўзалликни инсонга хизмат қилдириш, унинг маънавий мулкига айлантириш учун бироз саъй-ҳаракат керак.

Айни саратоннинг жазирамаси бошланган кезлар эди. Сариосиёдан машинада бир соатча юрар-юрмас тоғлар орасидаги Сангардак шоввасига етиб келдик. Атроф тик тоғлар, қорли чўққилар билан ўралган. Пастда дарё шовуллайди. 500 метрча юқоридан, баланд тоғнинг қоқ белидан қизларнинг қирқ кокилидай ёйилиб шаршара оқиб тушмоқда. Тошдан-тошга кўтарилиб шовванинг тагига етиб бордик. Шерикларимиз иккита нон олиб чиқди. Шаршара сувига ботириб едик. Дунёда бундан гўзал роҳат йўқ эди.

Атрофдаги ёнғоқзорлар, узумзорлар, pista бодом ўрмонзорларини айтмайсизми...

Баҳордан қишгача пахта даласидан чиқмайдиган қўли қадоқ деҳқонларимиз учун, офтоб тигида қорайиб ишлаётган оналаримиз, опаларимиз, сингилларимиз учун, улар тарбиялаётган фарзандларнинг саломатлиги

учун бундай шифоли жойлардан оқилона фойдаланиш керак.

Сангардак шоввасига яқин жойда — бир баланд тоғ ортидаги водийда жумҳурият қасаба уюшмаларига қарашли «Хонжиза» дам олиш уйи ишлаб турибди. Бир йўла 330 кишига хизмат қиладиган бу оромгоҳ бир пайтлар бу ерда иш олиб борган геологларнинг мўъжаз қўрғони эди. Геологлар кетишгач, ҳордиқ масканига айлантирилибди. Дам олиш уйи директори А. Кабиров тилга олган баъзи муаммоларни (телефон хизмати, сабзавот-мева дўконлари йўқлиги, кундалик газета-журналларни олиш қийинлиги) ҳисобга олмаганда мамлакатнинг истаган ҳордиқ маскани билан беллаша олади. У мавсумий — 22 майдан 7 октябргача ишлайди, деҳқончилик ишлари қизиган пайтларда бу ерда биронта пахтакорни топиш қийин. Бир-икки шерободлик қарияларни айтмасак, асосий дам олувчилар Москва, Ленинград, Новосибирск ва бошқа жойлардан келишарди. Улар бу ерда жон деб дам оляптилар, биз эса уни назарга илмаймиз.

— Йўқ, унчалик эмас, — деб эътироз билдирди бизга «Ленинизм» колхози раисининг ўринбосари Ш. Насриддинов, — вилоят қасаба ушмалари совети негадир бизнинг пахтакор деҳқонларимиз учун бу ерга йўлланмаларни жуда кам ажратади. Ҳеч бўлмаганда, пахтачиликда нисбатан иш камаядиган 20 август билан 1 сентябрь орасида бу ернинг барча йўлланмалари механизаторлар, сувчилар, пахтакор деҳқонлар учун ажратилиши керак. Шунда ёз бўйи эзилиб ишлаган деҳқон кузги сермашаққат юмушлар олдидан бир фурсат нафас ростлаб олган бўлур эди...

Гап айланиб келиб яна меҳнат аҳлига муносабатимизни ўзгартириш масаласига тақалмоқда. Нафақат пахтакор деҳқоннинг тоғли зоналарда, хусусан, ноқулай шароитларда истиқомат қиладиган кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларига ҳам эътибор керак.

— Кўпчилик тоғ хўжаликларининг иқтисоди ночор. Бунинг бош сабаби йўллар чатоқлигидир, — деди бизга «Хонжиза» совхози директори Жўракул Ражабов, — 30 километрлик Хонжиза-Чош йўли қурилиши бошланганига неча йил бўлди. Аммо йўл ҳали ҳам битмади. Ҳар йили белгиланган маблағлар ўзлаштирилмай қолиб кетади. Баланд доvon ортидаги Чош қишлоғи шу хўжаликка қарайди. У ерда боғ, экинзор қиладиган қўлай жойлар анча-мунча. Аммо Деновдаги 5-йўл эксплуатация

бошқармаси йўл қурилишини йилдан-йилга чўзиб бу ердаги хўжаликларнинг қўлини қисқа қилиб турибди.

— 20 гектар ерга ёнғоқ, 10 гектар ерга бодом кўчатлари экдик. Урикзорларни кўпайтиряпмиз. Чошга борадиган йўл битса, шу беш йилликда 200 гектар ерда янги бодомзор ва ёнғоқзор барпо этмоқчимиз...

Ўтган беш йилликда бутун жумҳуриятда бор-йўғи 250 тонна ёнғоқ етиштирилган. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 0,3 граммни ташкил этади. Тоғларимизда эса қанчадан-қанча ёнғоқзор учун мос жойлар мавжуд. Инсоннинг қўли керак бу ерларга.

Тоғларимиз аслида тўкин-сочинлик, фаровонлик манбаи. Атиги бир гектар янги олмазор яратсак, ҳар йили 15—20 минг сўм даромад деган гап. Уруғлик беда эса бир гектардан 3 минг сўм соф даромад беради. Текисликда бир гектар оқ пахта ҳам шунча даромад беради. Аммо шу даромаднинг учдан икки қисми унинг меҳнатига кетади. Биз эса бу ерда уруғлик беда учун 500 сўм харажат қилсак кифоя.

Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, дейди халқимиз. Тоғлар ҳам ўз-ўзидан фаровонлик заминига айланиб қолмайди. Токи, бу ерда истиқомат қилаётганлар учун зарур шароитлар яратилмас экан, тўкинчиликнинг рўёбга чиқиши қийин. Энди «ҳа, бўл, ҳа бўл режани бажар» деб қисташ ёки баландпарвоз шиорлар билан одамларнинг кўнглини овлаб бўлмайди. У инсон сифатида меҳнатига яраша ҳақ олишни, шунга яраша инсондек яшашни ҳам талаб қила бошлади. Одамларнинг онгида ўзгариш, қайта қуриш бўляпти-ю, аммо меҳнаткашларнинг арзи-доди, ҳаётий эҳтиёжларига кўз қулоқ бўладиган маҳаллий раҳбарларнинг иш услубида ҳали ўзгариш сезилаётгани йўқ.

Гўзал шаҳарларда, мўтадил ҳаво яратилган кабинетларда иш олиб бораётган лойиҳачилар ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистон қишлоқ қурилишини лойиҳалаш институтининг Термиз филиали мутахассислари бизнинг тоғ шароитимизга тўғри келмайдиган уйлар лойиҳасини тикиштироқда», — дейди суҳбатдошимиз Жўрақул Ражабов. — Бу лойиҳаларда бизнинг тоғ шароитларимиз ҳисобга олинмаган. Лекин буюртмачилар ҳар қанча нозилик билдирмасин, лойиҳачилар ўз билганларидан қолишмаяпти.

Биз директорнинг УАЗ машинасида бир амаллаб, 3,5 минг метр баландликкача чиқиб бордик. Мана шун-

дай баландликларда ҳам ҳаёт давом этмоқда, бир ёнида муз қоплаган қорли ўнгирлар, бир ёнда гуллаб ётган боғу экинзорлар. Ақл бовар қилмас жойлардан булоқларнинг сувини ариққа йиғиб олиб ўтаётган, тоғу тошларда машаққат билан боғ яратаётган кишиларнинг таббиркорлиги дилимизни яшнатди. Лекин уларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ижтимоий маданий соҳа мутасаддиларининг кўзидан ниҳон эканлиги кўнглимизни мискин қилди.

Меҳнаткаш инсоннинг ҳаётӣй эҳтиёжларига муносабат ҳақида мушоҳада юритдик. Маънавий турғунлик, носоғлом муҳит илдиз ёйган яқин ўтмишнинг аянчли ҳатолари ҳақида сўзладик. Ишни шундан, меҳнат аҳлига муносабатни ўзгартиришдан, дунёқарашимизни сийқа тасаввурлардан тозалашдан бошламоқ керак.

ҚАЛБ ЭҲТИЕЖИ

Осмон — беғубор, уфқ эса қизариб борар эди. Дарё мавжланиб ётибди. Тўлқинлар соҳилни ялаб-юлқаб уюрма ҳосил қилади, гоҳо ғовак жойлар «шалоп» этиб ўпирилиб тушади. Дарё бўйида ҳаёлга толиб, бу манзарани кузатиб ўтирган йигит олис-олисларга нигоҳ тикиди. Дарё ястаниб ётган кенгликларга қарар экан, бундай теранликни илк бор туяётгандек энтикди. Вужудини титратиб турган ҳаёллар тарқалгандек бир оз енгил тортди...

Олис йўл. Таъзиядан қайтаётиб юраги қаттиқ сиқилди. Далалар узра доридан «из» қолдириб учаётган самолётлар гоҳ у, гоҳ бу ёндан шох ташлаб ғашга тегарди. Уфқ ёниб бораётгандай.

Ниҳоят, адирлар бошланди. Нафасни бўғувчи ғубор ортда қолди. Унинг тўхтагиси, бир фурсат тин олгиси келди. Машинасини дарё томон буриб, баландликда тўхташи билан мана шу улугвор манзара намоён бўлди. Илк бор мўъжизага дуч келгандай ҳайратланди. Дарё асрлар оша шу зайлда оқиб ётибди. Бу улуглик, абадият қошида инсон умри бағоят оний туюлди, унга. Қирчиллама қирқ ёшида ҳаётдан кўз юмган акаси, унинг бир умр елкасидан тушмаган кетмонию пахта даласи... Саккиз фарзанднинг ноласи, ҳамма-ҳаммаси айқириб оқаётган дарё тўлқинлари каби кўз олдидан бир-бир ўтди.

«Тирикчилик деб ташвишдан ортмаймиз, бундай бир

ўзимизга қарамаймиз ҳам», «Тирикчиликда нима айб, биродар! Юзинг тескари бўлгур дард ҳам кўп-да! Қайси бирини айтасиз?...»

Таъзияга келганларнинг гапи унга тасалли бермас, юрагини баттар эзар эди. Кўпдан буён дурустроқ натижа бермаётган янги препаратини бот-бот эсга соларди...

Мана йигирма йилдирки — фармацевтика институти-ни битириб академиянинг кимё институтига ва ундан ҳозир ишлаётган автомобиль йўллари институтига келгандан буён — полимерлар кимёси устида тадқиқот олиб боради. Изланишлари бесамар кетмади: Олтишдан ортиқ янги полимер кашф этди. Фан номзоди, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, СССР ихтироچиси деган унвонлар соҳиби бўлди. Кашфиётлари Менделеев номидаги Ўзбекистон кимё жамияти мукофоти билан тақдирланди... Аммо кўнгли таскин топгани йўқ.

Шундай олимлар бор: ёшлигида бирор ниши натижа кўрсатиб қўша-қўша унвонларни қўлга киритадию сўнг-ра ҳеч нарсга яратмаса ҳам, унвонлари билан керилиб юраверади. Аммо чинакам ҳалол олим бундай йўлни тан олмайди. Унинг қалб эҳтиёжи ўз халқининг маънавий эҳтиёжларига йўғрилган бўлади. Шавкатнинг янги тадқиқотлари мана шу эҳтиёж, зарурат тақозоси. Жорж Томпсон бежиз айтмаган: «Фан йўлида қилинадиган хизматларнинг энг буюги унга янги ғояларни киритишдир...»

У-ку, янги моддаларим нимага яраркан, деб роса бош қотирди-я. Уларнинг кейинги тақдири ҳақида ўйлади-я... Зеро янгилик илм учунгина эмас, халқ учун, халқнинг турмушини енгиллаштириш учун хизмат қилиши керак. Бу эса кўп жиҳатдан маъмурий идораларнинг жонкуярлигига боғлиқ. Тўғри, Шавкатнинг ўнлаб янги моддалари халқ хўжалигининг турли соҳаларида катта самара беришти. Аммо бугун у тадқиқотлари йўналишини ўзгартиришга кучли эҳтиёж сизди. Кўпдан буён дилига тугиб юрган нияти — инсон соғлиғи учун беэиён янги модда яратиш ҳақида ўйлади...

Шавкат Абдуллаевич раҳбарлик қилаётган тармоқ лабораторияси шаҳар марказида, гиштин кунгуралари салобат тўкиб турган кўҳна бинода жойлашган. Турли моддаларнинг ўткир ҳидлари бир-бирига қўшилганиданми, ҳавоси оғир, хоналарда аллақандай сокинлик ҳукмрон. Сурма тортилган тим қора кўзларини заррабинлар-

га тиккан оқ халатли қизлар сокинликни бузиб юборишдан чўчигандек оҳиста ҳаракат қилишади. Фақат уларгина деворларига ҳар хил диаграмма-ю молекулаларнинг шакллари осилган, ҳар хил рангдаги моддалар тўла жавонлардан иборат кимё салтанатига файз бериб тургандек.

Шавкат Абдуллаевич, йиллар мобайнидаги кузатувлари қайд этилган дафтарни қайта-қайта кўздан кечириб экан, калаванинг учини топгандек эди. Дилида хуш кайфият уйғонган, асли бунга сабаб ҳозиргина Москвадан олинган телефонограмма: Бутуниттифоқ ўсимликларни кимёвий муҳофазалаш илмий-тадқиқот институти олимлари «Полиокс» препарати дастлабки тажрибаларда яхши самара берганини хабар қилишган. Муаллифни қутлашган эди.

Столдаги колбаларда қизғишранг, асалга ўхшаш ёпишқоқ модда. Наҳотки, кўпдан буён ўзини қийнаб келлаётган жумбоққа шу модда калит топиб берса. Ибн Сино: ҳавода чанг, ғубор бўлмаганида эди — инсон минг йил умр кўрарди, деган. Биз чанг ва ғуборни кўпайтириб қўймадикми? Бунда биз кимёгарларнинг ҳам айбимиз йўқми?

Яқинда марҳум акасининг ўн саккиз ёшли қизи сариқ касалидан вафот этган, қадрдон дўсти эса иккинчи бор шу касал билан шифохонага тушганди. «Нега бу касал камаймаяпти?»

У яна тизгинсиз хаёллар гирдобиди қолди. Дўстининг алланечук рангпар қиёфасини эслади. Ўшанда билиб-билмай парҳезни бузгани учун бироз дашном берган, унинг эса дили огриндими, бир сўз ҳам демаганди. Дўстининг ўша таънали нигоҳи, бемор болаларнинг сарғайган ранглари, нафас йўллари касалланган одамлар кўз олдига келаверар, уларнинг ич-ичига ботиб кетган кўзларида қандайдир сўроқ қотиб қолгандай эди. У таъқиб этар, огоҳ қилар, нимагадир ундарди.

Устма-уст телефон жиринглаб, унинг хаёли бўлинди. Трубкани кўтариб шошиб қолди: йўқлаётган устози эди.

— Салом, домлажон! Ҳа, шу ердан, Келаман, дейсизми?... Кечирасиз, ўзим ҳузурингизга бормоқчи бўлиб юрувдим. Майли-майли... Албатта кутаман.

Профессорнинг шундай одати бор: шогирдларини баъзан ўзи йўқлаб боради. Фақат ишидан хурсанд бўлган чоғларида.

Қош қорайгач, кенг лабораториялар ҳувиллаб қолди.

Фақат унинг хонасида чироқ ёниқ. У устозини кутарди.

Эшик очилиб, домла савлат тўкиб кириб келди. Усто-зу шогирд узоқ кўришмаган ота-болалардек бир-бирига кучоқ очишди.

— Чарчабсан-а, Шавкатжон, рангларинг синиқ, деди домла салом-аликдан сўнг. — Хўш, нима ишлар қиял-сан? Бирров хабар олай ҳам демайсан. Доим ақл бовар қилмас янгиликларни ўйлаб юрасан-да, а! Биз ҳам бир танишайлик. Ё мендан ҳам сир тутасанми?

— Йўғ-э, домлажон, фақат ҳали натижаси аниқ бўлмагани учун... Ноқулай бўлганди.

Профессорнинг бағри кенглиги, яхши ташаббусларни астойдил қувватлашидан унинг ҳамиша кўнгли тоғ бўлиб юрар, айрим мухолифларидан кўнгли чўккан кезла-ри ҳам бу киши очиқ, самимий қалб сўзлари билан кўнглини кўтарарди. Меҳр тўла кўзлари билан ўзига тикилаётган домланинг нуроний чеҳрасига эҳтиром-ла боқиб турди-да, ўйлаб юрган режалари, янги изла-нишларини яшириб ўтиришни эп кўрмади.

— Биласиз, домла, чигитни олдин гоммоз ва илдиз чириш касаллигига қарши дорилашда «фентиурам» иш-латилади. Ўткир ҳидли, ниҳоятда заҳарли. Медиклар пахтада ишлаётганларнинг баъзи касалликларига шу дори айбдор, деб тахмин ҳам қилишади... Аслида ҳам эҳтиётсизлик қилганларнинг соғлиғига бу дори путур етказаётганлиги сир эмас.

— Лекин, улар противогаз кийиб ишлашлари керак-ку, сут-қатиқ истеъмом қилишарди чамамда...

— Шундай. Лекин дала шароитида ҳамма вақт бун-га риоя қилиб бўлмайди. Ҳатто завод шароитида ҳам чигитни бу препарат билан ишлаш анча мураккаб. Бунинг устига у учувчан, салгина шамолда ҳам учиб бутун қишлоқлар, боғлар, мева-чева, ариқлар сувига ўтириб қолади... Баъзи кишилар заҳарни заҳар кесади деб ишдан сўнг ароқ ичишганини ҳам кўрганман.

— Хўш-хўш, «фентиурам» ўрнини босадиган бирор нарс яратдингми? Ёки технологияни ўзгартиришни так-лиф қилмоқчимсан?

— Ҳар иккисини ҳам ўйлаяпман. Лекин ҳали анча ишлар бор. Биласиз, бир тонна чигитни дорилаш учун қиммати салкам йигирма сўмлик «фентиурам», яъни ўн икки килограмм дори сарф этилади. Мен ҳозирча «поли-окс» деган препаратимни шу ишда синаяпман. Унинг ба-

ҳоси ҳам арзон, шунча чигит учун атиги саксон тийинлиги кифоя. Бу иқтисодий жиҳати...

— Борди-ю, «фентиурам»дан қиммат турганда ҳам ўзи заҳарсиз бўлса кони фойда-ку. Хўш, химзашилтадагилар нима дейишяпти?

— Улар ҳам бунга қизиқишяпти. Бутуниттифоқ ўсимликларни кимёвий муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти директори В. А. Удовенко, профессор С. С. Куколенко яхши баҳо беришди. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори Елена Ивановна Андреева «полиокс»ни бошқа соҳаларда ҳам қўллаб кўришни, унинг имкониятларини кенгайтиришни таклиф қиляпти.

— Яша, кам бўлма, ўғлим. Фақат бизнинг ишимизда шошилиш ярамайди- етти ўлчаб бир кесмоқ зарур! Баъзан оддий бир хатони тузатиш учун бутун бир авлоднинг вақтини, куч-ғайратини сарф этишга тўғри келди. Турмушда бунга мисоллар озми? Эҳ-ҳе... Мана, масалан, ҳашаротларга қарши заҳарли модда сепилишини олиб қара. Ҳаёт инкор қилдими? Қилди! Лекин ундан бирданга воз кечиб бўлмаяпти. Нега? Чунки ўз пайтида хатони очиқ тан олишга журъат қилмадик. Биометоднинг афзаллиги аниқланганига ўн беш йилча бўлди. Лекин ёппасига бу усулга ўтилгани йўқ. Сабаби, қулай деб заҳарли дориларни ишлатишга кўникиб қолган мутахассисларнинг онгида ўзгариш қилиш қийин бўляпти. Дефолиациялашда ҳам аҳвол шундай. Бутифосни таъқиқлагунча озмунча азоб чекдими? Халқ сиҳатлигига, авлодлар ирсиятига озмунча зиён-заҳмат етдими? Ҳозир ишлатилаётганлари ҳам беziён эмас.

— Қани эди барча хўжаликлар умуман заҳар сочишдан воз кечишса.

— Вақти келиб бу яроқсиз иш усулларида бутунлай воз кечилади. Партиямиз шундай талаб қўймоқда. Ўртоқ Горбачев, биз бугун ҳамма нарсани ўз номи билан — хатони хато, тўғрини тўғри деб атамоқдамиз, деди. Агар шу партиявий позицияда туриб фикрлайдиган бўлсак, очиқ тан олиш керак, кимёлаштиришни нотўғри тушуниш оқибатида биз пахтачиликда жуда катта хатоликларга йўл қўйдик. Табиат мусаффолигига, одамлар саломатлигига етказган зараримизни... кечириш қийин.

Бой берилган нарсаларни қайта тиклаш учун ҳам, боя айтганимдай бутун бир авлоднинг вақти, фидоилиги зарур.

— Раҳмат, домла! Кўнглим тоғдай, ўсди, — деди у кўзлари намланиб. Ички бир ҳиссий теранлик шуурига ёруғлик сочмоқда эди...

Бу кайфият уни узоқ вақт тарк этмади. СССР Ихтиролар ва кашфиётлар Давлат комитетидан, турли тармоқ институтлари, илмий муассасалардан, тажрибакорлардан келаётган хушxabарлар унга қанот берарди.

«Полиокс» ҳидсиз ва зарарсиз, сувда яхши эрийди. Чигит устига елимдек ёпишиб қолиш хусусиятига эга. Бу унинг энг муҳим афзалликларидан биридир...» деб баҳо берганди Бутуниттифоқ ўсимликларни кимёвий муҳофза қилиш институтининг илмий совети. Уни қувонтирган яна бир янгилик шу бўлдики, мазкур институт олимлари «Полиокс»ни кунгабоқарга тушадиган кулранг чирши касаллигига қарши ишлатиб, препаратнинг иккинчи бир муҳим имкониятини рўёбга чиқаришибди. Кўп ўтмай янги препаратнинг афзалликлари СССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги Давлат комиссиясининг ҳам эътиборини тортди. Янгилик синаб кўришга тавсия этилди.

Лекин бу ҳамма масала ҳал бўлди, деган гап эмас. Энг қийини, янгиликни оммалаштиришда. Олим яратади, аммо яратган янгилигини ҳамма жойда ўзи жорий этиб беролмайди. Янгилик тақдирига беписанд муносабатга дуч келинса-чи? Унда ҳар қандай янгиликнинг бир чақалик қиммати қолмайди. Тупроқ остидаги олтин каби кўмилиб ётаверади. Ҳамма гап ана шу олтинни, олтинга тенг ғояни ишга солишда. Афсуски, айрим мутасадди идоралар илм-фан ютуқларини ўз вақтида жорий этишга ўта беписанд қарамоқдалар. Жуда кўп янгиликлар маънавий жиҳатдан эскириб қоляпти. Ахир бу тараққиётни бўғиш деган гап эмасми?

Мана уни қийнаган муаммолар. Шавкат Абдуллаевич тасаввурига эрк берди: жумҳуриятда экилаётган жами чигит «фентиурам» ўрнига «полиокс» билан ишланса, ҳар йили ўртача 2,5 миллион сўм маблағни тежаб қолиш мумкин. Бу янгиликнинг иқтисодий самараси. Унинг маънавий аҳамияти, табиат мусаффолигини сақлаш, халқ соғлиғини асраб қолиш борасидаги хизмати эса тенгсиз. Илм-фан янгиликларини ҳаётга тадбиқ этишдаги хатоларнинг кўпи ҳам иқтисодий фойдани биринчи ўринга қўйиб, маънавий жиҳатни унутишдан келиб чиққан эмасми? Ҳолбуки, ҳар қандай иқтисодий самара маънавий камолотга хизмат қилмоғи зарур.

«Подлюкс»нинг тақдири ташвишлантираётган кезларда Шавкат Абдуллаевич олдида яна бир катта муаммо кўндаланг бўлиб қолди. Унинг икки йил муқаддам уруғлик чигит устида яратган яна бир янгилиги деҳқонларни қизиқтириб қўйганди. Бу янги хил чигит эди...

Унинг столида хатлар, телеграммалар... Телефонда илтимослар, маслаҳат олиш учун таклифлар. «Деҳқонларни бу чигитнинг нимаси мафтун этдикин? Чигит бўлгандан кейин ҳаммаси бир хил эмасми?»

Менинг ҳайрон бўлаётганимни, астойдил қизиқаётганимни сезди, шекилли, Шавкат Абдуллаевич рўпарадаги жавондан учта шиша идиш олди. Уччасида ҳам чигит. Фақат уч хил. Биринчи: сиртини тук қоплаган; иккинчиси — туксиз, қорамтир, сирти сип-силлиқ. Туксизлантирилган чигит ҳақида эшитганман. Хўш, учинчиси-чи? Унинг ҳам усти сип-силлиқ. Фақат иккинчисидан фарқи устида қандайдир қобиқ борга ўхшайди.

— Туксизлантирилган чигит ҳақида эшитгансиз, — деди у менга синовчан қараб, — нега зарурлигини ҳам билсангиз керак?

— Эшитишга эшитганман-у, фақат негалигини...

— Шундайми? — Бир оз ўйланиб турди-да, деди: — Майли ҳечқиси йўқ, — ҳозир тушунтириб бераман.

Сўнгра қўлига биринчи идишни олди.

— Қани айтингчи? Нега фўзани яганалаймиз? Бунинг нима зарурати бор?

— Ниҳоллар бир-бирини қисиб қўймаслиги, яхши ривожланиши учун бўлса керак.

— Тўғри. Аммо, биласиз, яганалашнинг нақадар қийин иш эканлигини. Одамлар бели букилиб фўза кўчатини қўлда юлади, кетмон билан чопади, ўқувчиларни ёллаймиз. Бир пайтлар кўндаланг культивация деган гап чиққан эди. Барибир бўлмади, иш қиёмига етмади. Трактор бир уядан ўсиб чиққан икки ниҳолдан бирини чопиб, иккинчисини қолдиролмайди. Инсон қўли керак... Кечирасиз, сизни билмадим-у, лекин мен ўқувчилигимда фўза ягана қилганман.

— Мен ҳам. Ҳозир ҳам ўқувчилар яганага чиқишади.

— Ҳа, пахта теришдан осон эмас ҳар қалай. Фақат этак боғламайсиз, холос. Хўш, яна айтинг-чи, чигитни камроқ ташлаб яганага ҳожат қолдирмасликнинг йўли йўқми?

Энди мен ўқувчилик кезлари ўзимга бот-бот савол берган, на ўқитувчимиз, на деҳқонлардан дуруст жавоб ололган ўша саволни эсладим. Фақат эсимда, қайси бир деҳқон: чигитни кам ташласак, у кўкармай қолса, кейин нима қиламиз, деганди. Демак, баҳорнинг серёғин, ноқулай кунларида чигитнинг чириб кетиши, унмай қолиш хавфи ҳам кўп. Шунинг учун яганалашдек оғир меҳнатга рози бўлиб, чигитни керагидан ортиқ ташларканмизда. Ҳа, деҳқон нима қилсин. Унинг учун энг асосийси — уруғни кўкартириб олиш. Шавкат Абдуллаевичнинг саволига эса:

— Эҳтимол, уруғлик тўқис униб чиқишига ишонч йўқлигидан кўпроқ чигит ташланар, — деб жавоб бердим. У кулди.

— Йўқ, бу тахмин. Асосий сабаб бошқа. — У кафтига биринчи идишдаги чигитни олди. — Ҳамма гап чигит сиртидаги мана бу тукларда. Аниқ миқдорда экишга мана шу халақит беради. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган бирорта сеялка бу ишни уддалай олмайди. Чигит экишдан олдин албатта намланиши зарур. Нам бўлган туклар эса бир-бирига ўралишиб, бир-бирини тортиб меъридан кўп тушиб кетади. Ҳар гектарга ўртача саксон-юз килограмм сарф бўлади. Ҳолбуки, ўттиз килограммнинг ўзи кифоя. 60—70 килограмм чигит беҳуда кетади. Яганалаш зарурати ҳам шундан. Энди ўйлаб кўринг: чигит сиртидаги мана шу оддий туклар бўлмаганда эди минглаб гектар майдонларга экилаётган озмунча уруғ тежалармиди? Бу қанчадан-қанча қўшимча маҳсулот. Ёғ, саноат хом ашёси, чорва озуқаси. Пахтакорларни оғир меҳнатдан халос этилишичи? Чигитни аниқ уялаб экиш ғояси мана шундай туғилган. Конструкторлар бу ишни сеялкалар зиммасига қўйиша олмагач, бошқача технология таклиф этилди. Яъни чигитни сунъий усулда туксизлантириш. Мана бу чигитлар, — у иккинчи идишдаги қоп-қора чигитни кафтига олиб кўрсатди, — кўряпсизми, туксиз, яъни туки олинган. Қандай қилибми? Марҳамат эшитинг: ҳозир экиш олдидан чигит икки хил усулда туксизлантирилмоқда: бири механик йўл билан, яъни пахта заводларида чигит туклари аппаратлар билан юлиб олинади; иккинчиси — кимёвий йўл: кислота орқали чигит устидаги туклар куйдирилади.

Аммо бу усулларнинг кенг оммалашмаётганига сабаб шундаки, туксизлантириш жараёни мураккаб. Яна кўп нуқсонларга ҳам эга. Масалан, механик усулда туксиз-

лантириш аввало сермеҳнат, иккинчидан чигит қобиғига ҳам қисман зарар етказади. Уларнинг тўкис униб чиқишига ишонч камаяди. Аниқ уялаб экилган чигит тўкис унмаса, далада ниҳолларнинг туб сони, демакки, ҳосил камаяди. Кимёвий туксизлантириш жараёнида ҳам кислота заҳари чигитнинг уруғлик қисмига ўтиб, тўкис униб чиқишига имкон бермайди...

Шавкат Абдуллаевич учинчи идишни қўлига олиб кафтимга ундаги чигитларни тўкди.

— Бу эса, — у ийманиб бироз жим қолди, кейин: — бизнинг таклифимиз, — деди. — Қўряпсизми, сиртида қобиқ бор. Полимер қобиқ.

— Хўш, бунинг шарофати нимада?

— Шарофати? Туксизлантиришга ҳожат қолмайди. Полимер қобиқли чигитни бемалол аниқ уялаб экавериш мумкин. Технологияси ҳам аввалги усуллардан осон.

У жавондан яна бир идиш олди-да, ликопчага ўхшаш шиша идишга ундаги рангсиз суюқликдан озгина томизди. Сўнгра биринчи идишдаги тукли чигитлардан беш-олти донасини олиб ликопчага ташлади. Чигитлар бир зумда уни сўриб олди, суюқлик чигит сиртига елимдек ёпишиб қолди. Қўп ўтмай учинчи идишдаги ғўлакланган чигитга айнан ўхшади-қолди.

Шавкат Абдуллаевич бу янгиликни такомилга етказгунча катта илмий тажрибаларга эҳтиёж сезди. Туғилган ғояни рўёбга чиқариш устида ўйлаганда ўзини фақат кимёгар сифатида эмас, оддий кузатувчи пахтакор, тажрибали селекциячи ўрнида ҳам тасаввур этиб кўрди. Пахтачиликда-ку, бир деҳқонча илми бор: ахир ота-боси деҳқон ўтган, ўзи ҳам пахтанинг ичида ўсиб улғайган. Лекин селекция мураккаб. Бунинг учун жонкуяр деҳқон бўлишнинг ўзигина камлик қилади. Боз устига ҳозир ғўзанинг нави ҳам кўпайиб кетган. Биридан деҳқон рози, биридан эса... чув тушган. Селекционерлар билан маслаҳатлашгани маъқул...

Маслаҳат шу бўлдики, ўз ғоясини амалга ошириш учун улар билан ҳамкорлик қилишга эҳтиёж сезди. Селекциячи олимлар Шукур Иброҳимов, Озод Ҳасанов ва илмий ходим Абдушукур Бобоназаров билан ижодий ҳамкорликда яратилган сувда эрувчи ҳар хил полимерларнинг чигитга таъсири ўрганиб чиқилди. Гидролиз заводларининг чиқити — лигнин бу ишда қўл келди. Оддий чигитларнинг сирти шу елимланиш хусусиятига эга препарат ва бошқа ҳар хил дорилувчи моддалар

билан ишлаб кўрилганда ғўлакланган, яъни устида юпқа, силлиқ қобиғи бўлган чигит пайдо бўлди. Унинг сирти механик ва кимёвий йўл билан туксизлантирилган чигитдан фарқ қилмаса-да, бунинг учун қўлланилаётган сермеҳнат ва қиммат технологиядан воз кечиш, унинг камчиликларини бартараф этиш имконини берди. Амалиётчилар эса фан томонидан кашфиёт сифатида эфирол этилган янгиликнинг бошқа афзалликларини ҳам аниқлашди.

«Ќўлакланган чигит хўжаликларимизда тажрибадан яхши ўтди. Полимер қобиқ уруғликни баъзан ҳаво ҳарорати кескин пасайиб кетганда совуқдан асрайди. Намни ўзига жуда тез тортиб олиши эса ҳарорат ҳаддан ташқари тез кўтарилиб кетган пайтларда ҳам чигитнинг меъёрида униб чиқишини таъминлайди. Яна бир афзаллиги зараркунандаларга қарши ишлов берилган моддаларнинг экиш жараёнида ва чигитнинг униб чиқишида тўкилиб кетмаслигидир.

Мақсудали Ҳайдаров,
Бувайда район партия
комитетининг биринчи
котиби, Социалистик Меҳ-
нат Қаҳрамони, Ўзбекис-
тон ССР Олий Совети
депутати».

«...Айниқса камсувли ва нисбатан шўрхок ерларда ҳам ғўлакланган чигит қўл келади. Бундай мураккаб шароитли ерларда ҳам ундан серавж ниҳоллар олиш мумкин.

Х. Солиметов,
«Союзхлопок» ИИБнинг
Пахтаорол тажриба стан-
цияси селекция ва уруғ-
чилик бўлим мудир, био-
логия фанлари номзоди».

Баъзан оддий янгилик катта истиқболлар очади. Уни рўёбга чиқариш учун ҳам оддий саъй-ҳаракат кифоя. Лекин ижодкорнинг йиллаб чеккан заҳмати мана шу оддий саъй-ҳаракатга муносиб кўрилмаслиги ёки кимнингдир ҳафсаласизлиги ва яна кимнингдир «бепарво» лиги оқибатида сариқ чақалик наф келтирмай ётавериши мумкин. Шавкат Абдуллаевич бундай ҳолларга кўп гу-

воҳ бўлган. Шунинг учун ҳам ёниб-куйиб яратган янгиликлари тақдирига бефарқ қололмасди. Дастлаб у чигитни ғўлаклаб берадиган улкан бир заводни тасаввур қилди (Қанийди шундай завод бўлса). Сўнгра бу завод хом ашёси, зарур полимер моддалар ҳақида ўйлади. Уни чиқитлардан олиш усулини ишлаб чиқишга зарурат сезди. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти мутахассислари, ҳайриятки, бу технология билан қизиқиб қолдилар. Улар билан ҳамкорликда чигитни ғўлаклаб берадиган экспериментал цех лойиҳаси яратилди, кейин у институтнинг Янгийўлдаги ишлаб чиқариш базасида қурилди ва ишга туширилди.

Шавкат Абдуллаевич столидаги хатлар, телеграммалар, илтимослар мана шу цех етказиб берган уруғликни ўз хўжалигида экиб, синаб кўрган ва унинг афзаллигини эшитган ўнлаб хўжаликлар, жумҳуриятлардан Сирдарёдаги «Малик», Бувайда районидаги «Ленинобод ва «Социализм», Тошкент вилоятининг «Ғалаба», қардош Қозоғистондаги «Жетисой» совхозлари, Тожикистон ва Туркменистон пахтакорлари янгилик муаллифларига мурожаат қилиб, бу цех қувватини оширишни сўрашган. Ғўлакланган чигит олишда ёрдам кўрсатишни илтимос қилишган. Сабаби: СоюзНИХИ, ғўза селекцияси ва уруғчилиги институти тажриба станциялари ва участкаларида олиб борилган синовлардан маълумки, полимер қобикли чигит туксизлантириш учун кетадиган харажатларни камайтиради, сифатли уруғ беради. Яна қатор афзалликлари билан бирга ҳосилдорликни 2—3 центнерга оширади. Бундан хабардор бўлган ўнлаб хўжаликлардан мутахассислар ўз даласига фақат полимер қобикли чигит экиш учун елиб-югуришлари табиий эди. Цех эса бир суткада ўртача 15—20 тонна чигитни ғўлаклай олади, холос. Нима қилиш керак? Мана шу хат ва телеграммаларни кўтариб уруғчилик бошқармасига чиқсинми? Нима десин? Мана — зўр янгилик! Сизлар ҳам бир четада қараб турмай, тезроқ оммалаштириб юборинглар, десинми? Йўқ! Нотўғри тушунишади. Юзига айтишмаса ҳам ортидан ўлгудек шуҳратпараст экан дейишади. Қўл қовуштириб ўтираверса-чи?

Қизиқ, шунча елиб-югуриб, халқим деб заҳмат, машаққат чекиб, ёниб яратсанг-у, охир-оқибат қайсидир маҳкаманинг бюрократ ходими столида чанг босиб қолаверса?

Шавкат Абдуллаевичнинг баъзан бундай дилгир кайфиятда юрган кезлари ҳам бўларди. Бу умидсизлик эмас, албатта. Қанчадан-қанча полимерларни ҳафталаб, ойлаб синтез қилар, лекин у кутган хоссага эга модда ҳадеганда топилмай, топилганлари у кўзлаган мақсадга мос келмай қийнаган кезлари ҳам шундай бўларди. Вақт самарасиз ўтаётганда, уйқусиз кечган тунлар олиб борган синовлар тузук натижа бермаётганда юраги сиқилиб ўзини қўярга жой тополмасди. Шунда енгилган полвон ҳолига тушмасликка интиларди. «Олиша билиш ҳам керак!» дерди. Қўнгли ишдан совушига йўл бермаслик, ўз-ўзингни енгил учун ҳам туриб бериш лозим бўларди. Ана шундай кезларда чанг босиб ётган боксчилар қўлқопи жонига аро кирарди. Ҳеч бўлмаса, бола-чақаларини оларди-да, тоққа чиқиб кетарди...

Ҳозир ҳам димиққан ҳаво юрагини сиқдию деразани очиб юборди. Тоза ҳаводан ўпкаси яйради. Деразадан баҳор мўраларди. Хонада ортиқ туришга тоқати етмади. Баҳор сеп ёйган кўчалар дилга ажиб хушнудлик берар, киши руҳи енгил тортарди. Мана шу кайфият уни... музей залларига бошлаб келди. Одам сийрак. Ҳар бир картина-ўзича бир дунё. Гўё илтижо қилади, ҳайқиради, курашади,—унга шундай бўлиб туюлади. У одатича бурчакка ўтди. Азим дарё замин узра ҳорғин ястанган манзара... Ойдин тун. Қорамтир зангор осмонда ҳилол сузиб юрибди. Дарё ойдинда оқариб кўринади. Элас-элас жимирлаб кўзга чалинаётган юлдузлар ҳам, борлиққа хира нур таратаётган ой ҳам сокин тун қаърига аллақандай улғуворлик бахш этган. Дафъатан ҳаёлга сиғмас бу сирли борлиқни қўлида китоб тутган аллома сиймоси ёритиб тургандек. Унинг нуруний қиёфаси, ўктам боқувчи кўзларида тафаккур зиёси.

Рассом дарё ва инсон қалбини теран бир образ, тимсол даражасига кўтарган эди. Шавкат Абдуллаевичнинг шикаста қалби бу картинадан нур эмарди. Гўё ўзини у гувиллаб оқаётган улкан бир дарё соҳилида тургандек ҳис этар ва унинг маҳобати шуурига кўчарди. Ташвиш-у майда курашларни унутиб, бир зум ором оларди. Сўнг-ра... ҳаёлини банд этган ўйларга жуда одисдан, юксакликлардан назар солмоқчи бўлар, ишлар ва режаларини сарҳисоб қиларди..

Заҳмат чекиб, ёниб иштиёқ билан яратсангу, кимдир унга беписандлик қилса. Ахир олим учун бундан ортиқ даҳшат борми? У мадад кутгандек рўпарасидаги манза-

рага вазмин нигоҳ тикди, саволларига жавоб излаган-дек алломанинг ўткир кўзларига боқди. Ҳайҳот, бу кўзлар ниманидир таъна қилаётгандек эди. У бу ўйни ҳар қанча ҳаёлидан қувишга интиلمасин, барибир, ундан қочиб қутилолмасди; ё мен ноҳақманми? Шухрат учун интиляпманми? Йилларим қандай кечди: ҳақлигимни исбот қиламан деб кимнидир ранжитдимми? Шухратим кимгадир ёқмаган бўлса мен айбдор эмасман-ку. Одамларга ҳам тушунмайсан. Баъзан кимнингдир юзи деб тарбиялаган шогирдинг сенга пичоқ қайраб чиқса, бундан ортиқ маломат борми? Такаббурлик... Олим деган одам такаббурлик қилса, шухрат ортидан қувса ва биль-акс кимнингдир шухратидан ўзини озор чеккан ҳисобласа, ахир инсон қачон камолга етади. «Меники зўр», шу ўтсин деса, бир-бирининг оёғидан чалишга ҳаракат қилса, ундан халққа не наф? Биз бу қусурдан қутулмас эканмиз ҳеч қачон эзгуликка йўлдош бўлолмаймиз...» Аллома кўзларидаги таъна ҳам балки шудир. Балки...

Шавкат Абдуллаевични гоҳо «бир жойда депсиниб ётмаяпмизми? деган ўй ҳам қийнади. Мана, пахта етиштиришнинг Австралия усули. Бундан ўн беш йилча бурун жумҳурият журналларидан бирида бу ҳақда катта мақола берилганди. Бу усулнинг афзалликлари, бизнинг шаронитмизда қўллаш имконияти бор ёки йўқлиги хусусида журналда кейинчалик эълон қилинган давра суҳбатида айтилган қимматли фикрлар ҳамон унинг ёдида. Айрим олимлар бу усул бизга тўғри келмайди, деб чиқишганига қарамай, кўпчилик шу истиқболли метод бўйича тажрибалар бошлаш зарурлигини ёқлаб чиқишганди. Мана орадан ўн йилдан ҳам кўпроқ вақт ўтди. Хўш, бу ҳақда ўйлаб кўрилдими, тажрибалар олиб борилдими? Қандай самаралар бор? Афсуски, бу савол ҳануз жавобсиз қолмоқда. Ҳолбуки, ғўза ўстиришнинг Австралия усулида ҳосилдорлик юқори, у ғаллага ўхшаб экиб ўстирилади, комбайнларда бир йўла йиғиб олинади. Бу усулда пахта етиштириш ҳам арзон, ҳам тола сифати юқори.

Шавкат Абдуллаевич ўша мақола ва давра суҳбатида илгари сурилган фикрларни эсларкан чуқур ҳаёлга толди. Ахир, Австралия қандайдир олис сайёра эмас-ки, у ерда қилинаётган ишлар бизнинг шаронитга тўғри келмаса. Бизда қанча институтлар, тажриба хўжаликлари пахтачилик билан шуғулланади. Ўн беш йил вақт ўтибдию, наҳотки, бу нисбатан прогрессив усул ҳатто бирор

хўжаликда синаб кўрилмаса?! Пахтани исроф қилмасдан тарадиган машинанинг қатъий схемалари ишлаб чиқилиб, юксак баҳо олганига қарамай, унинг муаллифи бир неча йиллардан буён ҳатто тажриба нусхасини тайёрлатишга муваффақ бўлолмаса?! Бунга ҳатто матбуот ҳам аралашди. Лекин нимага эришилди? Ҳеч нимага!

Нега бу янгиликларнинг тақдири, келажаги мавҳумлигича қоляпти? А. И. Герценнинг қуйидаги сўзларини хаёлан такрорлади: Догматизм—фанда тараққиётни бўғади, биласк жонли тафаккурни ўз ибтидоси теграсида тош илдиздек қотиб қолишга мажбур этади. Бу ҳақда ўйларкан у ўз-ўзига савол берди: биз бу кусурлардан қачон қутуламиз? Бунинг учун нима қилиш керак? Дадилик ва журъат бўлмаса бир жойда депсиниб ётаверамиз. Бусиз тафаккур қудрати билан намоён этилган ҳар қандай яхши ғоя догматизм чанги остида қолаверади. Демак, мана шу чангни ювиш, Герцен айтган «тош илдиз»ни қўприб ташлаш зарур. Майли, бунинг учун сени танқид қилсинлар, майли айбласинлар. Бундан чўчима, қўрқма.... Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Ҳолбуки, айрим мухолифлар чумчуқдан ўн баробар зўр калхатдек ташланганида ҳам барибир ҳақ ҳақлигича қолаверади.

* * *

Шошилинич телеграмма.

Тошкент. Ш. Абдуллаевга!

«Ҳурматли Ш. Абдуллаевич! СССР Минерал йғит ишлаб чиқариш Кимё саноати вазирликлари сизнинг янги технология ечимларингиз ва ишлаб чиққан ихтироларингизни техника фанлари доктори илмий унвони ҳимоясига тавсия этишди. Етиб келишингизни сўраймиз. ВАК илмий совети».

Шавкат Абдуллаевич дастлаб севинди, бундай кезлари ҳар бир инсонни хушнуд этадиган ўзгача туйғуларни ҳис этди, сўнгра ўйланди: одамлар нима деркин? Оғзига кучи етган, етмаган бор. Фан номзоди бўлса, ихтиролари жумҳурият Ленин комсомоли мукофоти, Менделеев номидаги Ўзбекистон кимё жамияти мукофоти билан тақдирланган бўлса. Шуларнинг ўзи етмайдими? Қўп қатори алоҳида бир мавзу устида ишламади, ёқламасдан унвон олди, деб маломат қилишмасмикан?

Сўнг ўзига таскин берди: мен ўзимни ўзим тавсия этаётганим йўқ-ку! Ошинг ҳалол бўлса... Қолаверса, фанда баъзан истисно тариқасида бундай ҳоллар бўлади. Аслида диссертациянинг ўзи тайёр, фақат озгина иши бор. Сўнгги йилларда ихтироларини жорий этиш, бунинг учун хом ашёни ажратиб олиш технологиясини яратиш, уни ишлаб чиқарадиган цех ва корхоналарни лойиҳалаш анча вақтни олди. Ахир, фан учун, халқ учун яратилган янгиликнинг тезроқ жорий этилиши муҳимми ёки йўлини кўрсатиб бердим, иш битди деб тезроқ унвон олиш ҳаракатига тушиш? Агар илмий унвон зарур бўлганда бу ишларга вақт кетказмай диссертациянинг ўзи билан машғул бўлсам ким нима дерди? Инсоний бурч, олимлик виждоним-чи? Ахир инсон, ҳақиқий олим фақат унвонлар учунгина интилмайди-ку. У халқига нафи тегадиган бир ихтиро яратса, уни унвон олиш учун эмас, бурч ҳисси, қалбидаги табиий бир эҳтиёж билан қилади-ку.

Немис файласуфи Л. Бройль: буюк кашфиётлар, илмий тафаккур жабҳасидаги олдга сакрашлар, чинакам ижодий метод, интуиция методи билан яратилади, деган. Баъзан одамлар мана шу оддий ҳақиқатни ҳам тан олмайдилар. Ўжарлик билан ҳақиқат ойнасига лой сачратадилар. Лекин табиатнинг, ҳаётнинг ўз қонуниятлари бор. Ёмғирлар дераза ойнасидаги доғни ювиб юборади, шамоллар қўланса ҳидларни ҳайдаб кетади. Лекин бой берилган вақт-чи? Фақат шугина армон бўлиб қолади. Уни ҳеч қачон қайтариб бўлмайди.

Москвага учаётган самолёт оппоқ булутлар устидан оҳиста сузиб борар, иллюминатордан кўм-кўк тиниқ осмонга назар солаётган Шавкат Абдуллаевич мана шу ҳақда ўйларди. Утган йиллар унинг учун ҳаёт ҳар кимнинг зиммасига юклайдиган оддий вазифани бажаришдан иборат бўлгандек туюлади. Нимаки яратган бўлса ҳаммаси фикри-зикрини банд этган ўйлар, қалб эҳтиёжи билан рўёбга чиқмадими?

Чиқитдан олинадиган... бинолар мустаҳкамлигини таъминлайдиган ёки экологик мувозанатни яхшилашга хизмат қиладиган моддалар, табиат муҳофазаси, инсон соғлиғи йўлидаги «полиокс», полимер чигит, занглашга қарши моддалар, энергия тежамкорлиги йўлидаги излашнишлари... озмунча эмас. Уларни кашф этди, шунингдек ажратиб олиш, ишлатиш усулларини ҳам яратди. Булар умри бўйи фахр этса арзийдиган ишлар. Ҳали яна қанча янги гоёлар унинг дилида, тилида, иш столида. Улар

тинчлик бермай турганда тин олишга фурсат қани? Қизиқ: бир янгилик устида ишлаётганингда, уни тугата олмай хуноб бўлиб ётганингда ўз-ўзидан яна бир фикр туғилиб қолади. Йўқ! У осмондан тушмайди. Мана шу — сени қийнаётган бир ишни ниҳоялайман, деб уринаётганингда, изланаётганингда минглаб усуллардан қайси бирини қўлласам тўғри бўлади, деб турганингда шулардан қайсидир бири янги ғоя бериб қолади. Баъзан ҳар иккаласи устида бирдай иш олиб боришга тўғри келади. Баъзан бир неча йўналиш келиб чиқади. Бирданига тўрт-бештаси устида иш бошлаш лозим бўлади. Лекин ҳаммасига улгуриш қийин. Яхшиям шогирдлар бор. Иш чиқаришига кўзинг етадиганига топшириб, ўзинг раҳбарлик қиласан. Натижа чиқса — бас. Чиқмаса-чи? Бундан ёмони йўқ. Натижа чиқара олмай менинг ишларимга шерик деб иғво тарқатса-чи? Бунақаси ҳам бўлиб туради.

Янгилик нимадан бошланади? Қандай яратилади? Бу саволга андозага тушган жавоб йўқ. Баъзан оддий тасодиф катта жумбоққа калит топиб беради. Уни ечаман деб интиласану, йиллар қандай кечганини билмай қоласан. Кейин бундай ўйлаб қарасанг, ўша жумбоқнинг калити қўлингда бўлади. Ўзингни-ўзинг қайта кашф қиласан. Нимага қодирлигинг, қандай эҳтиёж билан яшаётганинг сен яратган нарсда ўзлигини кўрсатиб туради.

70-йилларнинг ўрталари эди. Ушанда эксперимент сифатида кўпгина уй-жойлар, катта-катта меҳмонхоналарнинг иситиш қувурлари девор ичидан ўтадиган қилиб қурилган экан. Йиллар ўтган сайин уйлар яхши исимайдиган бўлиб борди. Қувурлар қуйқа, занг босганлигидан сув яхши ўтмайдиган бўлгач, иситиш ҳам ўзига яраша. Кучли босим остида ювишлар фойда бермасди. Қувурни эса алмаштириб бўлмайди. Тажриба қилганлар шуни ўйлашмаган экан. Афсуски, бундай янгиликлар ҳам бўлиб туради. Уй-жойлар-ку майли-я, яхши бўлмаса ҳам озмоз иситиб турарди. Лекин меҳмонхона иситиш зарур эди. Ушанда меҳмонхона мутасаддилари у ишлаётган институт олимларига ёрдам сўраб мурожаат қилишганди. Шунда унинг лабораторияси олимлари зангни, қотиб қолган қурумни бутунлай эритиб юборадиган препарат яратиш муаммони ҳал этиб беришганди.

Ш. Абдуллаев ўзи иштирокчиси бўлган бу тажриба имкониятларини ошириш устида изланмаганмиди. Металл сиртида қотиб қолган жинсларни эритадиган модда

яратмаганмиди? Бу модда жисмнинг сиртида зангла-майидиган қатлам ҳосил қилиши учун ҳам изланганлари-чи? Шундай полимер массаларидан бири металлни қир-қиш ва йўнишда қўл келди: уларни исб кетишига қар-ши ишлатиладиган эмулсол ўрнини босди. Афзаллиги эса қирқилган жойда коррозияга қарши юпқа плёнка ҳосил қилиши. Бу янгиликлар Тошкент автомобиль йўл-лари институти олимларини қизиқтириб қўйган, янги двигателлар устидаги тадқиқотларда ҳамкор бўлишга ундаган эди. Кимёдан техника соҳасига ўтиш қандай бўларкин? Иккиланди, ўйланди, охири рози бўлди. Са-баби, бу соҳада ҳам янги ғоялар тинчлик бермай кела-ётган эди. Янги лаборатория очиб беришди. Энди у ав-томобиль ва қишлоқ хўжалиги тракторларини кимёвий муҳофаза қилиш бўйича халқ хўжалик аҳамиятига эга муҳим тадқиқотларга раҳбар, ёш олимларга устоз. Айни пайтда институтнинг умумий кимё кафедраси мудири.

Келажақда энергетика танқислиги сезилиши хавфи бор. Демак, двигателларнинг қувватини оширишни ўй-лаш керак. Мавжуд двигателларнинг эса камчилиги беҳисоб; ёнилғини кўп сарфлайди, заҳарли тутун чиқара-ди. Ёниш камералари деворида аста-секин занг қатлам (накип) ҳосил бўлади. Агар у бир миллиметрга етса ёнилғи ўртача 5 фоиз кўп сарфланади, двигатель қувва-ти эса 30—40 фоиз камаяди. Моторнинг баъзи қисмлари коррозияга учраб тез емирилиши ҳам шундан.

Занг қатламни йўқотувчи воситалар зарур эди. Ил-гариги тажрибалар асқотди, полимер препаратлар ва юксак эритиш хоссаси бўлган моддалар ёрдамида анти-накип (қатламга қарши) яратилди. Двигатель баъзи-баъзида шу суюқлик ёрдамида ювиб турилса бас: занг эриб, ёнилғи сарфи камаяди, қисмларнинг иш муддати ҳам узаяди. Бу ҳар бир машина ҳисобига йилига ўртача 189 сўм иқтисодий самара деган гап. Унинг АН-1, АН-2 деб номланган бундай янги моддаларига талаб катта. ВАК илмий совети ва СССР Ихтиролар ва кашфиётлар Давлат комитети бу янги модда ва уни ишлаб чиқариш технологиясига юксак баҳо берган.

Зангламайидиган совутувчи суюқлик — НОЖ-2 эса бир йўла икки муаммони ҳал этди. Биринчидан, антиф-риз (бу музламайдиган суюқликни ишлаб чиқариш му-раккаб, у камлигидан автомашиналар ва тракторларда асосан оддий сув ишлатилади, сув эса рангли металлдан бўлган совутиш системаларини тез ишдан чиқаради)

ўрнида ишлатиш, иккинчидан иссиқлик энергиясини тежашда қўл келди: қишда бинони иситиш учун энергия кўп сарф бўлади. Анчагина қисми вентиляция системаси орқали ташқарига чиқиб кетади. Уни тутиб қолишнинг имкони йўқми? НОЖ-2 суюқлиги аввал қувурлар орқали исиган ҳаво ичидан ўтса, исиса, сўнгга бинога кираётган совуқ ҳаво йўлида туриб унга иссиқлигини берса-чи? Шу тариқа қувурларда айланиб юрса-чи? Янги технология айнан мана шундай эди: такомиллаштирилган система иситиш учун зарур энергия сарфини 30—40 фоизга камайтирди.

Москва шаҳар ижрокомининг илмий-тадқиқот институти (МНИИТ), СССР Давлат қурилиш комитетининг «Сантехпроект» лойиҳа ташкилотлари Москва, Харьков, Волгоград, Одесса ва бошқа шаҳарлар учун лойиҳаланаётган биноларда мана шу тежамли янги технологияни қўлладилар. Кузбассдаги шахталардан бири, Чиноздаги «Ильичёвск» қишлоғининг қуёш нури билан иситадиган системалари шу технология асосида ишламоқда. Тамбовдаги «Пигмент» заводида эса НОЖ-2 ни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган...

Шавкат Абдуллаевич илмий фаолиятининг янги уфқлари ҳақда ўйлар, чиқитлардан халқ хўжалигида фойдаланиш бўйича изланишлари натижасини сарҳисоб қиларди. Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмасида капролактама чиқитларидан фойдали моддалар ажрати олиш учун анча тер тўкди. Кунларни кунларга улади. Улардан ИЗОҚ-1 ва ШОУ сингари препаратлар олиб бинокорлик саноатига тавсия қилди. Қурилиш хом ашёси сафида фойдаланиш технологиясини яратиб берди. Энди бу усулни амалда жорий этиш керак...

Самолёт Внуково аэропортига қўнганда кайфияти хуш эди. Пойтахт. Ҳам синов, ҳам изланишларига баҳо бермоқ учун уни чорлашди. Одамлар. Ҳар қадамда азим шаҳарнинг улугворлигини ҳис этасан. Ҳар қадамда руҳингни ифтихор чулғайди. Ҳар лаҳзада қалбнинг мунаввар туйғулардан ёришади. Ҳар лаҳзада масъуллук туйғусидан ҳушёр тортасан. Масъуллик... Инсонлик—масъуллик! Олимлик — масъуллик! Фарзандлик — масъуллик! Масъулсан—ҳушёрсан, масъулсан—уйғоқсан! Масъулсан — ҳаётсан!

Шавкат Абдуллаевич Олий аттестация комиссияси жойлашган бинони ахтариб бораркан қалбидан шундай ўйлар кечди.

Илмий совет кенгашида йирик олимлар номини ҳурмат билан тилга олишганида ҳам, докторлик ҳимояси якунланиб, қарсақлар чалинганда ҳам хаёлини мана шу ўйлар тарк этмади. Кўз олдидан она юрти бўлмиш Фарғона боғлари, азим Сирдарё мавжлари, пешонасига рўмолча танғиган оқ яхтакли деҳқонлар, кетмон кўтарган отахонлар кетмасди. Москвадан қайтган кунiek улар ҳузурига ошиқди. Болаларини машинасига ўтқазди-да, йўлга тушди. Кетаётиб москвалик олимлар билан суҳбатни эслади: «Табиатга билиб билмай аралашаверишга индамай туришга ҳаққимиз йўқ. Бундай пайтда олимлик виждони жим ётмаслиги керак!» Сўнгра уларнинг марказий матбуотдаги чиқишлари, дадил фикрларини ўйлади. Хаёлидан «табиатга масъулмиз» деган ўйлар кечди: Амударёнинг дарёлиги қолмади. Хоразм боғлари, Орол тақдири-чи? Ўрмонлар, тоғлардаги арчазорларнинг камайиб кетганлиги, нафас оладиган ҳавомиз бузилиб кетганлиги-чи? Табиат яратган гўзалликларнинг қадри қани? Нега биз бу ҳақда қайғурмаяпмиз? Ташвиш тортмаяпмиз. Олимлик виждонимиз нега жим?..

Йўл олис, ҳаёт йўллари сингари турфа чорраҳалардан иборат. Йўллар дарёдек тинимсиз оқиб туради: меҳр бўлиб, қаҳр бўлиб, нажот, умид бўлиб. Гоҳ юпанч бўлиб, ёввош ёлғиз оёққа айланади. Ирмоқ каби сўқмоқларни дарёларга улайди...

Шавкат Абдуллаевич Сирдарёнинг ўша таниш соҳилидан ўтиб кетмаслик умидида эди. Машинасини секинлатди. Дарё қиличдек ярқираб кўринди. Ўша томонга бурилди-ю, машинани берида қолдириб соҳил томон ёлғиз ўзи кетди.

Кўз олдида яна ўша... Фарғонадан акасининг таъзияси кuni қайтаётиб кўрган манзара намён бўлди. Дарё тўлқинланиб оқиб ётарди: инсон каби, унинг яшаб улгурмаган умри, пок хаёллари, эришмаган орзулари давоми каби. У асрлар оша шу зайлда оқиб ётибди. Гоҳ инсон мисоли асов қудрат ғалаёнида тошади, соҳилларни бузади, гоҳ ёввош тортади. Лекин қалб бўронлари ботинда. Унинг тоза мавжларига не-не сувлар қўшилмайди. Не-не тоза ирмоқлар унинг мавжларида рақс этмайди. Не-не шўр, заққум ортмоқлаган зовурлар келиб бош эгмайди. Покланиш умидида ёш тўкмайди?! Дарё эса гоҳ шод тўлқин уради, гоҳ аламда айқиради. Бағрида ҳансираган танга балиқлардан ҳижолат чеккандай армонда тўлғонади.

Инсон ҳам шу. Замоннинг не-не шамолларига юз тади. Баъзан чекинади, курашади, ҳақиқатга ташна бўлади. Мусаффо эпкинлар унинг умиди!

БОБОДЕҲҚОН ТИМСОЛИ

Ўттиз йилдан бери у шу колхозга раислик қилади...

Терим айни қизиган кунлар. Миразиз ота ҳақида очерк ёзиш ниятида йўлга тушдим. Ҳамкасбларим: «Эрталаб соат саккизгача борсангиз, у кишини топа оласиз. Йўқса, далага чиқиб кетадилар», дейишган эди. Шу боис тонг бўзарар палла етиб бордим. Атроф жим-жит, ҳавода гул ифори кезади. Ота идора ёнида, — гулзор чеккасида ўй суриб ўтирган экан. У кўп вақтини худди ана шу ерда, — «очиқ қабулхонада» ўтказарди. «Қабулхона» иккита скамейка, телефону столчадан иборат. Ота ҳар қандай шароитда ҳам зарур юмуш билан келганларни шу ерда қабул қилади. Уларнинг ўтинчларини ўринлатади.

Миразиз ота — бошида чуст дўппи, оёғида этик. Ёзувчиларимиз тасвирлайдиган шоп мўйловли миллионер колхоз раисларига кўп ҳам ўхшамайди. Бутун вужудидан самимият ёғилиб туради. Суҳбат чоғи гапни бўлмай эшитиб, сўнг деҳқонча жайдари сўзлари билан жаваб қайтаради... Идора ёнида катта қурилиш бўлаяпти. Унга ишора қилиб:

— Колхозга янги маданият саройи қурылмиз, 680 ўринли, — деди. — Ёнида 100 ўринли «Бахт уйи» ҳам бўлади...

Суҳбатимиз айланиб деҳқон меҳнатининг қадри, пахта толаси билан боғлиқ муаммолар, янги ғўза навларининг тез «қариб» қолаётгани хусусига тақалди. Ниҳоят ота: «Э-э, гап кўп. Режа тўлганда келсангиз бафуржа гаплашамиз, иним», деди.

Шу шартга кўра яна колхоз далаларига йўлим тушди. Барча майдон шудгор қилинган. Энди режа ва мажбуриятлар ошиғи билан бажарилган, шудгорлаш тугалланган бўлса, Миразиз ота идорасида ўтиргандир деб ўйлаган эдим, янглишган эканман. Котиба қиз берган йўлланма асосида отани ахтариб, аввал техника ремонтти устахонасига кирдим. Колхознинг саксон фозидан ортиқ пахтасини териб берган машиналар тўла-тўқис ремонтдан чиқарилган ва айвон тагида сафга қўйилаётган экан. Кўзни қамаштиради: яп-янгидек. Бу манзара

нинг ўзиёқ хўжаликда техникага муносабатнинг қандай-лигини, механизаторга ғамхўрликни шундоқ намоён этади. Ахир, Миразиз отанинг ўзи ҳам жумҳуриятда хизмат кўрсатган механизатор-да. Дарвоқе, отани шудгор қилинаётган сўнгги далада учратдик. Атрофига тракторчиларни тўплаб, бир нимани тушунтирар эди. Қўлида илдиз, ғўза илдизлари.

— Қани айтингларчи, болаларим нега мана бу ғўзанинг ўқ илдизи тўғрига эмас, ён томонга тарвақайлаб кетган?

— Томир қаттиқ ерга тўғри келган, — деди тракторчи Маҳмаджон Рўзиохунов. — Шунинг учун чуқур кетмай ён томонга илдиз отишга мажбур бўлган. Утган йили шу дала намгарчилик пайтида ҳайдалувди. Трактор плугларни тортолмай баъзи жойлар юза бўлиб қолганди.

— Баракалла! Энди ўйлаб кўринглар: бу ғўза ингичкагина бўлиб ўсиб, атиги тўртта кўсак туккан. Мана, буниси эса — у нариги илдизини кўрсатади, — юмшоқ ерда ўсгани учун, намни излаб чуқур борган. Бундай ғўза юзтача кўсак тугиши мумкин. Ҳосил ҳам шунга яраша бўлади, албатта. Ерни чуқур ҳайдашнинг шарофати катта. Бун сизлар биласизлару, яна бир эслатиб қўяй дедим-да.

Миразиз отанинг тракторчилик курсини битирганига ярим асрдан ошди. Колхоз тузилган йиллар. Ўқиди, сўнг оддий механизатор, кейинчалик Ўрта Чирчиқдаги МТС да механик бўлиб ишлади. 1958 йили у Охунбобоев номидаги мана шу колхозга раис қилиб сайланди. Аммо ҳануз, энг сеvimли машғулот — техника ремонт, уларни ишга шайлаш, намунали фойдаланиш. Унингча, деҳқону механизатор ўртасида тафовут бўлмаслиги керак... Миразиз отанинг ўзи мана шу икки касбни муштараклаштира олган. Колхоз эришиб келаётган катта ютуқлар, даромад йил сайин ошиб бораётгани сири, эҳтимол шу билан изоҳланар.

Йил фаслларида қандайдир ўхшашлик бор. Яъни ҳар йили бир фурсатда келади. Алмашинади... Аммо чин деҳқон учун ҳар бир йилнинг, ҳар бир фаслнинг бошқасига тамомила ўхшамайдиган, мутлақо ўзига хос жиҳатлари бор. Ана шундан келиб чиқиб иш юритадиган киши янглишмайди. Миразиз ота шундай кишилар тоифасидан, у йилнинг қандай келишини билади... Мен ундан «бу йилги йиғим-терим мавсумининг хосияти нимада бўлди?» деб сўрадим. Бир лаҳза у менга синовчан тики-

либ турди. Сўнг, аллақчон шудгордан чиқиб ҳордиқ олаётган далаларга ишора қилди:

— Мана, бу йилги мавсумнинг хосияти, иним, ер раҳмат айтаяпти,— деди.— Кўпчилик деҳқонларимиз анча йиллардан буён бу раҳматдан бенасиб қолаётган эдилар. Биз ернинг тақдирига бефарқ қарайдиган бўлиб қолгандик. Мана, кузги шудгорни вақтида ўтказдик, бу теримни вақтида тугаллаганимиз шарофати.

Хўжалик ерлари Тошкент-Бекобод йўлининг икки юзида жойлашган. Бош режа асосида қурилаётган колхознинг марказий қишлоғи ўтган-кетгanning кўзини қувонтиради.

Замонавий типдаги уйлар... Ана, мактабдан қайтаётган болалар кўчани тўлдириб келишаётир. 6-7 яшар болалар салом бериб, отанинг ёнига чопқиллаб келишади. Бошқалари ҳам унга эргашади. Болалар бир зумда раис бувалари билан эл бўлиб кетишади. Айримлари буванинг бўйнига ҳам осилишади.

— Набираларингизми, булар, Миразиз ота? — дейман.

— Ҳа, набираларим! Тўрт ярим мингта шундай набирам бор. Кенжатоиларимга ажойиб совға тайёрлаяпман. Ана, кўряпсизми, — ота кўчанинг нариги бетидаги оппоқ бинога ишора қилди.— Янги боғча, табиий газ келсин, турмушимиз пойтахтдагидан қолишмайди...

Янги қурилаётган уйлардан бирига кирдик. Хоналар кенг, иситиш мосламалари, ванна, деҳқон учун зарур бўлган барча қулайликлар мавжуд, ҳатто томорқа ҳам бор. У чиройли бетон девор билан тўсилган. Орзу қилгулик, бир умр бола-чақанг билан ҳузур қилиб яшагулик уй-жой. Бу уйларнинг ҳар бирига хўжалик 30 минг сўмдан ошиқ харажат қилаяпти.

— Бу унча қиммат эмасми?

— Қимматроқ десак ҳам бўлади, — дейди ота. Лекин иним деҳқон ҳам бундай яйраб яшасин-да, шоир айтганидек, елда тиним бор-у, унда тиним йўқ. Саратоннинг жазирама офтоби-ю қишнинг қаҳратон совуқларини деҳқон кўтаради. Қачон қараманг оёғида ўн икки сўмлик кирза этик, белида белбоғ, далада. Деҳқон ва чўпоннинг турмуши шу. Харажатга келсак, уни колхоз кўтаради. Даромадимиз меҳнатимизга яраша. Ахир, «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша», — деган сўзлар бежиз айтилмайди. Бундай уйда яшаган деҳқонгина эмас, унинг бола-чақасиyo неварачевараси

ҳам ёнимиздаги шаҳарга бориб ишлашни ҳаёл қилишмайди.

Ота деҳқон меҳнатини қадрлайди. Унинг даромади, хўжалик омиллари ҳақидаги суҳбатини тинглар эканман, беихтиёр, ота ҳақида эшитганларим кўнгилдан ўтади: «Колхознинг бир тийини ҳам ҳавога учмайди. Хўжалик иқтисодини ипидан игнасиғача биладиган раис».

У хўжаликнинг сариқ чақасиғача қатъий ҳисоб қилади. Отанинг айтишича, сўнгги ўн-ўн беш йил давомида деҳқонларни ҳам иқтисодий, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан қийнаган бир муаммо бор. У ҳам бўлса вилоят, қолаверса, жумҳурият режаси тўлгунга қадар, шудгорни бошлаб юбориш имтиёзи берилмаслиги эди. Ҳатто қорли-қировли кунларда ҳам лойга қоришиб кетган сўнгги чигитни йиғиштиришгача куч сарфланарди. Аслини олганда, бу сўнгги чигит на давлатга, на деҳқонга фойда келтирарди. Аксинча, турган-битгани ташвиш. У кўп хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан чўктириб қўйди. Энди мана шунга бир қадар чек қўйилипти: ҳосил йиғиштирилиши ҳамон ерларда шудгорлаш бошлаб юборилмоқда. «Бу қайта қуриш, турғунликдан чиқиш шарофати, замон ўзгарганининг шаҳодати», дейди ота.

Ҳа, Миразиз ота Рўзматов чуқур ҳаяжон билан айтган бу сўзлар қалбдан отилиб чиққан, эҳтиромга йўғрилган сўзлар.

Жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг 1989 йилги XVI пленуми ҳаётимизда беқиёс ўзгаришларга омил бўлмоқда.

Миразиз ота бош бўлган хўжаликда ҳам деҳқонларнинг томорқалари кенгайтириб берилмоқда. Эл ердан баҳраманд бўлаётир. Ота: устингиздаги кийим-бош пахтадан, пахта эса тупроқдан бино бўлади, — дейди — Ерни бой берган ёлчимайди. Унга ҳам меҳр керак. Ер ёлгонни ёқтирмайди. Деҳқончилик ҳам. Ҳақ сўздан тонганни эл кецирмайди, ер ҳам. Устингиздаги кийим кир бўлса-ку юварсиз, тоза бўлар. Лекин дўппининг доғи... Шанимизга доғ туширмайлик...

Миразиз Рўзматовни эл меҳр билан «Ота» дейди. У шундай меҳр-муҳаббатга муносиб, жонкуяр. У одамларга ҳам, ерига ҳам, пахтасига ҳам бирдек қайғуради, гўё уларга тақдирни туташ. Отанинг колхозида ҳосилдорлик йил сайин 36—37 центнерни ташкил этади. Тўрт минг тоннадан ортиқ салмоқли хирмон уйилади. Энг

муҳими йиғим-теримда ҳашарчи жалб этилмайди. Бу хўжалик ҳаётида янгилик эмас. Улар ҳар йили ҳосилнинг асосий қисмини техника билан йиғиштириб олишади.

— Бизга қолса-ку, бир мисқол пахтани ҳам қўлда термас эдик, — дейди у. Лекин... қани ўша, қўл меҳнати-га мутлақо ҳожат қолдирмайдиган машина? Мана, ҳисоблаб кўринг: машиналарда терилган пахта қўлда терилганига нисбатан тўрт баробар арзонга тушади. Агар тўкилган пахтани териш учун кетган харажатни ҳисобламасак. Тежалган маблағга колхозчиларга уй, маданият саройи, никоҳ уйи қурсак, бошқа маданий эҳтиёжларга сарфласак, нур устига нур бўлмайдими, ахир?! Агар қолган йиғирма фонз ҳосилни ҳам қўлда эмас, машинада терадиган бўлсак, деҳқонларимиз дўпписини осмонга отади. Озмунча чиқим кетаяптими, бу — 20 фонзни йиғиштириб олиш учун...

Яқинда Марказий телевидениенинг «Время» программасида мухбир кўп йиллардан буён нуқсонсиз машина яратиш устида иш олиб бораётган мутахассислардан бирига мурожаат қилиб: «Нега ҳамон деҳқонбоп мукамал машиналар яратилмади?» дея сўради. Олим: «Яхши машиналар яратилган, фақат деҳқонлар уни эплашолмаяпти, ғўзани машинабоп қилиб ўстирмаяптилар», деди. Бунга жавобан ота кулиб қўя қолди: «Олим одамнинг гапи бўлмади-да».

Ҳа, ярим асрдан бери техникани қўллаб келаётган, унинг афзаллигини ҳам, заиф жойини ҳам, — миридан сиригача биладиган кишига бу гап эриш туюлар экан. Ахир 10—15 йил илгариги терим машиналарини ҳамон ишлатиб келаяпти-да бу хўжалик. Ҳатто 1952 йили чиққан С-100 трактори ҳамон ишлатилаётир. Ҳар бир техникага одамга бўлган муносабат ва меҳр кўрсатилаётир. Унинг бор имкониятидан фойдаланилаётир. Аммо, таниқли мутахассисимиз... Ҳа, майли! Қизиқ гап қилди-я? «Пахта кабинетда ўсмайди-ку, иним», — дегиси келди унинг. Минг йиллардан бери бир хилда очиқ осмон остида ўсади пахта. Уни машинага мослайликми, ё машинани унга? Азбаройи ғўзани машинабоп қилиб ўстирганимиздан, шу номукамал техника воситасида ҳосилнинг саксон фонзини териб олаяпмиз. Мана, Рустам Абдураззоқов 200 тонна, Нурали Тожиқулов 172 тонна, Маҳмуд Хайдаров 150 тонна пахта териб олишди машиналарда. Агар машина янаям соз бўлса гектар бошига 40 центнердан хирмон кўтарган Юсуф Султонов, Набижон Фозилов,

Қўнисбой Йўлдошев бошчилигидаги бригадалар ҳосил чўғидан ютиб турганда, сифатидан ютқазишмасди. Ахир, сиз яратган машинада терган пахтамиз ҳамма вақт ҳам аъло навга ўтаётгани йўқ. Гоҳо даромаддан ютқазсак-да техникани кўз қорачиғидек авайлаб ишлатаяпмиз. Аммо одамлар ойга учаётган пайтда қўл меҳнатига бутунлай барҳам берадиган машиналар яратиш унчаям мушкул эмасдир-а?

Ҳа, деҳқон-кўнглининг тинчлиги, унинг турмуш фаровонлиги мана шу муаммога боғлиқ бўлиб турибди.

Миразиз ота қаерда бўлмасин — олим ёки ёзувчи билан суҳбатдами, улкан анжуманлар ёки съезд минбаридами шу ҳақда сўрайди, талаб қилади, жон куйдиради, қайғуради. . .

Орадан бир йил ўтиб Миразиз отани катта бир анжуманда учратиб қолдим. У пахтачиликни механизациялаш масалаларига бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси эди. Бу ерда машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Миразиз Рўзमतов ўртага ташлаган мулоҳазалар ҳамманинг эътиборини тортди. Пахта териш техникасининг имкониятлари билан завод машинада терилган пахта толасига қўяётган шартлар ўртасидаги номувофиқлик жуда катта. Шу сабабли машинада терилаётган пахтага қўйилаётган ГОСТ талабларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида конференция қатнашчилари билдирган мулоҳазалар ҳаётий асосга эга, деди у. Маълумки, янги техника қиммат. Биз хўжалигимизнинг маблағини совурмаслик учун эски техникаларимизни кўз қорачиғидек авайлаб ишлатамиз. Ҳосилнинг 70—80 фоизини машинада терамиз. Лекин машина теримининг серхаражатлиги деҳқон даромадига тушов бўлаяпти. Бизнинг хўжалигимизни энг илгор колхоз сифатида тилга олишади. Тўғри, колхозчиларимиз бошқа хўжаликлардагига нисбатан иш ҳақини кўпроқ олишади. Шундай бўлса-да, уни жуда оз ҳисоблаймиз. Сабаби, ҳар бир ишчининг ўртача бештадан фарзанди бор. Колхозчиларимиз олаётган 200 сўм даромад жон бошига ҳисобланганда 30 сўмданга тўғри келади. Биз бу жиҳатларни назардан қочиролмаймиз. Андижонлик ҳамкасбим Зокиржон Собиров завод ўз дастгоҳларини пахта толасига мослай билиши зарур, деб айтди. Мен бу фикрларга тўла қўшиламан. Олим ҳам, конструктор ҳам, тўқимачию, завод ишчиси ҳам — ҳамма ўз аравасини тортиши керак. Ҳеч ким фақат ўзини ўйламасин.

Ишни замон талаб қилаётганидек шундай қайта қурайликки, пахтачиликдан ҳеч бир соҳа зиён кўрмасин.

Миразиз ота Рўзматовнинг бу ҳақ гапини эшитиб уйга толасан киши. Қалам аҳли борки, танги, ҳалол, бободехқон тимсолига қиёс излайди. Гоҳо унинг нуроний қиёфасини оппоқ пахтанинг ўзига, юксак қаддини эса тоғ-тоғ пахта хирмонларига менгзийди. Шоирлар учун она-юртнинг ўзи бободехқон тимсоли бўлиб гавдаланади.

ОЛАМ ӨДАМГА ТОР ЭМАС

Демографик муаммолар ҳамиша кишиларни ўйлан-тириб, қизгин баҳс-мунозараларга мавзу бўлиб келади. Кейинги йилларда эса айрим «мутахассис»лар ижтимоий муаммоларни оилани режалаштириш ниқоби остида ҳал этишга зўр бериб уринишмоқда. Хўш, бу муаммога социологлар, иқтисодчилар ва демографларнинг муносабати қандай?

СССР Фанлар академияси халқаро ишчилар ҳарака-ти институтининг катта илмий ходими, таниқли демограф ва публицист Виктор Переведенцев билан шу хусусда суҳбатлашдик. Виктор Иванович, «Орол-88» экспедициясининг қатнашчиси, «Аҳоли миграцияси ва Сибирнинг меҳнат муаммолари», «Аҳоли миграциясини ўрганиш методлари», «Совет Иттифоқи: табиат ва аҳоли», «Қарзими узаман ва қарз бераман», «270 миллион» ва бошқа ранг-баранг китобларнинг муаллифидир.

— Виктор-Иванович, кейинги йилларда мамлакатимизда демографик тараққиёт қай йўсинда кетмоқда? Асосий тенденциялар нималардан иборат?

— 60—70 йилларда демографик вазият ниҳоятда тушқун аҳволга келиб қолган эди. Туғилиш камайди, ўлим ҳоллари эса (айниқса 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб) ошди. 1979—1980 йилларда бутун бир мамлакатда аҳолининг тикланиш, ўз-ўзини тўлдириш жараёнида умуман турғунлик давом этди. Бу деган сўз туғилаётган болалар сони келгусида зарур миқдордаги ота-она авлодини таъминлай олмас эди.

80-йилларга келиб эса вазият бирданига ўзгарди: туғилиш кўпайди, ўлим ҳоллари нисбатан камайди. Умуман олганда бунинг иккита бош сабаби бор: бири демографик сиёсатимизнинг фаоллашганлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчиси ичкиликбозлик ва алькоголизмга қарши курашнинг муайян натижасидир. КПСС XXVI съезди

туғилишни кўпайтириш ва ёш авлодни тарбиялаш жараёнини яхшилашга қаратилган бир қатор тадбирларни илгари сурди. Оналарга боласи бир ёшга етгунга қадар қисман ҳақ тўланадиган отпускарлар, шунингдек, фарзанд кўрганда бир йўла бериладиган нафақалар ва бошқа имтиёзлар жорий этилди. Бу тадбирлар босқичма-босқич мамлакат бўйича уч йил мобайнида амалга оширилди. Шу тариқа умуман, мамлакат бўйича туғилиш сони аста-секин ошиб борди ва шу мақсадда илгари сурилган тадбирлар бирданига ўз самарасини яққол кўрсатди. Ичкиликбозликка қарши кураш ўлим ҳолларининг камайишига, бинобарин, ўртача умр ёшининг ошишига таъсир этди ва яна 60-йилларнинг ўртасидаги даражага етди.

Аммо бу ютуқларга қарамай, бутун мамлакатда демографик аҳвол кўнгилдагидек эмас. Мамлакатнинг Европа қисми жумҳуриятлари ва Россияда аҳолининг кўпайиши яъни авлод учун насл қолдиришда турғунлик давом этмоқда. Фақат Ўрта Осиё ва нисбатан Қозоғистон ҳамда Озарбайжонгина умуман мамлакат бўйича аҳоли салмоғини бир қадар таъминлаб турибди. 1987 йилдан бошлаб, яна туғилишларнинг навбатдаги йиллик камайиш даври бошланди. Гап шундаки, ҳозир айтиш 20—30 ёш ўртасида бўлганларни (одатда туғилиш миқдори шу ёшдагилар орасида кўп бўлади) 60-йилларнинг охириларида туғилганлар ташкил этмоқда. Туғилиш кўп бўлган йилларнинг авлодлари эса фарзанд кўриш ёшидан ўтиб кетмоқда. Бунинг сабаби 1958—1960-йилларда мамлакатда ўртача ҳар йили 5,3 миллион нафар, 1967-1969 йилларга келиб эса ўртача 4,1 миллион нафар бола дунёга келганлигидир. Агар яқин йилларда туғилиш миқдори кўпаймаса, айнан, 60-йилларнинг охириларидаги аҳволнинг натижаси каби йиллик туғилиш миқдори камайиб кетади, яна ўша демографик инқироз такрорланади. Бу жуда кўнгилсиз демографик, иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳолнинг олдини олиш учун фарзанд кўришни рағбатлантирадиган ва бу жараёнга самарали таъсир этадиган чора-тадбирлар кўриш керак.

— Орол денгизида юз берган экологик фалокат туфайли бир қатор ижтимоий, иқтисодий, маънавий, шу жумладан демографик муаммолар ҳам келиб чиқди. Шак-шубҳасиз, бу масалаларга умумиттифоқ аҳоли нуфузи муаммосини ҳисобга олмай ёндашиб бўлмайди.

Оролнинг қуриётганлигида демографик омилнинг ҳам таъсири борми?

— Ўрта Осиё аҳолисининг тез кўпайиши табиатга, атроф-муҳитга, шу жумладан, сув ҳавзаларига антропологик таъсирларни кучайтиради. Аммо, барибир аҳоли демографик кўпайишининг экологик вазиятга бевосита таъсири унчалик катта эмас. Минерал ўғитлар, айниқса заҳарли химикатларнинг (пестицидлар ва гербицидлар) ҳаддан ташқари кўп қўлланилиши туфайли экологияга етказиладиган зарар ҳазилакам гап эмас. Бу моддаларнинг ҳад-ҳудудсиз ишлатилавериши оқибатида сув ҳавзалари, айниқса, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқими кучли даражада ифлосланган. Сувдан талон-тарожларча фойдаланиш (айниқса қишлоқ хўжалигида) ва шунингдек суғорма деҳқончиликни ривожлантиришнинг экстенсив йўли (суғориладиган майдонларни беҳисоб кенгайтириб юбориш) Орол ва Орол бўйидаги экологик фалокатга олиб келди.

Ўрта Осиёдаги оғир экологик аҳвол халқ саломатлигида, туғилаётган болалар «сифати»да, умуман ўлим даражаси ва айниқса болалар ўртасидаги ўлим ҳолларида кучли тарзда акс этиб турибди. Бу регионнинг барча жумҳуриятларида бир ёшгача бўлган болалар ўлими жуда юқори — бутун мамлакат бўйича олиб қараганда икки баробар, жаҳоннинг шу кўрсаткич бўйича олдинги ўринда турган мамлакатларига нисбатан тахминан ўн баробар кўп. Умуман, Ўрта Осиёда ва айниқса Орол бўйида экологик аҳволни яхшилаш, бунинг учун ҳал қилувчи чоралар белгилаш керак. КПСС Марказий Комитети ва СССР Вазирлар Советининг Орол денгизига доир қарориди шундай муҳим тадбирлар кўзда тутилган.

— Шунга қарамай ҳозир бизнинг жумҳуриятимизда баъзилар туғилиш кўп, демографик «портлаш» юз бермоқда деб васваса ҳам кўтараётирлар. Бу билан Оролни ўлимга маҳкум этган сув хўжалиги мутахассислари ўзларини оқлаб қолишга уринаётир ва улар оилани режалаштириш ниқоби остида туғилишни чеклашни зўр бериб тарғиб қилмоқдалар. Ахир шоир айтганидек, оилани режалаштириш — бўсаларни режалаштиришга уринишдай кулгили туюлмайдими? Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Менимча, кишиларнинг шахсий ҳаётларига иложи борица камроқ аралашган маъқул. Қачон ва қанча фарзанд кўриш — бу ота-оналарнинг шахсий иши. Албатта, оналар ва болаларнинг саломатлиги ҳақида ғамхўрлик

қилиш, баъзан тез-тез туғишнинг зарарини тушунтириш, ота-оналарнинг ўзлари қачон ва қанча фарзанд кўришни бемалол ҳал этишлари учун объектив шарт-шароитлар яратиш зарур. Ҳомиладорликдан ихтиёрий тарзда сақланиш учун ҳар жиҳатдан қулай тиббий воситалар керак.

Мен туғилишга таъсир этиш борасида Ўрта Осиёда қандай иш қилинаётганидан унчалик воқиф эмасман. Аммо демографларга шу нарса яхши маълумки, ҳеч қандай тарғиб-ташвиқ билан туғилишни чеклашда бирон-бир жиддий натижага эришиб бўлмайди. Дунёнинг бой тажрибаси бунга кафил. Борди-ю, туғилишни камайтиришга эҳтиёж сезилган тақдирда, бу масалани халқнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини янада яхшилаш билан ҳал этмоқ зарур. Дарвоқе шуни айтиш керакки, Ўрта Осиёда туғилиш кўпайиб бораётгани йўқ, аксинча тез суратда камаймоқда (А. Волков таҳрири остида чиққан «Советская демография за 70 лет» рисоласида келтирилган маълумотлар ҳам буни тасдиқлаб турибди). Агар фарзанд кўрадиган ёшдаги аёлларни гуруҳларга бўлиб чиқсак, ўттиз ёшдан сўнг туғиш (шу ёшдагиларни аввалги йиллардаги гуруҳларга солиштирганда) кескин камайиб кетмоқда.

Ўрта Осиё жумҳуриятларида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, хусусан, халқ хўжалиги соҳалари структурасини ўзгартириш, яъни қишлоқ хўжалиги салмоғини камайтириб, унга мувофиқ тарзда саноатни, шаҳарбоп тармоқларни ривожлантириш, урбанизацияни жадаллаштириш ниҳоятда зарурдир. Буларнинг ҳаммаси автоматик тарзда туғилиш меъёрига таъсир этади. Ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турганидек, фабрикада ишловчи аёл, айтайлик, ўзининг қишлоқда истиқомат қилувчи тенгдошига нисбатан камроқ фарзанд кўришни хоҳлайди. Унинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, қизиқиши, маънавий қарашлари сифат жиҳатидан бошқачароқ бўлади.

Кези келганда яна шуни ҳам айтмоқ керакки, бутун мамлакатдаги демографик вазият бизни қониқтиролмаётган бир шароитда Ўрта Осиё жумҳуриятларида туғилишни камайтиришга алоҳида уриниш шартмикан? Мен эр-хотинларнинг нечта фарзанд кўришни хоҳлашига доир шахсий ишларига қўпол тарзда аралашишга (наинки мен, барча демографлар) мутлақо қаршиман. Бундан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди, зарар эса кўпроқ бўлиши мумкин.

— Сиз ишга лаёқатли аҳоли миграциясига, яъни лимитчи-ишчилар масаласига қандай қарайсиз? У ҳамма вақт ҳам ўзини оқлайдими?

— Аҳоли миграцияси муҳим ва айни пайтда жуда мураккаб жараён. Бу саволингизга бир гап билан қисқача жавоб бериб бўлмайди. Менимча, Ўрта Осиёдаги қишлоқ ёшларининг маҳаллий шаҳарларга келиб яшашини рағбатлантириш керак. Албатта, бунинг учун етарли шарт-шароитлар, ишчи ўринлари ҳам яратиш зарур. Бу ердаги туб аҳолини мамлакатнинг бошқа районларига миграциясига келсак, менимча, бу ҳол ҳозирги пайтда оммавий тус ололмаса керак. Аммо борди-ю, шунга хоҳиш ва эҳтиёж сезилса, унга гов ҳам бўлмаслик зарур. Умуман, аҳоли миграциясини маъмурий йўл билан бошқариш, хусусан катта шаҳарларга пропискани таъқиқлаш сингари усуллардан воз кечиш пайти келди. Инсоннинг эрки ўзида бўлиши керак. Мамлакатнинг бир жойидан бошқа жойига кўчиб ўтиш эркинлиги, хоҳлаган жойингда яшаш эрки бу ҳар бир гражданнынг оддий демократик ҳуқуқи бўлиши керак.

Ҳеч қандай лимитчи ишчилар (бир шаҳардаги sanoat корхоналарида вақтинча ишловчи бошқа шаҳардан келганлар) ҳам бўлмаслиги керак. Бундай ишчиларнинг ҳуқуқлари ниҳоятда чекланган бўлади. Аксинча бошқа шаҳарга кўчиб борган ва ишга жойлашган одам бир йўла ўша шаҳарнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳам бўлмоғи керак. Ўрта Осиёдаги қишлоқ ёшларининг тайёргарлиги, территориал, ижтимоий ва касб-ҳунар бўйича ҳаракатчанлигини ҳам ошириш керакка ўхшайди. Бунинг учун бир қатор тадбирлар системасини яратиш ва амалга ошириш зарур, ўқувчиларнинг умумтаълим савиясини кескин кўтариш (айниқса, математика, физика ва рус тили бўйича) болаларни ёшлигидан бошлаб шаҳарбоп касб-ҳунар, шаҳар турмуш тарзига тайёрлаш, бевосита қишлоқларнинг ўзида ёшларни касб-ҳунарларга ўқитиш, қишлоқ ёшларининг шаҳарларга кўчиб ўтишига ташкилий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш; бу жойларга кўчиб келган ёшларни эса муқим ишлаб қолишлари учун кўмаклашиш керак.

Аммо менга шу нарса ҳам маълумки, ҳозир буларнинг бирортасига ҳам амал қилинаётгани йўқ. Ҳатто айрим маҳаллий раҳбарлар ҳанузга қадар ўсиб бораётган қишлоқ аҳолисининг ҳаммасини келгусида ҳам қишлоқ ҳўжалигида банд қилиш мумкин деб ҳисобламоқдалар.

Бу мутлақо нотўғри йўл. Такрор айтаман, қишлоқ ёшларининг шаҳарларга, шаҳар типигаги посёлкаларга, район марказларига келиб яшашини иложи борица рағбатлантириш керак. Фақат катта шаҳарларнигина эмас, балки кичик шаҳарларни ҳам ривожлантириш, уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон стандартлари даражасида қайта ишловчи саноат корхоналари қуриш ва кўпайтириш йўли билан ўсиб бораётган қишлоқ аҳолисини ана шу тармоқларда иш билан таъминлаш керак.

— Ўрта Осиё жумҳуриятларида янги ерларнинг жадал ўзлаштирилиши экстенсив деҳқончиликка ва юқорида айтилганидек, Оролнинг қуришига олиб келди. Холбуки, бир вақтлар мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ҳаммаёқни гуллаб-яшнатиш ва регионни жаннатмакон ўлкага айлантиришни ваъда қилган эди. Амалда эса биз бугун ҳам бутун бир денгизни бой бериб қўйдик, ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш жиҳатидан анча орқадамиз. Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқими чиқинди сувлар канализациясига айланиб қолди, санитария-эпидемиология шароитлари баттар ёмонлашди. Энди эса вазирлик мутахассислари бизни регионда аҳолининг икки-уч баробар кўпайиб кетиши билан қўрқитишмоқда. Хатарли даражадаги болалар ўлими сабабларини гоҳо кимё, гоҳо халқнинг маданий даражаси пастлигида деб изоҳлашга уринмоқда.

— Орол денгизи СССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг жойлардаги маҳаллий органлари «куч-ғайрати» билан шундай таҳликали холга юз тутди. Шубҳасиз бу маҳкама мутахассисларининг даъволари ҳам мутлақо асоссиздир. Сув хўжалиги вазирлиги ўз пайтида Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалигини экстенсив ривожлантиришга урғу бериб, катта хатога йўл қўйди. Бу партия ва ҳукуматнинг Орол денгизига доир қарорида ҳам ҳақли равишда ўз ифодасини топган. Бугун эса сув хўжалиги мутахассислари; бизни шундай қилишга мажбур этишган, биз фақат ижрочилар эдик, деб «сувдан қуруқ чиқиш»га интиломқодалар. Аммо айнан ўша вазирлик ўзининг илмий муассасалари орқали лойиҳалар ишлаб чиқиб, уни тарғиб-ташвиқ қилиб ҳаммамизга хато сиёсатни тикшиштирмоқчи бўлганини ва айнан мана шунинг учун ҳам директив органларнинг қатор қарорлари билан бундай уринишларга зарба берилганини биз яхши биламизку! сибирь дарёларини Ўрта Осиёга, Шимол дарёларини Ўлгага буриш, Оролга доир қарорлар). Мана шундай

бир вазиятда ўзини англаган сув ҳўжалиги вазирлиги раҳбарияти истеъфога чиқиши керак эди.

— Қизил Ўрда вилоятининг Чили районида «Орол-88» экспедицияси билан бўлиб ўтган учрашувда посёлка совети раиси ичимлик сув сифати ҳақидаги маълумотларни ошкор қилмаслик керак, акс ҳолда одамлар кўчиб кетиб қолишади, деди. Сиз ана шу экспедиция иштирокчиси сифатида Орол фожияси одамларнинг кўчиб кетишига олиб келади, деб ҳисоблайсизми?

— Бу ўринда икки саволга жавоб беришим керак. Бир — миграция ҳақида, иккинчиси ошкоралик хусусида. Орол фожияси аллақачон одамларни бошқа жойларга кўчиб кетишига олиб келди. Хусусан, Аральск шаҳрида истиқомат қилувчи қозоқлардан бошқа аҳолининг анчагина қисми бу ердан бошқа обод жойларга кўчиб кетишди. Шаҳар аҳоли таркибига кўра соф қозоқлар шаҳрига айланиб қолди. Балиқчилик билан шуғулланувчи қозоқларнинг бир қисми ҳам бошқа жойларга кўчиб кетдилар. Денгизнинг қуриб бораётганлиги аҳолининг кўпчилик қисми ишсиз қолишига, бинобарин, ишсизликнинг келиб чиқишига олиб келди. Ҳозир ҳам аҳолининг ўзи хоҳламаган ҳолда бу ердан бошқа обод жойларга кўчиб кетиш ҳоллари юз бериб турибди.

Маҳаллий раҳбарнинг «аҳоли ичимлик сувининг сифати ҳақидаги маълумотларни билмаслиги керак» деган фикрига келсак, бу менга энг хато ва қайта қуриш талабига зид тасаввур бўлиб туюлди. Халқ ҳамма нарсани билиши керак. Қолаверса, у ёки бу муаммони ҳал этиш учун ҳам аввало уни тўла-тўқис англаб етмоқ лозим. Орол денгизи билан боғлиқ экологик фалокатларни бартараф этиш, муаммоларни ҳал этиш иши ҳам мана шу халқнинг зиммасида. Халқ юз берган вазият ҳақида қанчалик кўп ва тўқис маълумотга эга бўлса, бу муаммоларни ҳал этиш ҳам шунчалик муваффақиятли кечади.

Ҳақиқий маълумотларни ҳас-пўшлаш, элдан яшириш миш-мишлар ва ёлғон тасаввурларнинг туғилишига олиб келади. Бу эса айтиш мумкинки, тўла ҳақиқатни билгандаги қараганда ҳам кўпроқ аҳолининг кўчиб кетишига таъсир кўрсатади. Афсуски, ҳамма нарсани юқори ҳал этади қабилида ўйлаб, чала ҳақиқатлар билан иш кўришга одатланган раҳбарлар фақат Чили районида эмас, бошқа жойларда ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Очигини айтганда, Чилида бўлган ҳолни, яъни ошкораликни бун-

дай яланғоч ҳолда инкор этишни мен аллақачондан буён учратмаган эдим.

Ошкораликсиз қайта қуришни амалга ошириб бўлмайди.

ГУБОР ЧУККАН ҚАДРИЯТЛАР

Халқ хотираси миллий тарихнинг кўзгуси. Юртимиздаги ҳар бир қадамжо маскан ана шу тарихнинг ноёб шаҳодатидир. Бироқ, халқ тарихини ўқитиш ва ўрганишдаги эътборсизлик, тўғрироғи, унга шубҳаланиб қараш изсиз кетмади. У халқ тарихи саҳифаларида ўзининг қора муҳрини қолдирди. Халқ хотираси билан боғлиқ жуда катта маънавий қадриятлар бой берилди.

Таниқли археолог олим, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг сектор мудири Абдулаҳад Муҳаммаджонов билан суҳбатимиз асл тарихи унтилаёзиб, бидъат ўчоғига айланган баъзи маданий ёдгорликлар хусусида.

— «Бандикушод сирлари» деб номланган мақоланизда бир гуруҳ хурوفотга берилган кишиларнинг сохта авлиё яратганлиги ҳақида ёзган эдингиз. Маълум бўлишича, ҳали жумҳуриятимиз теграсида бундай жойлар оз эмас экан. Уларни илмий-археологик жиҳатдан ўрганиш фан учун қандай янгиликлар бермоқда?

— Қутилмаган ҳолларга дуч келмоқдамиз. Энг муҳими, уйдирмаларнинг илдизига болта урувчи, унутилиб кетган тарихни афкор оммага рўй-рост кўрсатувчи ҳодисалар ойдинлашмоқда. Бундан бир неча йил муқаддам Бухоро вилоятининг Қорақўл ва Свердлов туманларида жойлашган тарихий-археологик жиҳатдан қимматли даҳма-мақбаралар эътиборимизни тортган эди. Лекин уларнинг аксарияти тарихдан беҳабар айрим хурофийлар учун «ҳар қандай бало-қазодан асрайди», «мушкулларни осон қилади» деб таърифу тавсиф қилинган, шу тарзда авом кишилар сиғинадиган муқаддас зиёратгоҳларга айланган эди.

Бундай «авлиё»лардан бири Свердлов туманидаги Тороб қишлоғида жойлашган. У бешта баланд туғлар қадалган қандайдир оилавий даҳма бўлиб, авваллари улар устида мақбара, ёнгинасида эса хонақоҳ бўлган (кейинчалик бу иморатлар бузиб юборилган). Хўш бу жой қандай авлиё бўлди? Одамлар нега унга сиғинади?

Ёдгорликни археологик жиҳатдан ўрганиш кутилмаган янгилик бўлди. Аслида бу ерга ҳеч нарса, аниқроғи, ҳеч кимнинг жасади қўйилмаган экан. Бу ерда бошқа бир сир йўқмикан? Мақбаранинг қолдиқларини археологик ўрганиш ва бу ёдгорлик ҳақидаги этнографик маълумотлар асосида бу «авлиё»нинг XIII асрга тааллуқли эканлиги аниқланди.

Бизга тарихдан яхши маълумки, 1238 йилда Тороб қишлоғида туғилиб ўсган оддий ҳунарманд ғалвирчи Маҳмуд Торобий қадимий Бухоро аҳлини муғул босқинчиларига қарши жангга отлантирган. У зулм-истибдодга қарши бош кўтарган халқ қўзғолонига бошчилик қилган. Аммо қирғинбарот жангда ёв қўли баланд келиб Маҳмуд Торобий ўлдирилган.

Халқимизнинг ажойиб анъана ва удумларидан бири эл дарди, ташвиши билан яшаган кишилар номини унутмасликдир. Маҳмуд Торобийнинг ҳам эл орасида обрў-эътибори баланд эди. Шу сабабли қадимги жондорликлар, яъни торобликлар гарчи Маҳмуд ғалвирчининг жасади жанг майдонида парчаланиб йўқ бўлиб кетган бўлса-да, унга қишлоғида даҳма қуриб ёдгорлик ўрнатдилар. Рамзий мазор устига хонақоҳ ва мақбара тикландилар. Бу элнинг ўз ботир ўғлига меҳр-муҳаббатининг ифодаси эди.

Албатта, узоқ йиллар мобайнида ёдгорлик ўзининг асл қимматини сақлаб келган. Аммо замонлар ўтиб кўп аср муқаддам пайдо бўлган халқ қаҳрамонининг бу рамзий гўри ҳақиқий тарихи унутилаёзди. Бундан фойдаланган айрим кишилар унга хурофий тус бериб, ёдгорликни шахсий манфаатлари йўлида хизмат қиладиган саждагоҳга айлантирганлар.

— Қорақўл туманидаги Шибирдон ота «авлиё»сининг сири ҳам очилдими? Унинг тарихи қандай бўлган экан?

— У ҳам жуда қизиқ ва сабоқ бўларлидир. Бу ерга кўпинча фарзанд кўрмаган жувонлар зиёратга келади. Хурофотчилар уларни икки қабр тоши устига бир нечаси кўндаланг қўйилган мақбара тошлари орасидан ўтказадилар. Ихлосмандлар «авлиё»дан фарзанд сўраб илтижо қилаётиб, жонлик сўйиб худойи қилишади. Бординю бирор сабаб билан фарзандлик бўлса, атаганини олиб келиб назр-ниёзлари билан «авлиё»нинг доимий гумашталарини сийлайди.

Бу «авлиё» ҳам илмий-археологик жиҳатдан ўрганилганда XIII аср услубида қурилган мақбаранинг ости-ла

ҳадида пала-партиш кўмилган одамларнинг суяги борлиги аниқланди. Илмий изланишлар, маҳаллий халқ тилида асрдан-асрга кўчиб юрган маълумотлар асосида шу нарсга маълум бўлдики, бу сирли мақбара асли халқ орасида Шибирдон — Ширбурдон, яъни Сутчи ота номи билан машҳур бўлган оддий чўпон Шоабдурахмон номи билан боғлиқ экан. Унга Вали номининг кўшиб айтилиши бежиз бўлмаган. Шоабдурахмон чўпон дашт ўсимликлари ёзда қовжирашидан қишнинг қандай келишини, она қўйнинг ўтлашидан қандай қўзи туғишини, тоғдаги қорнинг ялтирашидан дарёда сувнинг қандай бўлишини олдиндан бехато айта олган. У ҳам Маҳмуд Торобий сингари мўғул босқинчиларига қарши бош кўтарган халқ қўзғолонида ҳалок бўлади. Гарчи унинг жасади жанг майдонларида (Қарши даштида) қолиб кетган бўлса-да, қоракўлликлар унга атаб рамзий мақбара қурадилар. Афсуски, узоқ йиллар мобайнида бундай қадимий ёдгорликлар етарли илмий жиҳатдан ўрганилмай, муҳофаза қилинмай ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Оқибатда, ўтмиш маданияти, тарихимиз билан боғлиқ бўлган жуда кўп ёдгорликлар хурофий иллатлар уясига айланиб қолаётир.

Шуни унутмаслик керакки, бундай ёдгорликлар устида қад кўтарган мақбара ва даҳма тошлари ўтмиш меъморчилигининг ажойиб обидаларидир. Уларда анъанавий меъморчилик санъатининг нафис ва нозик намуналари, эпиграфия ва юқори малакада ишланган каллиграфия нусхалари ўз аксини топган. Улар тарихий ёдгорликларнинг бири сифатида, архитектура ва эпиграфика намуналари сифатида илмий ўрганилиши, шу сифатларига кўра тарғиб қилиниши зарур.

— Айрим тоғли жойлардаги номи ислом оламига нисбат бериладиган, айнан бир-бирини такрорловчи «авлиё жойлар» учрайди. Улар ҳақидаги фикрингиз қандай?

— Ҳазрат Али, унинг дулдули ва қиличи номи билан аталадиган «муқаддаслаштирилган», одамлар сигинадиган жойлар сақланиб қолган. Аслида буларнинг ҳаммаси дин ниқобида иш кўрган қаллоблар тўқиб чиқарган бир афсона. Ҳазрат Али ва унинг фарзанди имом Ҳусайн сингари ислом олами вакиллари VII асрда ўз ҳарбий юришларини ҳозирги Сурия ва Ливан каби араб мамлакатларида олиб борганлар. Исломни жорий этган араблар Урта Осиёни бундан бир аср сўнг истило қилганлар.

Бу ерларда исломгача бўлган зардўштилар дини билан боғлиқ қадамжойлар ҳам учрайди.

— Сиз айтганингиздай, бундай тарихий ёдгорликлар етарли ўрганилмаса, муҳофаза қилинмаса сохта атеистлар томонидан вайрон қилиб юборилиши мумкин. Энг ачинарлиси, баъзи тарихий қимматли бўлган жойлар тегишли ташкилотлар томонидан таъмир этилиб қўриқланмаса, ўз-ўзидан емирилиб, йўқолиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Ахир бундай мисоллар кўп-ку!

— Тўғри айтасиз. Эсингизда бўлса, Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги» пьесасида Бухоро хони Амир Олимхон томонидан ваҳшийларча ўлдириб юборилган инқилобий кайфиятдаги ёшлар ҳақида сўз боради. Уларнинг орасида ёзувчи Садриддин Айнийнинг укаси Сирожиддин Айний ҳам бўлган. Ёвуз амир бошини танасидан жудо қилган ана шу кишиларнинг қабри яқин-яқингача ҳам мавжуд эди. Аммо адолат топталиб сохтагарчиликлар авж олган йилларда халқ хотираси билан боғлиқ бундай жойларга эътибор бериб ўтирилмаган. Бухоро атрофида қурилган қайсидир янги бозорнинг бир чеккаси ана шу қабристонни ҳам ямлаб ютиб юборди. Партия ва халқ олдидаги жиноятлари учун жавоб бераётган собиқ амалдорларнинг халқ тарихига, маданиятига, инсонлар хотирасига муносабати мана шундай бўлган эди. Эндиги асосий гап ўша мудҳиш хатоларни такрорламасликда.

Биз бу борада рус ва бошқа қардош халқлардан ҳар қанча ибрат олсак арзийди. Степан Разин, Емельян Пугачев, Минин ва Пожарский, Богдан Хмельницкийлар сингари бизнинг Темур Малик, Торобий ва Шоабдурахмон ота, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа кўплаб халқпарвар, содиқ ватандошларимиз, зулм-истибодга қарши бош кўтарганлар. Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган халқ фарзандларининг, қаҳрамонларининг хотирасини абадийлаштиришимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Совет маданият фондиди ташкил этиш тўғрисидаги қарорларда бу борада муҳим йўл-йўриқлар белгиланган. Гап ёдгорликларга эътибор беришда, уларга янги мазмун бахш этишда, хурофот-бидъат ўрнини янги тафаккур билан бойитишда. Юртимизда бирор қишлоқ, бирор хонадон йўқки, уруш жароҳати етиб бормаган бўлсин. Ҳар бир қишлоқда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари хотирасига муҳташам ёдгорликлар ўрнатайлик. Ахир, бу кишиларда авлодлар хотирасига ҳурмату эътиқодни

шакллантиришнинг, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим шарт-ку!

Маҳаллий идоралар, қишлоқ кенгашлари мана шу эҳтиёжни сезмаётганга ўхшайдилар. Қаердаки, кишиларнинг маънавий эҳтиёжларига эътибор унутилса, бунинг учун жон куйдирилмаса, уларнинг эътиқодларига ғубор қўнади. Нафақат эътиқодларга, халқ тарихи, халқ хотирасига ҳам соя тушади. Агар кишиларнинг юртни обод қилиш, ёдгорликлар тиклашга бўлган қизиқишлари, истаклари тўғри йўлга йўналтирилганда жуда кўп хайрли ишлар рўёбга чиққан бўларди.

МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Севимли китоб ҳар кимнинг уйида бўлгани яхши. Бунга нима етсин? Биз учун зарур, маънавий дунёмизни бойитувчи китоблар озмунчами? Ҳар қанча истаган тақдиримизда ҳам уларнинг ҳаммасини уйимизга йиға олмаймиз! Қолаверса, бунинг учун вақтимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етмайди. Кутубхоналар кишилардаги маънавий эҳтиёжни қондириш учун ташкил этилган.

Қаранг, озмунча кутубхоналаримиз борми? Ҳар бир мактабда, ҳар бир қишлоқда, ҳар бир район ва вилоятда. Катта шаҳарда-ку бир неча хил: катталар ва болалар, техник ва қишлоқ ҳўжалиги, медицина ва ўқув кутубхоналари. Уларни янги китоблар билан бойитиб бориш учун ҳар йили миллиардлаб сўм маблағ сарфланади. Китоб фондини асраш, китобхонларга хизмат кўрсатиш, китоб тиклаш ва кутубхоначилик ишини ташкил этиш мақсадида қилинаётган ғамхўрликлар эса чексиз. Бизнинг энг катта маънавий ютуғимиз ҳам мана шу имкониятлардан беминнат фойдаланмоқдир.

Оддий дам олиш кунларининг бирида Қарши шаҳар марказий кутубхонасида бўлишга тўғри келди. 50 мингдан ортиқ китоб фонди бўлган бу кутубхона Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзини Қашқадарё вилоят бўлими билан бир бинода жойлашган экан. Ёзувчи Муҳаммад Очилов иккимиз китобларнинг асралиши, ўқувчиларга кўрсатилаётган хизмат билан танишдик. Ўқув залида, йирик бир шаҳар кутубхонасининг ўқув залида шу кунни атиги иккитагина китобхонни кўрдик. Одамларнинг нисбатан бўш вақти кўп бўладган шанба ва якшанба кунни китобхонлар сонни хизматчилардан тўрт баробар кам эди. «Баъзида одамлар сал кўпаяди» дейди бу ҳолдан уялиб турган кутубхона хизматчиси Гулнора Бўронова.

Хўш, нега кутубхоналарга қизиқиш бунчалик кам? Бу нима билан боғлиқ? Анчайин зиёлинамо кишилар даврасидаги мунозарада шундай сўзлар қулоққа чалинади: «Энди кутубхоналарга битта-ярим ўқувчи ёки студент, бирор соҳада илмий иш қилаётган аспирант ёки олим бормаса, бошқалар қадам босмайдиган бўлган». Наҳотки, шундай бўлса? Наҳотки, биз кутубхоналарга эҳтиёж сезмаётган бўлсак? Турмушимизда кутубхоналарга ҳожат қолмадими? Ёки бизнинг дунёқарашимиз, маънавий эҳтиёжларимиз ўзгардими? Баъзилар айтганидай, фаровонлик туфайли кутубхоналарнинг кўпайганлиги, матбуот, радио-телевидение ҳаётимизга нақадар сингиб кетганлиги балки китобга эҳтиёжни сусайтириб қўйгандир? Ёки одамларнинг асосий вақти бошқа ташвишлар билан банд бўлиб қоляптими?

Бордию шундай бўлса, кутубхоналар тармоғини кенгайтириб бориш, улар учун ҳатто олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш шартми, деган савол келиб чиқмайдими? Чиқади! Эҳтимол, бу саволларга кутубхоналарнинг ўзидан жавоб топилар. Балки, кутубхоналар ўз зиммасидаги вазифани қўйиллатиб бажара олмаётгандир. Балки, одамларни ўзидан бездираётгандир. Мабодо, кутубхоналарнинг ўзи ёрдамга муҳтож эмасмикан? Истаган кутубхона ходимига бу саволни бериб кўринг, ҳасратидан чанг чиқади.

Юқорида биз танишган Қарши шаҳар кутубхонасида ҳам шундай бўлди.

— Ўзингиз кўриб турибсиз, жавонлар етишмайди, китобларнинг бир қисмини полга тахлашга мажбурмиз. Қишда нам тортиб қолади. Иситгич батареяларни-ку ёлчитиб ишлаганини эслолмаймиз. Ўқув зали қишда деярли бўм-бўш бўлади.

Кутубхона бевосининг ўзи ҳам ремонтга муҳтож, кўча томондан деворнинг сувоқлари кўчиб пойдевор шўралаб ётибди. . . Бу-ку шаҳарда, қишлоқ кутубхонасининг аҳволи қандай экан? Қўриқ совхозларнинг бирида замонавий қишлоқ кутубхонаси билан қизиқдим. Дастлаб кутубхона қаердалигини қишлоқ кўчасида дуч келган одамдан суриштирдик. Тузукроқ жавоб олиш қийин бўлди. Мени қийнаган, ўйлантирган нарса шу бўлдики, одамлар магазин, идора, чойхона ёки айтайлик автозаправка станциясининг қаердалиги ҳақида аниқ жавоб айтарди-ю, аммо кутубхонага келганда тусмоллаб қоларди. Бири «Шу томонда бўлиши керак» деса, иккинчиси

«Аввал совхоз идораси ичида эди, ҳозир қайгадир кўчан» деб иккиланади. Ахийри излаб-излаб топдик. Яшаш учун мўлжалланган уч хонали уйнинг бир хонаси ажратилган экан. Мудирани уйдан чақиртириб келдик. Китоблар бир хонага тиқиб ташланган. Бу кечагина ташкил бўлган совхознинг эмас, ўн йилдан бери мўл ҳосил етиштириб келаётган иқтисодий бақувват хўжаликнинг кутубхонаси эди. Китоблар қандай асралаётгани ҳақида сўз юритмаса ҳам бўлади. У бинодан бу бинога кўчавериб, муқовалари литилиб кетган, авра-астари сўкилган, кимдир олиб варақларини йўқотган, рўйхатда бору ўзи йўқ китоблар... Хўш, кутубхонага келувчилар кимлар? Умуман, бу ерга биров китоб сўраб келадими? Маълум бўлишича, икки юз хўжалик аҳоли яшаётган кап-катта қишлоқда фақат юқори синф ўқувчилари ва кечагина мактабни битирган йигит-қизларгина онда-сонда кутубхоначининг уйига китоб сўраб боришаркан. Борганда ҳам аксарияти муҳаббат мавзуидаги китобларни сўраб-суриштиришаркан...

— Нега кутубхона берк? — сўраймиз мудирадан.

— Кун бўйи ўтирганим билан бефойда, ҳеч ким келмайди, — деб жавоб берди у.

— Дурустроқ бино бўлганда одамлар келишарминди?

— Билмадим...

Китоб ўқимайдиган қишлоқ. Одамлари ишга боришадди. Тирикчилик юмушлари билан банд бўлишади. Ёз ойлари эрта азондан зарбдор чопиқчилар отрядига қўшилиб далага чиқишади. Кейин ўз иши билан банд... Кечқурун яна рўзғор ташвишлари, чала уйқу ва яна эртага азон туриб — иш. Оддий қишлоқ меҳнаткашининг турмуши шундай. Китоб ўқишга вақт қайда. Лекин ёшлар-чи? Кино ёки концерт бўлса клубга ёпириладиган, кечқурунлари телевизор ёки сийқа давралардан бўшамайдиган ёшлар. Бундай қишлоқнинг келажаги, эртанги кунини тасаввур этиш қийин. Ҳар қанча ўйламанг, кўнгилда маҳзун туйғулар уйғонаверади...

Қишлоқ маданияти, умуман, турмуш маданияти клубга, кутубхонага муносабатдан бошланмайдими? Агар битта қишлоқнинг кутубхонаси шундай аҳволда бўлганида эди, эҳтимол хўжалик ёки район раҳбариятининг эътиборини қаратиш билан кифояланиш мумкин эди. Афсуски, бошқа жойларда ҳам бундан дурустроқ манзарага дуч келмадик. Ҳатто кутубхона мудирлари ўз вазифаларининг моҳияти ҳақида дурустроқ тасаввурга эга эмас.

Кутубхона учун дурустроқ бино ажратилмаган мана шу замонавий қишлоқларнинг аксариятида хўжалик раҳбарларининг нозик меҳмонлари учун ҳайҳотдай, ҳашаматли бинолар ясагғилиқ. Янгидан ишга туширилган объектлар ҳам оз эмас: чойхона, ателье ва ҳоказо... Лекин янги кутубхона эмас. Шундай хўжаликларнинг бирида янги автозаправка станциясини кўриб қувондим. Исрофгарчилик, пала-партиш ёнилғи қуйиш барҳам топибди.

— Ўт ўчирувчилар келиб ҳадеб жарима солавергач, қуриб олдик,— дейди директор ғурур билан.

Ёнилғи тўкиб-сочилса, ёнғин чиқиш хавфи сезилсак, ўт ўчирувчилар станцияни ёпиб қўйишади, фойдаланишни ман этишади. Лекин, минг-минглаб китоблар пала-партиш сақланиш оқибатида чириб бораётганлиги, одамлар ҳатто кутубхона деган сўзни унута бошлаганлиги эса ҳеч кимни ташвишга солмайди. Ҳеч ким китобларнинг умри бекор ўтяпти, одамлар маънавий хазинадан бебаҳра қоляпти деб қайғурмайди. Ёки хўжалик раҳбарига жарима солмайди.

Эҳтимол шу сабабдан раис ёки директор кутубхоначининг вазифаси фақат китоб тарқатишдан иборат иш деб тушунади. Ҳатто кутубхона яхши бўлса, одамлар унга қатнаб, ишдан қолиб кетади, дейдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг савияси шундай. Қанийди, режа ҳақида, ўз обрўси ва амал курсиси ҳақида ташвиш тортадиган хўжалик бошлиқлари одамларнинг маънавий камолоти, турмуш маданияти, қишлоқ ёшларининг келажаги ҳақида чинакам ташвиш тартадиган бўлсалар...

Олий мактаб ўқитувчилари билан мулоқотда бўлиб кўринг: узоқ қишлоқдан келиб олий мактабга имтиҳон топширган аксарият ўқувчиларнинг саводи ўртача эканлигидан нолишади, афсус чекишади. Сабаби қишлоқ ўқувчисининг турмуш тарзи шаҳар ўқувчилариникидан фарқ қилади. Аксарият ҳолларда у дарсдан сўнг хўжалик даласига чиқади. Уйда бўлса, оиласига ёрдам беради. Уй тўла иш бўлатуриб қишлоқ боласи ичкарига кириб дарс тайёрлаб ёки китоб ўқиб ўтиролмайди... Буни ота-оналар ҳам ноилож тан олади. Китобга муносабат, яхши кутубхоналарга зарурат мана шундан ҳам кўриниб турибди...

Кутубхоналаримиз замон талабларидан, китобхон эҳтиёжларидан ортда қолаётгани учун ҳам магазиндаги китобларга эҳтиёж ошиб бормоқда. Албатта, бу фикрни

китоб ўқимаса ҳам чиройли муқовали китобларни жавонига безак сифатида ёки мақтаниш учун йиғадиганлар кўпайгани, бу «ғайри одат» тусини олган ҳоллар билан чалкаштирмаслик керак.

...Энди яна қишлоқ кутубхоналарининг аҳволига қайтайлик. Бизнингча, бу борада бирдан бир ўйлаб кўриладиган масала шундаки, аввало қишлоқ кутубхоналарини, лозим бўлса район ва шаҳар кутубхоналарини ҳам замонавий лойиҳалар асосида алоҳида бино сифатида қуриш ва бу ишда студент-қурилиш отрядлари ёрдамига таяниш, оммавий ҳашарлар уюштириш лозим. Уларнинг атрофини ободонлаштириш эса ҳамisha мактаб ўқувчиларининг оталиғида бўлгани яхши. Бу ўқувчиларда китобга, кутубхонага тўғри муносабатни шакллантиради, энг муҳими, ёшларда гўзалликни тарбиялайди.

Китобга, кутубхонага янгича муносабатни шакллантириш, маънавий ҳазиналаримиз фаолиятини такомиллаштириш эса кедаяк ҳақида ғамхўрлик демакдир. Бунинг учун жон куйдирмас эканмиз, шу пайтга қадар йўл қўйилган хатоларимиз, лоқайдлик асоратидан қутулолмаймиз. Бу айниқса маънавий саёзланиш бизга катта зиён етказган, жамиятимиз покланишга кучли эҳтиёж сезган ва бунинг учун катта иш бошлаб юборилган шу кунларда янада яққолроқ билинмоқда.

Яқин-яқингача ҳам айрим жанубий вилоятларимизда «юбилей шийпони» деган ном билан магистраль йўллар, боғлар ва пахтазорлар орасида ҳашаматли оромгоҳлар қуриш кенг тус олганди. Ўнлаб катта-катта хоналардан иборат қилиб қурилган, ичи чет эл гарнитурларию шохона гиламлар билан безатилган бундай кошоналар саратон офтоби тагида пахта етиштираётган оддий деҳқонлар учун эмас, бир гуруҳ мешчанлар учун мўлжалланган эди. Ўн йиллар мобайнида ҳукм сурган бундай дабдабазликка яхшиям барҳам берилди. Ҳаётимизда туб бурилиш ясаган Ўзкомпартия Марказий Комитетининг 1989 йилги XVI пленумидан сўнг «юбилей шийпонлари»дан бири профилакторийга, иккинчиси никоҳ қасрига, яна бири идора ёки оддий шийпонга айлантирилди. Афсуски, улардан ҳеч бўлмаганда бирортаси клуб ё кутубхонага берилмади. Ҳолбуки, кутубхона учун ҳам аслида фақат китоб сақланадиган омборхона бино эмас, бемалол китоб танланадиган, мутолаа учун қулай шароити бўлган шовқин-суронсиз жой керак. Қолавер-

са, кутубхоналаримиз шинам, гўзал қилиб қурилсинки, уларнинг ички қиёфасигина эмас, ташқи томони ҳам одамларни ўзига жалб этадиган бўлсин. Бу ҳозирги кундаги маънавий эҳтиёжларимиз тақозо этадиган ҳаётий зарурат.

Мен кутубхоналар дабдабали бўлсин деган фикрдан йироқман. Қишлоқ меъморлари шийпон, медреса, чойхона, магазин каби мустақил қуриладиган биноларнинг жуда гўзал лойиҳаларини яратмоқдалар. Афсуски, қишлоқлар учун гўзал ва арзон қуриладиган бирорта кутубхона лойиҳасини кўрмадик. Кутубхона учун сокин жой керак. Ҳар бир қишлоқнинг, районнинг кутубхонаси мевазор, хушманзара жойда қурилмоғи зарур.

Кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида Алишер Навоий номли довруқли зиё масканидан ҳам файз кетди. Китобни ўқишдан кўра топиш, бунинг учун расмийчиликни адо этишга кўп вақт сарфлаймиз. Ҳолбуки, кутубхона бизни ҳаммавақт ўзига жалб этиб туриши керак... Кутубхона ёрдамга муҳтож. Биноси, техник жиҳатлари, штатлари жиҳатидан ҳам бу зиё масканини замон талаби даражасига кўтариш керак.

Ҳа, эндиликда давр шиддати тез, информация кўп, вақт оз. Лекин, энди олимга бир-икки китобни кўриб чиқиш камлик қияпти. Бугунги олим истаса-истамаса 20—30 йил илгаригига қараганда кўпроқ китобни кўришга мажбур. Кутубхоналар ҳам одамларнинг мана шу эҳтиёжларига жавоб бериши, ўз ишини шунга мувофиқ такомиллаштириб бориши шарт бўлиб келмоқда. Агар китобхоннинг мана шу эҳтиёжи билан унга кутубхонада кўрсатиладиган хизмат ўртасида маълум уйғунликка эришмас эканмиз, одамлар кутубхонага ноиложликдан бормаса, ўз хоҳиши билан қадам қўймайдиган бўлиб қолади.

Ҳозир аксарият кутубхоналаримиз иши билан тандо бўла бошлаганини сезасиз...

Салкам йигирма йил муқаддам Алишер Навоий номидаги жумҳурият давлат кутубхонаси учун янги бино қурилиши бошланганлиги ҳақидаги хабарни нечоғлик хурсандчилик билан кутиб олган эдик. Газеталар барча қулайликларга эга бўлган 14 қаватли кутубхона комплекси лойиҳасини суратини босиб минг-минглаб китоб мухлисларига унда яратилажак қулайликлар ҳақида ҳикоя қилган эди. Маданий ҳаётимизда катта воқеалар

кутилаётган эди. Афсуски, қурилиш пойдевордаёқ тўхтаб қолди. Бугун кутубхона қурилиши қачон изга тушади, деган саволга бирор аниқ жавоб ололмаймиз. Фақат совет Шарқида эмас, мамлакатимизнинг энг кекса ва йирик кутубхоналаридан бири бўлган, бағрига 5 миллиондан кўпроқ нодир китобларни жамлаган маънавий ҳазинамиз эса катта қийинчиликлар билан иш олиб бормоқда. Ҳолбуки, ўтган аср тараққийпарвар олимлари ва зиёлиларининг, совет даври йирик кутубхоначиларининг ғоят қимматли тарихий меҳнатлари туфайли бу ерда икки асрдан кўпроқ даврни қамраб олувчи ноёб ҳазина тўпланган. Бу улкан ижтимоий-маънавий бойликнинг жумҳуриятда фан, маданият, ишлаб чиқариш ва илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришдаги аҳамияти тенгсиз. Бу беназир илм даргоҳи жаҳоннинг 37 мамлакатидagi кутубхоналар ва илмий ташкилотлар билан алоқа боғлаган. У кутубхоначилик иши, китоб тарихи назарияси ва амалиёти бўйича жумҳурият илмий-методик маркази бўлишига қарамай, бу соҳадаги имкониятини тўлиқ намоён эта олмапти. Китоб фондининг сақланиши, китобхонларга хизмат кўрсатиш савияси ҳали кўнгилдагидек эмас. Бўлимлар ва китоб фондлари тўртта биридан тарқоқ бинода жойлашган. Китоб фондининг каттагина қисми кутубхона учун мос бўлмаган иморатларда сақланмоқда.

Асосий китоб сақланадиган ва механизациялаш масаласида ҳам кутубхонага ёрдам керак. Давр тақозосига кўра уни техник жиҳатдан жиҳозлаш эса орзулигича қолмоқда.

Бу ерда минг-минглаб дунёда ягона нодир манбалар сақланаётганидан жуда кўпчилик хабардор. Улардан энг ноёби 594 томлик «Туркистон» тўпламидир. Герман Вамберининг икки томлик «Бухоро тарихи», Клавихонинг «Темур саройига саёҳат» каби яна ўнлаб нодир китоблар, тарихий воқеалар шарҳи, муҳим ҳужжатлар киритилган бу тўплам инқилобдан аввал вақтли матбуот, газеталар, тўплам ва турли китобларнинг нусхаларидан тузиб чиқилган эди.

Туркистон халқлари тарихи, фан ва маданияти, миллий ва табиат бойликлари ҳақида мукаммал маълумот берувчи бу ажойиб тўплам жуда кўплаб олимлар, ёзувчилар, журналистлар, тарихчилар, этнографлар учун ўз даврининг қомусий тарихи сифатида ҳамон ўз қадрини йўқотгани йўқ. Бу ўзига хос қомус бирор нашриёт ёки

илмий ташкилот томонидан эмас, ўша пайтдаги оддий кутубхона ходимларининг ҳаракати, ташаббуси, изланишлари, Ўрта Осиё, Москва, Ленинград ва дунёдаги бошқа шаҳарларнинг манбаларини ўрганиш орқали йиллар давомида (1830—1916) тўплаб борилган эди. Ҳолбуки, ҳозир ҳам ҳар бир кун бой тарихий воқеаларга тўлиқ давримизнинг матбуот саҳифаларида акс этиб турган жонли тарихини маълум бир система асосида келажак авлодлар учун мана шундай жамлаб бориш мумкин. Ҳозир эса ҳатто матбуот картотекалари ҳам мукамал эмас. Бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Албатта, бундай улуг ишларни рўёбга чиқариш учун кутубхонанинг реал имкониятларини ошириш зарур.

Кутубхона мамлакат биринчи категорияли кутубхоналари сирасига киради. Обрў-эътибори, китоб фонди аҳамияти жиҳатидан шундай. Аммо илмий иш олиб борадиган бўлимлари ва ишчи штатлари Иттифоқдаги энг кичик жумҳурият кутубхоналариникидан ҳам кам. Бу жиҳатдан Болтиқбўйи жумҳуриятлари кутубхоналарига ҳавас қилса арзийди. 1983 йили ташкил топган Тожикистон ССР Давлат кутубхонасининг 20 та бўлимида 328 ходим иш олиб борса, китоб фонди бир неча баробар юқори бўлган. Ўрта Осиёда энг йирик Навоий кутубхонасида эса бунинг акси — 16 бўлимда 283 ходим иш олиб бормоқда. Ҳолбуки, кутубхона биноларининг турли жойларда тарқоқлиги, иш жараёнлари автоматлашмаганлигининг ўзиёқ қўшимча иш штатларига мавжуд зарурий эҳтиёжни бир неча бор ошириб юборганди. Ана шу мураккабликлар билан танишаётиб, қўлимга бир муҳим ҳужжат тушиб қолди. У кўп йиллар кутубхона раҳбарларидан бири бўлиб ишлаган тарихчи олим Сотим Холбоевнинг кутубхонадаги қийин вазият, ночор аҳвол ҳақида ўз вақтида мутасадди ташкилотларга ёзган ахборот ва илтимосномаларининг бири эди. Унда шундай сўзлар ёзилган:

«Аввало янги бино қурилишини тез ҳал қилиш зарур. Китоб фондларини тартибга келтириш, ҳозирча 1,6 миллионга китоб сиғадиган қўшимча жой ажратиш лозим бўлади. Кутубхонани бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар кутубхоналари структурасига ўтказиш ва шунга мувофиқ штатларини кўпайтириш зарур. Биринчи навбатда автоматлаштириш ва механизациялаш бўйича инженер штати белгилаш лозим. Айниқса, адабиётларни комплекшлаш ва справка ахборот, гигиена ҳамда китоб рестав-

рацияси бўлимларини очиш ниҳоятда зарур. «Ксерокс» ва «Конон» типидagi юксак унумли нусха кўчириш аппаратлари сотиб олинishi керак».

Тўғри, кейинги йиллар ичида кутубхона ишларида анча жонланиш сезилмоқда, бу йирик илм даргоҳини малакали кадрлар билан таъминлаш, илмий-методологик ишларни йўлга қўйиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида анча ибратли ишлар амалга оширила бошланди. Аммо, кутубхонада узоқ йиллар мобайнида давом этиб келган чигал муаммолар ҳамон мураккаблигича қолмоқда.

— Ҳозир жуда танг вазиятда иш олиб бoryпмиз, — дейди кутубхона раҳбарлари. — Кейинги икки ярим йил ичида олинган бир миллионга яқин янги китоблар жой йўқлигидан полларда тахи бузилмай ўроғлигича турибди. Шу масалада ёрдам берилишини сўраб Тошкент шаҳар Совети Ижроия комитети раҳбариятига бир неча марта мурожаат қилдик. Фойдаси бўлмади. Ҳеч бўлмаганда янгидан фойдаланишга топширилаётган уйлардан бирортасининг биринчи қавати ажратиб берилганда ҳам муаммо ҳал бўлар эди. Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси (собиқ) ўринбосари ўртоқ Ризаев эса Чилонзорда одамлар яшашига яроқсиз деб топилган авария ҳолатидаги бинони таклиф этади. Ахир, миллионлаб нусхали халқ ва давлат мулкани қандай қилиб авария ҳолатидаги бинода сақлаш мумкин? Ўртоқ Ризаев бунни тушунишни истамади. У кишининг ҳузурида етти марта бўлдик. Ҳар гал «кутубхона масаласидан ҳам зарурроқ ишлар кўплигини» рўкач қилди. . .

Шаҳар Совети раисининг ўринбосари қайси ишни ўзи учун кўпроқ зарур деб ҳисоблашини билмадигу, аммо танг вазиятда қолган жумҳурият давлат кутубхонасининг меъёрида ишлаши учун зарур шароит яратишни иккинчи даражали иш деб ҳисобласалар жуда ҳам янгилашга таянганлигини айтиш керак. Ахир, кутубхоналар, клублар, маданият муассасалари фаолиятини яхшилаш партиямиз мафкура соҳасида амалга ошираётган долзарб ишларнинг муҳим қисми ҳисобланади-ку. Қайсики мутасадди раҳбар бунни тушунишни ўзига эп кўрмас экан, шубҳасиз у янгича фикрлаш, қайта қуриш даврининг талабларини ҳам ҳис этмаётган бўлади. . .

— Китоб фондларини тартибга келтириш учун ҳозирча 1,6 миллионта китоб сиғадиган қўшимча жой сув билан ҳаводек зарур бўлиб турибди, — дейди кутубхона-

нинг собиқ директори А. Дадабоев. — Москвадаги Ленин номидаги кутубхонада буюртма берган китобингиз 15 минут ичида, Олма-Ота ва Ашхободдаги жумҳурият кутубхоналарида эса 16 минутда қўлингизга тегади. Бизда эса китоб фондлари бир-биридан узоқ, ноқулай биноларда бўлганлиги, буюртмаларни бажаришда автоматика ва механизациянинг йўқлиги туфайли китоблар 3—4 соат, баъзан бундан ҳам кўп вақт ичида қўлингизга тегади. Шунда ҳам сиз буюртма берган 10 та китобдан 5 таси чиқади. Чунки, рўйхатларда бору ўзи йўқолган китоблар оз эмас. Уларни ахтариш учун ҳам кутубхоначилар вақт сарфлашади. Демак, каталоглардан ўчмаган китоблар ҳамон кутубхоначиларни ҳам, китобхоналарни ҳам чалғитиб, қимматли вақтини ўғирлаб ётибди. Ҳолбуки, каталогларни бундай номи бору ўзи йўқ (1972 йили ёниб-куйган ва йўқолган) китоблардан тозалашнинг аллақачон вақти етган. Бунинг учун махсус ишчилар гуруҳи камида 1—1,5 йил шуғулланиши лозим бўлади. Хўш, бу ишни ким ўз зиммасига олади? Жумҳурият Молия вазирлиги, ҳеч бўлмаганда, кутубхонанинг ўз тежам фонди ҳисобига вақтинчалик ишчи штатлари белгилаш ҳуқуқини берганида ҳам масала ижобий ҳал бўлур эди. Аммо на Молия вазирлиги, на жумҳурият Маданият вазирлигининг кутубхоналар бошқармаси қарийб 15 йилдан буён бу масалани ҳал этмай келяпти.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 447610 нусха китоб ва 894436 газета номерлари ёниб кетган. Бу рақамлар тилга кирганда кўнгилда маҳзун туйғулар уйғотади. Ахир бу рақамларни, «йўқолган», «куйиб ёнган» деган оддий сўзларни айтиш нечоғлик қийин. Уларнинг орасида нодир китоблар ҳам оз эмас эди. Улугбекнинг ҳозиргача топилмаган ноёб кутубхонасида ҳам эҳтимол шунча китоб бўлгандир.

Бундай ҳолнинг юз берганига энг асосий сабаб кутубхона учун ўз вақтида янги бино қурилишига эътибор берилмаганлиги, китоб сақлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилмаганлиги эди. Хўш, энди-чи? Бу аччиқ сабабдан қандай хулоса чиқарилди? Афсуски, ҳеч қандай! Кутубхона учун махсус бино йўқлиги учун ҳам китоб фондини сақлаш китоб гигиенаси ва санитарияси меъёрларига, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермайдди. Стандарт меъёрларига кўра, мавжуд 5,2 миллион китобни жойлаштириш учун 10 минг квадрат метр жой зарур бўлади. Аслида эса 4047 кв. метр жой мавжуд.

Китоб фондининг ҳар йили 200 минг нусхага кўпайишини ҳисобга олсак, демак, улар янада тигизлашиб бораверади. Шу сабабли бир неча йиллардан буён 1,6 миллиондан ортиқ китоб ва газеталар жавонлар оралиғидаги полларда, хоналарнинг бурчакларида уюлиб ётибди. Бу эса китобларнинг моғорлашига, микробиологик касалликлар билан шикастланишига, саҳифалар емирилишига, чиришига ва оқибатда китобларнинг тиклаб бўлмас ҳолга тушишига олиб келади. Бу жуда хавфли, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди...»

Расмий ҳужжатларда «номаълум сабабларга кўра йўқолган» деб қайд қилинган, ўзидан бошқани ўйламайдиган ўқувчилар томонидан саҳифалари йиртиб олинган китобларнинг ўзи 4,3 минг, «узоқ йиллар мобайнида ўқув залидан қайтарилмаган» дейилган китоблар эса 3,5 минг экан. Хўш, бу ёнғиндан ҳам баттар ташвишли эмасми? Ахир бу кутубхона дарвозасидан бирорта китоб ташқарига чиқмаслиги керак эди-ку! Нега кутубхонанинг бу темир интизими бузилган. Маълум бўлишича, «йўқолган» ана шу китобларнинг аксарияти бир пайтлар «лавозимдор кишиларнинг қўнғироқлари» билан олинган ва сўнг-ра қайтарилмаган китоблар бўлиб чиқди. Бу, ёш бир ўқувчи, ёки китобга муккасидан кетиб орқа олдини унутган, бурч ҳисси ҳали шаклланмаган ўсмир бола эмас, илмли, онгли китобнинг қадрини биладиган кишиларнинг халқ мулкига муносабати...

Ёнғинда куйган, турли сабабларга кўра йўқолган бу салкам ярим миллион китоб маънавий бойлигимизга етказган зарарни қандай ҳисоблаш мумкин? Афсуски, бу маънавий зарарни фонзларда ифодалаб бўлмайди. Бу тиклаб бўлмас, ўрни тўлмас йўқотишдир...

Бироз ўтмишга мурожаат қилайлик. Қадимда юртимизда ёзув, китобот-санъати, фан ва маданият тараққий этиб, бой-китоб бозорлари, сарой кутубхоналари бутун жаҳонга машҳур бўлган. Қошғарий, Фаробий, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Бобур сингари буюк алломаларнинг ажойиб асарлари ҳам бундан далолат беради. Лекин шунга қарамай, оддий халқ бу китоблардан бебаҳра бўлган. Чунки китобнинг баҳоси киммат, сарой кутубхоналари эса ҳамма учун ҳам очиқ бўлмаган. Оддий халқ илмга интилган, саводли кишиларни қадрлаган. Уйларда, маҳаллаларда, чойхоналарда қироятхоналар ташкил этилган. Бу ҳақда илмий ва адабий манбаларда мисоллар кўп. Лекин халқни ялпи саводхон

қилиш, ҳаммани китоб ўқий олишдек буюк имкониятдан баҳраманд этиш барча даврлар илм аҳлларининг орзу-армони бўлиб келган эди. Шу сабабли қадимий фан ва маданияти, бой маънавий тарихи билан фахр этган Ўрта Осиё халқлари XX аср арафасида ўз юртларида ҳам йирик ўқув юртлари, илмий даргоҳлари бўлишига катта эҳтиёж сезган эдилар. Дорилфунун очиш маҳаллий зиёлиларнинг ҳам орзуси эди ва Октябрь инқилоби бу орзунинг амалга ошувига йўл очиб берди. Шу сабабли Тошкентда Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки ойлардаёқ тараққийпарвар зиёлилар «олий таълим жонкуярлари жамияти»га бирлашиб, ўз олдиларига дорилфунун очишни мақсад қилиб қўйган эдилар. Улар елиб-югуришлари туфайли дастлаб фақат халқ дорилфунунини тузишга муваффақ бўлдилар. Китоблар, профессор ўқитувчилар етишмасди. Давлат дорилфунуни ташкил этиш қийин бўлганига бош сабаб шунда эди. Шунинг учун ҳам ўша йиллари деярли барча газеталарда аҳолига мурожаатлар босилар, кутубхоналар тузиш, ўқув заллари очиш ва китоб тўплашга ёрдам сўраларди. 1918 йилнинг 21 апрелида «Халқ дорилфунуни» газетаси халққа мана шундай мурожаат қилганди: «Дорилфунун ҳузурида кутубхона ва ўқув зали ташкил этилмоқда... Иқтисодий техник вайронагарчилик даврида бирор нашриёт ва китоб уйи бўлмаган, халқ учун зарур китоблар нашр этилмаётган ҳозирги даврда ҳар бир гражданининг бурчи халққа китоб билан ёрдам бермоқдир...»

Халқдан китоб йиғиш муваффақиятли олиб борилган ва олти минг дона китоб тўпланган эди. Аммо ўз-ўзидан равшанки, бу бўлажак дорилфунун учун етарли эмасди. Шунинг учун ҳам 1918 йилнинг май ойида Туркистон ҳукумати В. И. Ленинга А. А. Семёнов ва И. Г. Беловлардан иборат махсус делегация юборди. Доҳийдан дорилфунун ва унинг кутубхонасини тузишда ёрдам кўрсатиш сўралган эди.

Бугунги кунда Совет Шарқи учунгина эмас, жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари учун юксак малакали мутахассислар етиштириб бераётган Тошкент Давлат дорилфунуни доҳиймиз Лениннинг машҳур Декрети билан таъсис этилганини билмаган киши йўқ. Аслида мана шу тарихий илм даргоҳининг дастлабки пойдевори унинг учун кутубхона яратишдан бошланганини кўпчилик ҳам билавермаса керак. Туркистон Давлат дорилфунуни Ташкилий комитети ҳузурида Москва ва Петроград сек-

цияларидан иборат махсус кутубхона комиссияси тузилиб, унга Ташкилий комитет раиси, профессор И. Г. Александров раҳбарлик қилган эди. Китоблар йирик кутубхоналарнинг фондларидангина эмас, хусусий кутубхоналардан ҳам катта куч ва иштиёқ билан йиғиб чиқилган эди. Очлик ва вайроналик ҳукм сурган, шаҳарда транспорт ҳаракати тўхтаган қаттиқ совуқ кунларда ҳам комиссия аъзолари бўлажак кутубхона учун бирдан-бир зарур китобларни излашган, не-не азоблар билан уни профессор Александровнинг хонадонига тўплашган эди. Бу иш катта жасорат ва фидойилик талаб этгани ҳеч кимга сир эмас. Иқтисодий танг вазиятларга қарамай, ҳукумат ва Халқ маорифи комиссарлиги китоб сотиб олиш учун маблағни аямаган эди. Сметада кўзда тутилган 4,5 миллион сўмлик ўрнига 7,5 миллион сўмлик нодир китоблар сотиб олинди.

Румянцев музейи (ҳозирги Ленин номидаги кутубхона), Москва ва Ленинград дорилфунунларининг кутубхоналари, Политехника музейи, Ботаника боғи ва яна ўнлаб илмий муассасалар ва жамиятлар ўз фондларидан жуда катта миқдордаги китобларни бўлажак дорилфунун кутубхонаси учун бепул ажратадилар. Ушанда дорилфунуннинг биринчи ректори этиб тайинланган профессор Н. А. Димо шундай деб ёзган эди: «Фундаментал кутубхонани яратиш энг қийин ишлардан бири бўлди, лекин бунинг учун кетган кўп вақт, куч-ғайрат яхши самаралар берди...»

Ушанда ўз фаолиятини атиги 70 минг китоб фонди билан бошлаган ва бугунги кунда ўз бағрига салкам уч миллион том китобни жамлаган Тошкент Давлат дорилфунуни илмий кутубхонаси ҳазинасида жаҳонда ёлғиз ҳисобланган ўнлаб нодир китоблар сақланмоқда. Улар орасида катта библиографик аҳамият касб этадиган ноёб китоблар, турли чет тиллари луғатларидан ташқари Брокгауз ва Эфроннинг, «Гранат» акционер жамиятининг машҳур энциклопедик луғатлари бор.

Мана шундай китоб бойликлари шарофати билан 20-йиллардаёқ дорилфунунимиз олимлари жаҳон аҳамиятига эга бўлган кўпгина кашфиётлар ва ихтиролар яратишга муваффақ бўлган эдилар. 1928 йили жаҳонда биринчи телевизор — «радиотелефот»нинг дорилфунун олимлари томонидан кашф этилиши бежиз эмас эди.

Ҳозир ТошДД нинг илмий кутубхонаси мамлакатдаги энг йирик дорилфунун кутубхоналаридан ҳисобланади.

Жуда катта миқдордаги ноёб китоблар фонди, қимматли қўлёзмалар ва муҳим асарларнинг дастлабки нашрлари шу ерда сақланмоқда. Улар орасида 1491 йили Нюрнбергда кўчирилган (нашр этилган) «Анзелла Кентербирийскийнинг асарлари ва трактатлари», биринчи нашридан бир йил кейин чиққан «Эзоп масаллари», Л. Магницкийнинг 1703 йили нашр этилган «Математика» бўйича биринчи дарслиги, 1724 йили чоп қилинган «Петр I нинг биринчи денгиз устави» ва бошқа китоблар бор.

Илмий кутубхонадаги энг қимматли манба, бу — Шарқ қўлёзмаларининг жуда катта махсус бўлимидир. Бу ерда XVI—XVIII асрларга тааллуқли қўлёзмалар бўлиб, уларнинг айримлари жаҳонда ягона нусхалар ҳисобланади.

Мана шундай қимматли китоб хазинасига эгаллиги учун ҳам ТошДД илмий кутубхонаси мамлакатнинг 12 таянч дорилфунун кутубхоналари сирасига киради. Аммо ҳозирги пайтда бу—ноёб хазина кутубхона учун мўлжалланмаган, ётоқхона биносида жойлашган. Қўлаб илмий ходимлар, мутахассислар вақт ва харажат сарфлаб, мамлакатнинг марказий кутубхоналарига бориб ишлашга мажбур бўлмоқдалар. Бу ҳол илмнинг ривожланишига, партиямиз ҳозирги кун тартибига қўяётган фантехника тараққиётини жадаллаштириш, илмий ишлар самарадорлигини ошириш йўлида ғов бўлиб турганлиги сир эмас-ку. Беназир китоб хазинасининг умри бекор ўтаётганлиги-чи? Бу йўқотишларни, таъбир жоиз бўлса маънавий йўқотишларнинг ўрнини қоплаб бўлармикан? Бугун партиямиз талаб қилаётганидек, ижтимоий-маънавий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида туб бурилиш яшаш, янгича фикрлаш руҳи билан яшаётган кунларимизда бу ҳақда ташвиш тортмаслик мумкин эмас.

Тўғри, кутубхоналар учун янги бинолар ва бунинг учун катта маблағлар керак. Лекин иқтисодий харажатларнинг илмий кашфиётлар, маънавий юксалишлар ортиги билан қоплашига шубҳа йўқ. Қолаверса, илмий ва маънавий камолот йўлида иқтисодий харажатлар ҳам зарур. Фақат улардан омилкорлик билан фойдалана билиш керак. Масалан, Тошкентнинг олий ўқув юрти шаҳарчасида келгусида иккита — ТошДД ва ТошПИ нинг илмий кутубхоналарини алоҳида-алоҳида жойларда қуриш кўзда тутилган. Аслида бу иккала кутубхонани марказлаштириш йўли билан олий ўқув юртларинро илмий

кутубхонага айлантириш мумкин. Уларни шу тарзда бирлаштириш ва битта йирик кутубхона биноси қуриш мақсадга мувофиқ. КПСС Марказий Комитетининг 1974 йили қабул қилинган «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва фан-техника тараққиётида кутубхоналарнинг ролини ошириш тўғрисидаги» қарорида оммавий давлат кутубхоналарини шу тариқа марказлаштириш тўғрисида муҳим кўрсатмалар берилган эди. Афсуски, бу муҳим имкониятдан негадир фойдаланилмаяпти. Китоб топиш сарсонгарчилиги эса давом этмоқда... Кўплаб кутубхоналаримиз моддий-техника аҳволи кўнгилдагидек эмас. Уларнинг аксарияти кутубхона учун мосланмаган биноларда жойлашган. Бунинг устига ремонтталаб.

Мана ниҳоят пойтахтнинг Октябрь колхоз бозори ёнида жойлашган Тошкент вилоят кутубхонаси ҳам ремонтдан сўнг ишга туширилди. Бу кутубхонанинг китоб фонди жуда катта эди, у ҳамиша китобхонлар билан гавжум бўларди. Фан ва маданиятимиз ривожига ўчмас из қолдирган таниқли олимлардан тортиб, оддий аспиранту шоир ва ёзувчиларгача бир пайтлар мана шу ажойиб кутубхонада кечган вақтларини фахр ва қониқиш билан тилга олишади. У фақатгина оддий кутубхона эмас, кўплаб кишилар учун ҳақиқий ижодхона эди. Ҳозир бу ерда қанчадан-қанча нодир китоблар сақланмоқда.

Нодир саҳифалардаги чанг

Ҳар бир халқ маданияти эришган ютуқлари ўша халқнинг умуминсоний маданияти хазинасидаги улуши билан ўлчаниши шубҳасиз. Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзма фондини кўздан кечираётиб хаёлимдан шу фикрлар ўтди. Нечоғлик тенгсиз хазина. Нечанеча авлодлар ақл пешаларининг тафаккур зиёси бу китобларнинг ҳар саҳифасидан нур сочиб тургандек. Улуғ алломалар, зуккотаъ шоирларнинг тарих бўронлари остида қўмилиб қолган қалб садоларини, орзу-армонларини бизгача етказган бу китоблар умуминсоният маданиятининг нодир бўлаги, халқимиз маънавий камолотининг кўзгуси эмасми?

Яқинда адабий учрашувларнинг бирида шоир Омон Матжон қизиқ бир гап айтди. Ҳаттоки, ёзузликда, босқинчиликда бутун жаҳонга донғи кетган Чингизийлар бир пайтлар Ўрта Осиёдан фақат дуру олтинларнигина

НАЖОТ ҚУТГАН ДАРЁЛАР

«Новий мир» ва «Помир» журналларининг ташаббуси ҳамда Совет Тинчлик комитети, СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ва Ўзбекистон Оролни асраш комитети ҳамкорлигида уюштирилган «Орол-88» экспедицияси икки ой мобайнида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг тоғ ва саҳролари, абадий музликлар, сув ҳавзаларини кезиб чиқди. Орол тақдири билан боғлиқ жуда кўп қимматли материаллар тўпланди. Экспедицияда иштирок этиб унинг раҳбари, «Новий мир» журнали масъул котиби Г. Резниченко билан Орол сабоқлари хусусида суҳбатлашдим.

— Григорий Иванович, «Орол-88» экспедициясини ташкил этиш фояси қандай туғилган. Унинг ташкилотчилари кимлар?

— «Новий мир» журнали сўнгги йилларда, айниқса кейинги 7—8 йил мобайнида экологияга доир материалларга кенг ўрин берди. Албатта, эълон қилинган бу мақолалар ютуқлардан ҳам, камчиликлардан ҳам холи эмасди. 1980 йили эса бир гуруҳ ёзувчилар, шу жумладан «Новий мир»нинг ижодий ходимлари ва муаллифлари Новосибирскнинг Академиклар шаҳарчаси олимлари билан учрашув ўтказдилар. «Адабиёт ва экологик тафаккур» асосий мавзу қилиб олинган бу тадбирга «ЭКО» журнали ҳам бош қўшган эди. Учрашувни «Новий мир»нинг ўша пайтдаги бош муҳаррир ўринбосари В. Қарпов ва академик Аганбегян олиб боришган, ёзувчилардан Сергей Залигин, Даниэль Гранин, академиклардан В. А. Коптюк, Трофимук ва бошқа олимлар иштирок этишганди. Суҳбат ниҳоятда жиддий кечди, инсон фаолияти билан боғлиқ антропологик ҳаракатлар табиатга етказётган зиён ҳақида, экологик тафаккурнинг оқсаетганлиги хусусида рўй-рост гапирилди.

Ушанда Сибирь сувларини Ўрта Осиёга оқизиш мавзусида ҳам сўз борган эди. Шу лойиҳага ҳисса қўшган «Средазгипроводхлопок» институтининг бош инженери ва бошқа мутахассислар «Сиборол»нинг зарурлигини ёқлаб чиқишган эдилар. Аммо бацилла бактерияларига тўлиб тошган сувдан ичган Ўрта Осиё аҳолисининг соғлиғи, тақдири қандай кечади, ахир Обь ва Енисейнинг суви бу Поми рёки Тяньшань суви эмаску, деган саволларга жавобан улар оғиз ҳам очолмаган эдилар. Лойиҳа, ниҳоятда хом эди. Уша пайтдаги келишувга асосан учрашув материалларини ҳар икки журнал баб-баравар

ёритишга қарор қилгандилар. 1980 йил ёки 1981 йилларда бўлса керак, «ЭКО» журнали материалларни эълон қилди. Аммо тегишли маҳкамалар «Новий мир»га рухсат беришмади.

Шунга қарамай журналда экологияга доир кўпгина мақолалар эълон қилинди. Кейинги уч-тўрт йил ичида эса «Новий мир» Ўрта Осиё жумҳуриятлари ирригация ва мелиорациясининг аҳволи, Сибирь сувларини жанубга оқизиш проблемаларига доир кўпгина чиқишлар қилди. Журналнинг 1987 йилги 7-сониди эса бу мавзуда жуда жиддий, айтиш мумкинки, ниҳоятда кескин мақолалар эълон қилинди. Журнал ҳаммага — Сибирь сувларини жанубга оқизишнинг тарафдорларига ҳам, бу лойиҳа мухолифларига ҳам сўз берди. Ва бу борадаги чиқишлар жуда катта тўлқин бериб кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Муҳарририят иттифоқимизнинг деярли барча бурчакларидан шу мавзуда минглаб хатлар олдди. Уларнинг аксарияти Ўрта Осиё регионининг истиқболи, Сибирь сувларини жанубга оқизишнинг чала ўйланганлигига доир жўшқин мулоҳазалардан иборат эди. Шундан сўнг «Звезда Востока» журнали «переброска»ни ёқлаб анча фаол чиқишлар эълон қилди ва ўз ўқувчиларига бошқа қарама-қарши вариантларни ҳам таклиф этмай масалага бир томонлама ёндашди. Аслини олганда мана шу вазият «Новий мир» ни ушбу экспедицияни ташқил этишга ундади. Инчунин шундай таклифлар газетхонларнинг мактубларида, Тожикистондан борган хатларда ҳам илгари сурилган эди. «Новий мир» ва «Помир» журналлари редакциялари бу ғояни муҳокама этиб тезда бир қарорга келишди. Бизнинг журнал редакциясида учрашганимизда Сергей Залигин, Мўмин Қаноат бизнинг бош муҳаррир ўринбосаримиз ва мен экспедициянинг мақсад-вазифалари, программасини ойдинлаштириб олдик. Уша суҳбатдаёқ муаммони кенг доирадаги мутахассислар — ёзувчилар, публицистлар; эколог ва музшунослар, шифокорлар, социологлар, сув ҳўжалиги мутахассислари иштирокида чуқур ўрганиб, экспедициянинг натижалари ҳақида кенг жамоатчиликка, Бутуниттифоқ журналхонларига ҳалол ва ошкора сўзлаб беришга қарор қилдик.

— Сизнинг меҳнат ва ижод фаолиятингиз кўп жиҳатдан Ўзбекистон билан ҳам боғлиқ. Бир вақтлар «Комсомолец Узбекистана» газетасида бош муҳаррирлик қилгансиз. Ҳаёт ва ижод йўлингиз ҳақида сўзлаб берасизми?

— Бажону дил! Ҳақиқатдан ҳам Ўрта Осиё, айниқса

Ўзбекистон мен учун қадрдон юрт. Мен бу жойда ўн йилгача яшаганман. Тошкентга эса 1955 йили, Запорожье қурилиш техникумини битириб келганман. Уч йилча Тошкент қурилишларида, 152-трестнинг 5-қурилиш бошқармасида ишладим, механиклик қилдим, трест комсомол комитети котиби бўлдим. Ушанда биз қурувчиларнинг Краснодар кўчасидаги ётоқхонасини ажойиб комсомол ётоқхонасига айлантиргандик. Овқат пишириш, кир ювишдан тортиб, қизил бурчак иши, ҳовлини боғроғларга айлантириш, файзли дам олиш соатларини уюштиришгача ҳаммасини ўзимиз ташкил этгандик. Чамамда 1957 йилнинг бошларида бўлса керак бу ҳақда менинг «Ташкентская правда» газетасида дастлабки мақолам босилган эди. Агар таъбир жоиз бўлса бу ижодимнинг бошланиши эди. Кейин ҳам шу газетага комсомол турмушига доир кўпгина мақолалар ёздим. Уша йиллари комсомол-ёшлар Қозоғистон қўриғига ғалла ўрим-йиғмига ҳам бориб туришарди. Бир гал шундай сафарбарлик эълон қилинаётганда негадир (эҳтимол трест комсомоллариға етакчи бўлганим учундир) мени рўйхатга ёзишмаган экан. Кечагидай эсимда, Октябрь район комсомол комитетиға келиб мен ҳам бораман деб туриб олганман. Ва ўшанда мени райком инструктори Евгений Клемёнов қўллаб-қувватлаган эди. (Биз кейинчалик у билан дўстлашиб ҳам кетдик). Жамбул вилоятининг «Туркистон» совхозида тўрт ой комбайнчиға ёрдамчи бўлиб ишладим. (Тошкентлик Борис Смирнов комбайнчи эди). Тошкентдан борган юз ишчи ва икки юз студентнинг ҳаммаси беш кишидан иборат группаларға бўлинган ҳолда кечаю кундуз далада ётиб ғалла ўрар ва йиғиштирардик.

Ушанда мен эски ҳисобда олти минг сўм пул ва бир тонна ғалла ишлаганман. Ғалланинг қвитанциясини Украинаға, онамға юборган эдим. Онам шунча ғаллани олиб суюнган экан.

1957 йилнинг март ойида мени Тошкент шаҳар комсомол комитетиға, ишчи ёшлар бўлими инструкторлигиға таклиф этишди. Жамоатчилик ишиға шўнғишға, матбуотда мақолалар билан чиқиб туришға тўғри келди. Уша кезларда, кейинроқ бориб Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ташкилий бўлимида инструктор бўлиб ишлаган йилларимда ҳам тез-тез пахта теримига чиқарлик, ойлаб ҳашарда бўлардик. Мен энг кўпи билан бир кунда 65 килограммгача пахта терганимни эслайман. Қўриқдан қайтган йилим Тошкент қишлоқ хўжалигини

ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг кечки бўлимига ўқишга киргандим. Бир йилча ўқидим, ҳамма имтиҳонларни яхши топширдиму, аммо негадир математикадан ҳеч ўтолмадим. Уч марта топширсам ҳам бўлмади. Негалигини тушунолмаيمان... Кейин Тошкент политехника институтининг кечки бўлимига ўқишга кирдим. Бухоро вилоят комсомол комитетига котиб қилиб сайлашгач, институтнинг қолган уч йилини сиртдан битиришга тўғри келди. Ушанда Бухоро — Урал газопроводини қуришга киришилаётган йиллар эди. Мен ана шу Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишининг штаб бошлиғи сифатида Газлидан Сазғоқли ва Устюртгача бўлган трассада тез-тез бўлардим. Табиийки, амалга оширилаётган ишлар ҳақида газеталарга мақолалар ҳам ёзиб турардим. Эҳтимол ўшанда менинг ижодий ишга лаёқатимга баҳо беришган бўлсалар керак, кўп ўтмай «Комсомолец Узбекистана» газетасига муҳаррир қилиб тайинладилар.

Комсомол ишидаги тажрибаларим ёшлар газетасига раҳбарлик давримда ҳам анча қўл келди. Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштириш авж олиб кетган ўша йилларда шу мавзуда Тожикистон, Қирғизистон, Қозғистон ва Туркменистондаги ёшлар газеталари билан биргаликда байналмилал номерлар чиқарганмиз...

1964 йили мени яна комсомол ишига, бу гал ВЛКСМ Марказий Комитети аппаратига таклиф этишди. Сўнгра бир йил «Техника молодёжи» журналининг бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишладим. Канада ва АҚШда намойиш этилган совет ёшлари кўргазмаси бош директорининг ўринбосари ҳам бўлдим. Америкаликларда жуда катта қизиқиш уйғотган, салкам бир миллион киши келиб кўрган бу кўргазма давридаги чет эл саёҳати менга жуда кўп нарса берди. Хориж одамлари ҳаётини ўргандим, ўнлаб очерклар ёздим ва шу асосда «Сўнгги америкаликлар» деган китоб нашр эттирдим.

Америкадан қайтгач, бир йилча ТАСС да ишладим, сўнгра эса «Новый мир» журналининг публицистика бўлимига келдим. Ушанда А. Сахнин шу бўлимни бошқарар, Сергей Наровчатов эса журналнинг бош муҳаррири эди. Кейинроқ публицистика бўлими мудир, 1981 йилдан бошлаб эса журналнинг масъул котиби бўлиб ишляпман. Китобларимни биласиз... Мен юқорида «Комсомолец Узбекистана» газетасига муҳаррирлик қилган йилларда қўриқ ерларни ўзлаштиришга бағиш-

лаб қўш саҳифалар, байналмилл номерлар чиқсрганимизни айтдим. Гапнинг рости, мен ўшанда 25 йил ўтиб яна қўриқ ерлар мавзуси билан шуғулланишимга тўғри келар, деб ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган эдим. У пайтда барча ишлар урра-уррачилик асосига қурилган эди. Нафақат, бизнинг газета, ҳатто партия газеталари ҳам ўлкада кечаётган жараёни баландпарвоз шиорлар руҳига тўлиб-тошган ҳолда акс эттирар эди. Биз табиатнинг остига ўшандаёқ динамит қўйилаётганини, ҳатто тасаввур ҳам этолмаган эдик. Уша динамитлар мана бугунга келиб портлай бошлади. Биз маъмурий-буйруқбозликка асосланган экстенсив иқтисодий сиёсат нималарга қодирлигини, қандай фожиаларга олиб келиши мумкинлигини мана бугун англаб турибмиз. Энди ёзувчилар, публицистлар, олимлар зиммасига кўзни каттароқ очиб аҳволга рўй-рост баҳо бериш, юз берган таҳликали вазиятдан қутулиш йўлларини излашдек маъсулиятли вазифа турибди.

— «Орол-88» экспедициясидан аввалроқ Ўзбекистон ёшлари «Ёш ленинчи» газетасининг ташаббуси билан Амударё бўйлаб Орол денгизига қадар «Жайҳун-88» экспедициясини уюштирган эдилар. Жайҳун юриши қатнашчилари сув ва ер ресурсларидан талон-торожларча фойдаланиш, тўқайларнинг барбод этилиб экинзорларга айлантирилганлиги, заҳарли моддаларга тўйинган коллектор-зовур сувларининг дарёга оқизиб қўйилганлиги, одамлар ичадиган сувнинг сифати чидаб бўлмас даражага етганлиги хусусида жуда ташвишли фактларни аниқладилар. Бу маълумотлар жумҳурият комсомоли Марказий Комитети ва Оролни асраш комитетига берилди. Аммо шундай қимматли маълумотлар мутасадди органларни ташвишга солгани йўқ. Мана «Орол-88» экспедицияси қатнашчилари ҳам муайян вақт ўзларининг қимматли ишларидан кечиб, қанча маблағ ва куч-ғайрат сарфлаб Ўрта Осиёнинг тоғ ва музликларида, чўл ва саҳроларида, Орол ва Каспийнинг қуриган тубида кезиб юрибди. Бу улкан фидойилик! Аммо ноқулайроқ бўлса ҳам шундай савол бермоқчиман: экспедициянинг иш якунларидан бирон натижага эришишга кўзингиз етадими?

— Аввало, Орол муаммосини, жаннатмакон ўлкангизнинг экологик ташвишларини ўрганишда биз ёлғиз эмаслигимиздан мамнунман. Бунга яхши айтдингиз, биз кўрган ва билганларимиз, аниқланган маълумотлари-

миз моҳиятини мушоҳада этиб ўз ишимизга якун ясаётганимизда албатта «Жайхун» экспедицияси маълумотларини ҳам ҳисобга оламиз. Бу экспедицияни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз. Натижага эришиш масаласи эса, бу кенг жамоатчиликнинг фаол мададига ҳам боғлиқ. Экспедиция ўн километр масофани босиб ўтди. Автомобилларда, самолётларда, сув транспортида Ўрта Осиёнинг қанчадан-қанча сарҳадларини бориб кўрдик. Тоғ ва музликларда, обод воҳаларда, чўққиларда, Афғонистон ва Хитой чегараларига туташ денгиз сатҳидан 3—4 минг метр баланддаги Мурғоб ва Олой водийларида, Қизилқум ва Қорақум қўйнида, Орол устида, Борса-келмас оролида, денгизнинг шўр ва туз қўчиб ётган, даҳшатли тўзонлар куч олиб, еру-қўкка заҳар сочаётган қуриган тубида бўлдик. Қаерда бўлмайлик, йўлда ё меҳмонхоналарда, жумҳуриятлар, вилоятлар ва районларнинг юқори партия ташкилотларида, илмий ва ижодий муассасаларида бўлиб ўтган учрашувлар, давра суҳбатларида, баҳс-мунозараларда Ўрта Осиёнинг бугунги аҳволига донр аниқланган жуда қимматли маълумотларимизни рўй-рост ошкора муҳокама қилдик. Қорақум, Аму-Бухоро, Қарши магистраль каналлари, Туямўйин, Чордара каби сув омборлари, ҳозир жадал қурилаётган Тошовуз канали, Арнасой ва яна дарёлардаги сувни ҳам заҳарлаётган жуда улкан коллекторлар устидан учиб ўтдик. Махсус жиҳозланган самолётлар сувнинг қандай исроф бўлаётганини суратга олиб, унинг хариталарини тайёрлаб берди.

Экспедиция ўз ишини ниҳоясига етказган 28 октябрь куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган давра суҳбатимизда икки ойлик саёҳат натижаларига дастлабки якун чиқарилди. Ниҳоятда кескин мулоҳазалар ўртага ташланди. Бизни ташвишга солган, қалбимизда даҳшат уйғотган нарса бу — Ўрта Осиё аҳолисининг ўзи яшаб турган жойнинг ҳақиқий аҳволи, суви, ҳавоси, таркиби, хатарли касалликлари, болалар ва аёллар ўлими ҳақида дурустроқ маълумотга эга эмаслиги, ҳақиқий аҳвол — нохуш экологик манзара халқдан пинҳон тутиб келинаётгани бўлди. Аҳвол чиндан ҳам таҳликали. Биз аввало ана шу ҳақиқий вазиятни ҳаммага рўй-рост айтмамиз. Юз берган норасоликлардан кенг жамоатчиликни воқиф этамиз. Экспедиция қатнашчиларининг таассуротлари «Новий мир» ва «Помир» журналларида баббаравар эълон қилинди. Улар сўнгра жамланиб «Мисль наш-

риётида «Бумеранг» номи билан китоб ҳолида чоп этилади. Экспедиция қатнашчилари сафида иш олиб борган Марказий телевидениенинг «Экран» ижодий уюшмаси яратган фильм Марказий телевидение орқали намойиш этилади. Бундан ташқари, 21—25 ноябрь кунлари Москвада ўтган Орол кунларида экспедиция қатнашчилари иштирокида Орол юриши натижаларини маълум қилдик. Биз ана шу натижалар асосида Оролни асраб қолиш ва региондаги аҳволни соғломлаштириш юзасидан ўз таклифларимизни ҳукумат органларига тақдим этдик.

Ҳозирдан айтишим мумкин: аҳвол ниҳоятда оғир. Лекин, шунга қарамай ҳисоб-китобларимизга кўра Оролни асраб қолиш, унинг сатҳини нормал ҳолга келтириш мумкин. Фақат уни чучмал тадбирлар, сохта ватанпарварликлар, номига жон куйдиришлар билан сақлаб бўлмайди.

Оролни жасорат, истеъдодга йўғрилган режаларгина сақлаб қолади.

— Экспедиция аъзолари Оролнинг ҳалокати сабаблари билан яқиндан танишдилар ёки бошқача қилиб айтганда «воқеа содир бўлган жойда» бўлдилар. Албатта бу экологик фалокатнинг конкрет айбдорларини ҳам биладилар. Самарқандда эндигина ўн саккиз ёшга кирган сотувчи қиз харидор ҳақидан 13 сўм уриб қолганлиги учун икки ярим йилга озодликдан маҳрум этилди. Бутун бир денгизнинг қуришига сабабчи бўлган, халқ ва давлатнинг миллиардлаб сўм маблағларини совурган, минг-минглаб болалар ва аёлларнинг ёстиғи қуришига, хатарли касалликлар туфайли умри ҳазон бўлишига олиб келган хўжасизликнинг айбдорлари эса ҳамон «денгиз чиройли ўлаверсин дея», ялло қилиб юришибди. Улардан ҳеч бўлмаса бирортасининг озгаки жазо олганини биласизми? Очигини айтганда, мен Орол тақдирига ўхшаш жиноятларнинг такрорланмаслигига ишончли кафолат бор деб айтолмайман...

— Жуда мураккаб савол. Негаки, Оролни қуритганлар бир ёки икки киши эмас. Ўнлаб, юзлаб, минглаб одамлар. Шу боисдан, гарчи улар айбдор бўлсаларда жазолаш назаримда, гўллик бўлур эди. Энди нима десам экан, бу менинг фикрим. Эҳтимол, бошқалар бошқача ўйлар. Оролнинг қуриши, бу — инсоннинг ўйламай қўйган қадами. Биз Горькийнинг — «Инсон қўли билан яратилган иккинчи табиат биринчи табиатдан гўзалроқ»

дир» деган сўзларини ҳам қайта кўриб чиқишимиз зарур. Менимча, Горький яшаган даврда инсон атропоген ҳаракатлар табиатга етказадиган жароҳатлар ҳақида ўйлаб кўрмаган эди. Мичурин ҳам: «Биз табиатдан инъом кутмаймиз. Бизнинг вазифамиз — ундан олиш-дир» деган эди. Кўряписизми, буларнинг ҳаммаси қачондан бошланганини! Сталиннинг «Табиатни ўзгартиришнинг буюк режаси» сингари ғоялари ҳам антиэкологик тафаккурнинг авж олишига сабаб бўлди. Аслини олганда бош айбдор маъмурий-буйруқбозлик системаси. Албатта, бу системанинг ўз паровозлари бор. Улар ҳозир ҳам амал отида туриб экстенсив иқтисодий сиёсатни давом эттирмоқдалар. Шарқона ифода этадиган бўлсак бу «эшагидан тушови қиммат» иқтисодиётдир. СССР сув ҳўжалиги вазирлиги янги ер очиш учун ҳар қандай маблағни жон деб ажратса-да, аммо бугун ҳам олаётган сувининг деярли ярми исроф бўлиб кетаётган эски суғориш системаларини таъминлашга эса тийин ҳам сарфламай келди.

Хўш, бизда ҳар қандай бошқа мамлакатдагидан кўра кўпроқ темир рудаси, нефть ва газ қазиб олинаётганидан нима наф? Биз АҚШ га қараганда станоклар, тракторлар, комбайнларни ҳам кўп чиқарамиз. Биздаги қурилишларнинг ҳисоби йўқ. Маълумотларнинг кўрсатишича уларнинг ҳар бирига ўртача ўн иккитагина ишчи тўғри келади. Мана, пахта хом ашёси етиштириш ҳам ҳозир мамлакат бўйича саккиз ярим миллион тоннага етди. Хўш, бу миллионлар қандай меҳнат эвазига вужудга келди (унинг баҳоси борми ўзи?) ва нима учун. Сахардан шомгача заҳмат чекиб, пахта етиштирган деҳқоннинг турмушига ҳам бир боқинг!.. Фарғона водийси деҳқонининг кундалик таоми — нон-чой, гуруч овқат, ёзда эса узум ва қовун-тарвуз қўшилади. Шолини пахта каби якказироатга айлантирган Қизил Ўрда вилояти аҳолиси эса сабзавот ва картошкани ўртача иттифоқ меъёридагидан ўн баравар кам истеъмол қилади...

Мен «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Табиат зугумни кечирмайди» ҳамда «Московский новости»да эълон қилинган «Орол: чанқоғи пахта билан босилган денгиз» мақолаларимда айтганимдек Орол бўйида юз берган табиий-экологик фалокат учун бутун масъулият маъмурий-буйруқбозлик системаси зиммасига тушади. Албатта бу система ва унинг иқтисодий аппарати ўз паровозларисиз юра олмас-

ди. Сувни ўннга ҳам, чапга ҳам бўлиб бераверган СССР Сув хўжалиги вазирлигининг ўша пайтдаги раҳбари Евгений Алексеевский узоқ вақт шундай паровоз ролини бажариб келди. 1979 йилда эса унинг ўрнини Николай Васильев эгаллади. Афсуски, уларнинг бирортаси ҳам Орол фойдасига юз бурган эмас. Аксинча, шу вазирликнинг қўллаб раҳбарлари, Пўлатзодага ўхшаш «билагон»лари «Орол чиройли ўлаверсин» дея денгизнинг мотам садоларига «қарсак чалиб турдилар».

Маъмурий-буйруқбозлик системасининг бугун эл олдида жавоб бериши шарт бўлган чиновниклари, бюрократлари мана шулар. Эҳтимол, Орол фожиасининг конкрет айбдорларини топиш мумкин ва зарурдир. Модомики на экспедициямиз, на жамоатчилик ҳар ҳолда судлов-ҳуқуқий органи эмас экан биз бу одамларни фақат жамоатчилик суди билан айблашимиз, уларнинг иши, кирдикорлари, фаолиятига нисбатан танбеҳ беришимиз ва яна улар ўз мансабига нолойиқ эканини ҳис қиладиган даражада айблашимиз мумкин. Ҳа, мен гарчи Орол фожиаси учун тик туриб жавоб бериши лозим бўлганларни сўроқ қилишга қақирмаётган - бўлсам-да очиги, ҳеч бўлмаганда бирорта вазир, биронта мутахассиснинг истеъфога чиқмаганига ҳайронман. Аслида эса улар аллақачон ўртоқлар мен энди ишлай олмайман, мана олинглар вазирлик креслосини деб айтиши керак эди. Афсуслар бўлсинки, ўз амал курсиси, партбилетидан кечадиган бирорта одам топилмади. Ҳеч ким ўз айбига иқроор бўлишни истамасди, буни англаб ҳам етмади. Фақат афсус қилиш мумкин, холос. Ахир биз онгли одамлармиз-ку, нима қилаётганимизни ўйлаб кўришимиз, мушоҳада этишимиз зарур эди-ку...

Наҳотки, ўша Васильев нималар бўлаётганини неча марта лаб кўрмаган бўлса...

Қизиқ, мен ҳозиргача бир вазиятга тушунолмайман: «Правда» газетасида бир қанча академиклар ва фан докторларининг Волга-Чоғрай канали қурилишига қарши хати эълон қилинди. Мамлакатга машҳур олимлар — академик Яншин, ФА мухбир аъзоси Котляков ва бошқалар бу канал Қалмоқ АССРдаги чўлларни барбод қилишини исботлаб беришган. Ҳақиқатан ҳам шундай: бу каналнинг фойдасидан зиёни кўп. Ер издан чиқади. Қурилиш эса бошлаб юборилди. Олимлар эса ҳамон каналга қарши чиқишлар қилишмоқда.

Хўш, нима бўляпти, ўзи? Сув хўжалиги вазирлиги

рахбарлиги; мутахассислари олимларнинг гапига қулоқ тутишадими ёки йўқми? Хўш, қачонгача бу вазирлик ўз қарамоғида бўлган ва фақат ўз йўриғига юрадиган тор доирадаги мутахассислар ҳулосаси билан иш кўради? Афсуски, ҳали Орол тақдири, Ўрта Осиёнинг жаннатмакон ерлари бой берилганлиги сабоқ эмасга ўхшайди.

— Экологик фалокатдан беҳуда азоб тортаётган Орол бўйи аҳолиси айбдорларни судга беришга ҳақлидирларми?

— Менимча, ҳақлидирлар! Биз экспедиция мобайнида сув, сувдан фойдаланиш, суғориш маданияти масалалари билан бирга ижтимоий ва демографик (ва шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш) муаммолар, фаннинг уларга муносабати масалаларини ҳам ўргандик. Ва шунга амин бўлдикки, Орол бўйи аҳолиси инсон фаолияти билан боғлиқ фалокатнинг жабрини тортмоқдалар. Хўш, бу атайлаб қилинганми? Йўқ, бундай дейиш шубҳалироқ назаримда. Сабаби, инсон ўз ҳузур-ҳаловати йўлида табиатга кўп ҳолларда истеъмолчилик нуқтаназаридан ёндошиб келган. Орол масаласида ҳам биз шу нарсанинг ҳунук манзарасини кўриб турибмиз. Бу денгиз бўйида яшовчи қорақалпоқлар, қозоқлар, ўзбеклар, туркманлар ва бошқа халқлар Оролнинг қуриёзгани оқибатида жуда ҳам ноқулай шароитларда яшашга мажбур бўлмоқдалар. Улар ичаётган сув турли нитратлар ва заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланган. Натижада бу жойда касалликлар анча ошиб кетган: рак ўн баробар, ошқозон-ичак, жигар касалликлари, саргайма, болалар ўлими бир неча бор кўпайган. . . Илмий-тадқиқотлар асосида шу нарса тасдиқландики, Орол бўйида санитария-эпидемиология шароитларини мураккаблаштираётган нарса фақатгина деҳқончиликда ишлатилган заҳарли моддалар ва минерал ўғитларнинг сув билан оқиб келаётганигина эмас. Шу билан бирга эндиликда Оролнинг қуриган тубидан кўтарилаётган тузлар бу заҳарли моддалар билан қўшилиб хасталикларни кучайтирмоқда. Амударё билан Сирдарёнинг ўрта оқи-мидаги аҳолига нисбатан Орол бўйида яшовчи аҳоли орасида касалликларнинг 3—4 баробар кўплиги бунинг яққол далилидир. Бу ернинг аҳолиси Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидаги аҳолига нисбатан жуда ночор аҳволда яшайпти. Шунга қарамай бу ерда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш жуда ночор аҳволда. Қасалхоналар, врачлар, педиатрлар, дори-дармонлар, медицина асбоб-

ускуналари етишмайди. Шундай бир шароитда врачларнинг пахта теримига жалб этилганига нима дейсиз? Нафақат биз кўрган Хўжайли ёки Ғузорда, ЎзТАГ хабар берганидек Сирдарё ва бошқа жойларда ҳам медицина ходимлари пахта теряптилар. Ахир, уларнинг ва-зифаси даволаш-ку! Афсуски, ўқувчиларнинг ҳам йиғим-теримга жалб этилаётганлиги ҳолларини кўрдик. Ҳолбуки, жумхурият партия ва ҳукуматининг врачлари, мактаб ўқувчиларини йиғим-теримга жалб этишни таъқиқловчи қарорлари бор...

Туркменистонда эса ўқувчилар пахтага ёппасига олиб чиқиляётганини кўрдик. Нима бўляпти, ўзи? Яна эски ҳаммом, эски, тосми? Биз Қашқадарёдан Сурхондарё вилоятига ўтаётиб Деҳқонободнинг Қизил Байроқ деган қишлоғида тўхтадик. Оролдан узоқ тоғ шароитида одамлар қандай яшайтган экан, болалар қандай ўқишяпти, деган ниятда қишлоқ билан яқиндан танишдик. Мактаб авария ҳолатида, деворларида катта-катта ёриқлар... Пахсалар қулаб тушяпти. Қишлоқда 1,5 минг аҳоли истиқомат қиларкан. Қишлоқ фельдшери, Афғонистонда хизмат қилиб яраланиб қайтган Асад Шодиевнинг айтишича, бу қишлоққа ҳар кварталда жон бошига атиги 7 тийиндан тўғри келадиган дори-дармон ажратилар экан. Шароит эса оғирдан оғир, ҳатто ичимлик сув бу ерда ҳам шўр... Одамлар мана шундай бир аҳволда, паст савияли табиий хизмат ва ночор турмуш шароитларида яшашяпти. Региондаги экологик аҳволни соғломлаштириш юзасидан партия ва ҳукумат қарор қабул қилганлиги яхши бўлди. Аммо у бажарилмай қоладими, деб кўрқаман. Очиғини айтсам қарорда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида амалга ошишига унчалик ҳам ишонмайман. Сабаби, бизда қанчадан-қанча қарорлар бор. Одатда уларнинг ярми ёки учдан бири бажарилади. Масалан, Байкал кўли бўйича олти ёки саккиз марта қарор қабул қилинган...

Оролга доир қарорнинг бажарилиши СССР халқ контроли комитетига топширилди. Бу яхши-ю, лекин негадир яна ўша маъмурий-буйруқбозлик системасининг иш услубини эслатади. Аслида Орол учун ҳаммасидан ҳам кўпроқ ягона хўжайин зарур. Бюрократлар эса албатта бунга йўл қўймаслик учун тиришадилар.

Яна саволингизга қайтамыз. Хўш, Орол бўйи аҳолиси кимга даъвогар бўлиши керак? Албатта кимнинг касридан азият чеккан, зарар кўрган бўлсалар, ўшандан та-

лаб қилишлари лозим... Менинг назаримда булар — СССР Суь хўжалиғи вазирлиги, Агросаноат давлат комитети, Минерал ўғит ишлаб чиқариш вазирлиги ва яна СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам. (Албатта, шу тармоқларнинг жумҳурият вазирликлари ҳам.) Соғлиқни сақлаш вазирлигини эса озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида йўл қўйилиши мумкин бўлган заҳарли моддалар нормасини — ПДК ни қайта-қайта кўриб чиқиб, йил сайин миқдорини ўзгартириб келаётганлиги, бу билан одам организмига сув, ҳаво ва овқат орқали ўтаётган заҳарли моддаларнинг кўпайишига йўл қўйиб келаётганлиги учун айблаш керак. Бу ўринда ўз жумҳурияти аҳолисининг соғлом турмуш тарзи учун манфаатдор бўла туриб, бунинг учун етарли даражада қайғурмаётган, жумҳурият Олий Совети ва вазирлар Советини ҳам эсда тутиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, Орол бўйида юз берган фалокатни жуда кучли зилзилагагина қиёс қилиш мумкин. Газли, Тошкент, Қайроққум зилзилаларини эсланг. Дарров ҳукумат комиссиялари тузилган эди. Орол бўйида ҳам шундай комиссия тузилиб, ҳукуматнинг бахтсиз ҳодисалар учун кўзда тутилган маблағидан муайян қисмини бу ердаги ҳаётни изга солиш учун ажратиш лозим эди. Орол бўйи аҳолиси мамлакатнинг ҳамма жойидагидек барабар турмуш шароитлари яратилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

— Мени ҳаминша чуқур ташвишга соладиган бир савол бор. Жамиятнинг жуда кўп чигал масалалари — у хоҳ экология, хоҳ тил муаммолари бўлсин, хоҳ бутифосни таъқиқлаш ёки айтайлик, болалар ўлими, аёллар ва ўқувчилар меҳнатини эксплуатация қилиш муаммолари бўлсин, энг қизғин мунозарага биринчи бўлиб ёзувчилар киришадилар, биринчи бўлиб норозилик билдирадилар. Аммо шунга қарамай яқин вақтгача ҳатто Орол масаласи бўйича ҳам ошкоралик камёб эди. Жамиятнинг шунга ўхшаш у ёки бу долзарб муаммосини кўтариб чиққан ёзувчиларни эса экстремизмда, миллатчиликда, маҳаллийчиликда айблашади...

— Бу ҳол билан асло мураса қилиб бўлмайди. Ёзувчилар — бу, халқнинг виждони. Ижод аҳлига ёзувчилар, публицистлар, журналистларга ишониш керак. Улар ҳеч вақт ўзларининг шахсий манфаатларини, ҳузур-ҳаловатларини ўйлаган эмас. Ҳатто бу борада ҳам улар анчайин сабрли ва чидамлидирлар. Лекин улар қувғинга, тазийқ-

қа учраб келгани ҳаммага маълум. Агар Сталин даврини эсласак, қанчадан-қанча соф виждонли, ростғўй, ажойиб ёзувчилар, публицистлар ва шоирлар йўқ қилинмади? Мана рақамлар: ўша даврда биргина Москванинг ўзидан 429 ёзувчи қамоқхоналарда ўлиб кетди.

Агар ҳозир ҳам ёзувчи фикрига нисбатан тазйиқ ўтказувчи одамлар бўлса, демак бу ўша йилларнинг ва айниқса турғунлик даврининг акс-садосидир. У даврларда муайян меъёрдан четга чиқиб бўлмасди.

Кўп йиллар мобайнида бизда фикрлар ранг-баранглиги, (плюреализми) йўқ эди, ҳамма бир хил фикр билан яшади. Масалан, Хрушчев қандай айтган бўлса, тўғрими ёки нотўғрими, барибир шундай бўлиши керакдай! Агар Пастернак асарларини босманглар деган бўлса, демак босмаслик керак, акс ҳолда давлат манфаатларига зиён етиши мумкин. . . Мана яқинда Пастернак эълон ҳам қилинди. Хўш, у бирор зиён келтирдими? Йўқ!

Оролни, ўлканинг шу сингари бошқа экологик, ижтимоий-маънавий муаммоларини кўтариб чиққан ёзувчиларни биз ҳамма вақт ҳимоя қилишимиз керак. Бу ҳеч қачон экстремизмга кирмайди. Атрофда рўй бераётган норасоликларга нисбатан норозилик овозларини бошқа нарсаса йўйиш калтабинликдир. Ёзувчини экстремизмда айбламоқ учун ҳам фақат экстремист бўлмоқ керак. Очиғини айтганда, бундай кимсалар бурнидан баланддаги ҳеч нарсани кўра олмайдиган одамлардир.

— Шу фикрни давом эттирмоқчиман. Сиз раҳбар бўлган экспедиция Тошкентга келганида ЎзТАГ мухбири Хисомов Бўстонлиқнинг курорт зонасида йирик завод қурилишига қарши чиққан Ўзбекистоннинг айрим ёзувчилари экспедицияни чалғитдилар, завод қурилаётган жойни кўрсатаётиб нотўғри маълумотлар бердилар, деб ёзди. Сизнинг ўринбосарингиз, «Помир» журнаlining бош редактори Маъсуд Муллажонов эса ўша кунёқ «Тошкент ҳақиқати» газетаси орқали ЎзТАГ мухбирининг бу уйдирмасига қарши раддия билан чиқди. Орадан икки ҳафта ўтиб СССР Асбобсозлик саноати вазирлиги маҳаллий аҳоли ва ёзувчилар, олимлар, кенг жамоатчиликнинг бу ерда завод қурилишига қарши норозиликларини ҳисобга олиб қизғин тус олиб кетган мунозарарага юқорида айтилганидек ёзувчиларни экстремизм, миллатчилик, маҳаллийчиликда айблаётган можароларга чек қўйди. Бўстонлиқда завод қурилмайдиган бўлди. У ердан энг сўнгги экскаватор ҳам олиб чиқиб кетилди.

«Орол-88» экспедицияси ишига халақит берадиган, шундай тўсиқлар, фитналар бошқа жойларда ҳам бўл-дими?

— Йўқ, эслай олмайман. Фақат Қашқақдарёга бораё-тиб вилоят ижроия комитети раиси ўринбосари Ҳ. Нуруллаевга икки кун аввал Бухородан телефон қилиб экспедициянинг Қашқақдарёдаги программасини ва йўлда Шаҳрисабз массивини кўрсатишни ҳам илтимос қилгандик. Ваъда беришди. Бу массивга қизиққанимизнинг боиси Бухоро вилоятидаги Ўрта чўл массивида бўлганимизда Шаҳрисабз массивининг ҳам шунга ўхшаш ҳосилдорлиги кам ерлари аянчли аҳволдалигини эшитгандик. Ўртачўл ва Маликчўлни ўзлаштириш учун 235 миллион сўм маблағ сарфланган. Даромадни қўя туринг, ҳозиргача кўрилган зарарнинг ўзи 61 миллион сўмни ташкил этади. Бу ерда пахта экишади. Одамлар эса жуда камбағал, ночор аҳволда яшашяпти, уйлари қулаб тушай деб турибди. Ичимлик сув ташиб келтирилади. Озиқ-овқат таъминоти ҳам ёмон, ўртачўлликлар Шаҳрисабз массивини ҳам шу аҳволда дейишади. Бу ёрга одамлар вахта усулида келиб ишлаб кетишади. Вахта усулини мен маъмурий-бўйруқбозликнинг энг нохуш манзараси сифатида баҳолайман. Қишлоқ хўжалигида бу жуда хавфлидир. Афеуски, у ҳамон давом этапти. Инсон ўз она юртида яшаб, ишлаши керак. Бошқа жойларга вақтинча бориб келиб ишлайдиган одамлардан ҳеч нарса кутиб бўлмайди. Яна бунинг устига улар бундан бирор манфаат кўрмаса! Аристотель инсоннинг яхши меҳнат қилиши учун аввало рағбат керак, деб ёзган эди. Хўш, Ўртачўлу Маликчўл, Шаҳрисабз массивларида ишловчи одамларда қандай рағбат, қандай манфаат бор? Ҳеч қандай!

Биз мана шундай аҳвол билан яқиндан танишиш учун ҳам Шаҳрисабз массивини кўрмоқчи эдик. Аммо вилоят чегарасида (Шу массивга яқин жойда) ўртоқ Нуруллаев билан учрашганимизда, у ҳозир тез обкомга боришимиз зарурлигини, бизни у ерда кутиб туришганини айтди. Массив у ёқдан ҳам узоқ эмас кейин маслаҳатлашиб келиб кўраверсак ҳам бўлади, деди. Аммо шундай бўлиб чиқдики, бизни жудаям кутиб ўтиришгани йўқ экан. Тўғрироғи, бизнинг Қашқақдарё вилояти раҳбарларини анча вақт кутишимизга тўғри келди. Вилоят раҳбари бизга ўз программасини таклиф этди. У экспедицияни уч гурпуага бўлиб, бирини Шаҳрисабз шаҳри,

иккинчисини Ғузор, яна бирини эса Қарши чўлидаги янгидан ўзлаштирилган ерлар томон боришини маъқул кўрди. Биз эса каналлар, сув омборларини, Амударёга тушаётган зовур сувлари, Қорақум ва Қарши каналлари бошланадиган жойларни кўришимиз кераклигини айтдик. Уларнинг таклифини бизнинг программамизга ҳалақит беради демайману, аммо бошқа нарсани — нега бизга Шаҳрисабз массивини кўрсатишмаганини тушунолмайман. Шу тариқа биз у ерни кўролмадик. Мен ҳам кейин оёқ тираб туриб олмадим.

Умуман олганда эса бизга ҳамма жойда яхши ёрдам кўрсатишди. Экспедицияни чалғитишлар бўлгани йўқ. Қасрда бўлишни истасак, хоҳласак асосан ўша жойларда бўлдик.

Бўстонлиқ масаласига келсак ўзбек ёзувчилари завод қурилишига қарши чиқишиб тўғри қилишган. Бўстонлиқ чиндан ҳам табиатнинг энг жаннатмакон, сўлим гўшаси. Сиртдан қараганда экологик мусаффо деб талқин қилинган ҳар қандай ишлаб чиқариш бир кун келиб табиатга таҳлид солади. Хўш, ўша асбоб-ускуналар, аппаратуралар ахир ҳавонинг ўзидан ясалмайди-ку! Механик цехлар, станоклар, катта дастгоҳлар қандай қилиб ҳавони бузмасин. Ана поездни олинг вагонлари топ-тоза дейлик, аммо уни тортувчи тепловознинг тутунини кўрганмисиз. Машиналар-чи — тоза, озода, шинам, моторидан чиқаётган тутун эса одамни ўлдиради. Ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонаси экологик жиҳатдан тоза бўлолмайди. Ўзининг махсус шаҳарчаси бўладиган, яна бунинг устига босқичма-босқич, навбатма-навбат қуриладиган бу завод йирик корхона бўлиши керак ва у атроф-муҳитни ифлосламайди, дейиш гўллик бўлур эди. Ўзбекистон ёзувчилари мана шундан огоҳ этишган, ҳолос. Уларни албатта ҳаво мусаффолиги учун курашда қўллаш керак. Шунинг учун ҳам мен экспедиция Чорвоқда бўлганида завод қурилаётган жойни кўришга таклиф этилганлиги фактидан, кўпол қилиб айтганда, чайқовчилик билан фойдаланиб, уни ўз мақсадига мослаб талқин этишга уринган баъзи бир ўртоқларни ҳеч қувватламайман. Ҳолбуки, бу бор-йўғи атроф-муҳит билан танишиш саёҳати эди.

— «Новий мир» журнали кейинги йиллада В. Селюнин, Н. Шмелеев, А. Нуйкин ва бошқа ёзувчи-публицистлар, иқтисодчи олимларнинг кескин чиқишлари боис ўқувчилар орасида ниҳоятда машҳур бўлиб кетди. Та-

ниқли совет ёзувчиларининг илгари босилмаган асарлари журнал юзини кўрди. Уларни эълон қилишда қийинчиликлар ҳам бўлдимиз?

— Ҳа, қийинчиликлар бўлди. Хусусан, Н. Шмелевнинг «Аванслар ва қарзлар» деган биринчи мақоласини босаётганимизда. У дастлаб журналнинг 1987 йилги тўртинчи сони учун мўлжалланган эди. 1986 йилнинг ноябри арафасида редакция вакиллари СССР Главлитига таклиф этилиб, бундан буён цензура фақат мудофлага, фан сирларига ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларга дахлдор маълумотлар доирасидагина иш кўради дейишиб турғунлик йилларига хос идеологик чеклашларнинг аксарият қисми олиб ташланганини маълум қилишган эди. Аммо шунга қарамай Н. Шмелевнинг мақоласи муносабати билан бизни Главлитга таклиф этишиб узоқ вақт суҳбатлашишди. Биз мақолани барвақт бермаяпмизми, у қайта қуришга зиён етказиб қўймасмикан, деган турли аргументлар қўйилди. Биз бу мақола бизнинг иқтисодиётимиз тараққиёти хусусидаги бор ҳақиқатни ҳалол очиб беради, қайта қуришга асло тўсқинлик қилмайди, аксинча ёрдам беради деб айтдик. Ва назаримда ўз сўзимизда қаттиқ турдик. Главлит барибир босмасликни маслаҳат берди. Биз редакцияга келиб журнал редколлегиясини чақиришни лозим топдик. Редколлегия эса мақолани босиш ҳақида қарор қабул қилди. Аммо, афсуски, Николай Шмелевга билмадим Вазирлар Советиданми ёки бошқа жойданми телефон қилишиб мақолани эълон қилишдан воз кечишни шахсан илтимос қилишган чоғи, у редакцияга қўнғироқ қилиб мақолани босмасликни сўради. У муаллиф, мақолани тўхтатишга ҳаққи бор. Кўряпсизми, бюрократия қай тарзда ишляпти. Бу очикдан-очик қайта қуришга зид ҳаракат. Редакция кўнмагач, бошқача усулни, яъни авторга тайзиқ ўтказиш йўлини топишган. Мақола эса териб қўйилган эди. Очигини айтганда Николай Иванович редакцияга қўнғироқ қилиб мақолани тўхтатишни сўраганда ниҳоятда ажабландик, хайратда қолдик. Ана шундай ҳалол мақолани ёзган одам—уни редколлегия тоғ бўлиб ҳимоя қилиб турган бир пайтда даб-дурустан мақолани тўхтатишни сўраса?! Биз Н. Шмелевни редакцияга келишини илтимос қилдик. Мен масъул котиб сифатида, бошқалар, бош муҳарриримиз ўринбосари узоқ гаплашдик. Николай Иванович мақолани қайта ишлайман ёки у-бу деб турли баҳоналар қилди. Ва сизларга бошқа ҳеч нарса

дея олмайман, дея асл сабабини айтмади, лозим бўлса штраф тўлашга ҳам тайёрман деди... Чиндан ҳам ўша сонни бошқатдан тайёрлашга тўғри келди. Аммо биз барибир бу мақолани босамиз деб умид қилиб турдик ва ҳақиқатдан ҳам яна икки ойдан сўнг Н. Шмелев мақолани бизга қайтариб келди ва биз уни 6-сонда босиб чиқардик. Мана шундай кўнгилсиз ҳоллардан сўнг яна шу каби мақолаларни босишга киришиш қийин кечди. Қайта қуришга қарши бўлган бюрократия ошкораликни тўсиш—бундай мақолаларни орқага суриш учун ҳар қандай имконият топади.

Бюрократия обуна мавсумига тазйиқ ўтказганини ҳам биласиз. Матбуотнинг кенг ўқувчилар оммасига бемалол етиб боришини қийинлаштириш йўли билан уни чегаралаб қўйишга ҳаракат қилинди. Бюрократия матбуот, адабий публицистика қайта қуришга хизмат қилаётганини кўриб турибди ва шунинг учун ҳам унинг йўлига ров солишга, тазйиқ ўтказиб ёлғизлатиб қўйишга жон-жаҳди билан уришиб кўрмоқда. Аслида ҳам Н. Шмелев, Селюнин, Нуйкин ва бошқа муаллифларнинг публицистик чиқишларини ўқиган китобхон бу мақолаларнинг жамиятимиз тараққиёти учун ниҳоятда зарурлигига амин бўлади. Бу мақолалар ҳақиқатан ҳам турғунликдан қайта қуриш сари ёриб ўтишдир.

Б. Пастернакнинг «Доктор Живаго»сига келсак уни босишга ҳеч қандай тўсиқ бўлгани йўқ. У бир неча сонда эълон қилинди. 1988 йилнинг 6-сонига эса бу романнинг ёзилиши тарихига доир жуда катта мақолани ёритдик. Биз журналнинг кейинги сонларида Александр Солженициннинг асарларини ҳам босишга уришиб кўрдик.

Ўқувчилар А. Солженициннинг СССРдан чиқариб юборилганидан ҳам, унинг баъзи асарлари бунга қадар «Новий мир»да босилганидан ҳам хабардор, деб ўйлайман. У бизнинг мураккаб ҳаётимиз, айниқса Сталин репрессияси йиллари ҳақида жуда ҳалол ва ҳаққоний, китобхонга тушунарли тилда кўпгина асарлар ёзган.

Кимдир «Архипелаг Гулаг» асарини (у уч қалин том) ўқишга муваффақ бўлган бўлса билади: гулаг — бу лагерлар бош бошқармаси. Архипелаг эса бутун жамиятдан ажратиб қўйилган одамлар — қамоқхона.

Биласизми, биз Солженицин билан ёзишмалар олиб бордик, телеграмма юбордик. Гарчи бирданига бўлмаса ҳам жавоб олдик. У романнинг уч тоmidан ўттизга яқин

бобларнинг номларини кўрсатиб берди. (Романни тўла-лигича босишимиз эса қийин, жуда катта ва бунга бизнинг имкониятимиз йўқ). Аммо бирданига шарт қўйди: кўпюрасиз, қисқартиришсиз берасизлар, деб. Турғунлик йилларида шундай тажриба ҳам қўлланлар, ёқмаган жойларини цензура олиб ташларди. Ёзувчи кўнмаса асарини олиб кетавериши мумкин эди... Шунинг учун Солженицин бизга ўзи айтган боблардан танлашимизни ва қисқартиришсиз босишимизни шарт қилиб қўйди.

Ва биз журналнинг 1988 йилги 7-сони муқовасида: «Редакция ёзувчилар Гарсиа Маркс ва Александр Солженицин билан мулоқотга киришди» деган хабарни босмоқчи бўлдик. Аммо Главлит бунини олиб ташлади. 8-сонда ҳам шундай бўлди. Ниҳоят, 9-сонда бизга рухсат беришди. Аммо бу вақтга қадар Солженициндан розиликни олиб улгурмагандик. Ундан розилик келган пайтда эса 9-сон босилаётган эди. Унинг сонда бу хабарни берамиз деб турганимизда яна Главлит ўтказмади. Очиги, биз ҳозирча бунини тушунолмай турибмиз. Декабрь ойида эса Александр Солженицин 70 ёшга тўлди. Биз унинг Нобель мукофоти олиш пайтидаги нутқини босмоқчи бўлдик. Яна рад жавоби олдик.

Солженициннинг мамлакатдан чиқариб юборилган дастлабки йиллардаги фаолияти билан кейинги йиллардаги фаолияти ер билан осмонча фарқ қилади. Дастлабки йилларда у бизнинг тузумимизга нисбатан дарғазаб ва дийдаси қотган одам сифатида намоён бўлган эди. Афсуски, унинг сиёсий характердаги баёнотлари жуда кўп бўлган. Кейинги йилларда эса Солженицин бизнинг мамлакатимиз тараққиёти билан боғлиқ масалалар ва проблемаларнинг бирортаси юзасидан ҳам ҳеч бир фикр билдираётгани йўқ, у ҳатто интервью ҳам бермай, телефон трубкасини ҳам кўтармайди. Унинг адабий фаолиятга доир барча ишларини хотини олиб боради, аниқроғи нашриётлар, редакциялар ўртасидаги aloқаларни олиб боради. Адибнинг ўзи эса ёзув столида. Сиёсатга мутлақо аралашмай қўйган. Унинг бизнинг қайта қуришимизга доир муносабатига келсак, у қаердадир, кимгадир бунини маъқуллашини айтган.

Солженицин асарларини босишни мен қилишни мен тўғри йўл деб айтолмайман. Бундай аҳволда бу йўл системага айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Кимгадир ёқса ҳўп, ёқмаса йўқ! Бу хил қараш ошкораликка, қайта қуришга зиён етказиши мумкин. Тўла ошкоралик, тўла

ҳақиқат бўлмоғи керак! Чала ҳақиқат, ярим ошкоралик бўлиши мумкин эмас. Сиз билан биз эса бутун экспедициямиз мобайнида тўла ҳақиқатнинг фақат айрим доиралардагина маълумлиги, халқ учун эса бошқа ҳақиқатлар мавжудлигининг гувоҳи бўлдик.

— Экспедиция сафида ёзувчи ва публицистлардан ташқари олимлар, социологлар, медицина ходимлари ҳам иш олиб боришди. Улар ва шахсан сиз региондаги ичимлик сув сифати, умуман сувдан фойдаланишнинг аҳволидан қаноат ҳосил қилдингизларми?

— Биолог, гидролог, ботаник, геолог олимларимизнинг ҳаммаси сувдан фойдаланишнинг аҳволидан жуда норози бўлдилар. Дарёлардан олинаётган сувнинг фойдали коэффиценти жуда паст. Яъни 0,53, 0,54, 0,60 деган рақамларни таҳлил этадиган бўлсак, у ўртача 10 куб километр сувнинг 5,5 куб километридан фойдаланилишини, қолгани яъни 4,5 куб километр сув эса исроф бўлишини кўрсатади. СССР сув хўжалиги вазирлиги ва Орол бўйидаги иттифоқдош жумҳуриятларда сувдан фойдаланиш самарадорлиги ҳақида айтилаётган гаплар ҳам асло ҳақиқатга тўғри келмайди. Уларнинг фикрича гўё ҳаммаси жойида эмиш. Олинаётган сувдан тўлалигича самарали фойдаланиш борасида ҳеч ким қайғурмаяпти. Қарши, Сурхон ва Шеробод чўлларида сувдан фойдаланиш коэффиценти нисбатан юқорироқ. Яъни, 0,85 фоиз. Бу жойларда ҳам гидрант методи ва шланглардан суғориш каби усулларни янада кенгроқ ёйиш мумкин. Аслида эса регионда суғориш маданиятининг ниҳоятда пастлигига амин бўлдик. Ҳамма иш эскича усулда олиб борилмоқда. Жуда кўп миқдордаги сув тупроқ ва қум ўзанларига сингиб, текисликлардаги сув омборларидан буғланиб йўқолмоқда. Экинга бир қисм сув етиб борапти. Шу тариқа дарёлар сувининг деярли ярми исроф бўляпти. Суғориш меъёри эса узоқ йиллардан бери қайта кўрилмай келяпти. Биз қаерда бўлмайлик, ҳамма жойда ҳар гектар суғориладиган экинга 14—16 кубометр сув сарф қилинаётганини кузатдик. Бу жуда кўп. Бу соҳада ҳам ханузга қадар маъмурий буйруқбозлик усули давом этяпти.

Биз боғлар ва узумзорларда томчилатиб суғоришнинг аҳволи билан қизиқдик. Сурхондарё вилоятида бўлганимизда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг Шредер номидаги бирлашмасига қарашли тажриба-экспериментал даласида бўлдик. Бу ерда эндиgina шу усулни

қўллашга киришиляпти. Деновда ҳам шундай тажриба хўжалигини кўрдик. 109 гектар майдондаги боғ ва узумзорлар томчилатиб суғорилмоқда. Аслида эса региондаги барча боғ ва узумзорларни бу усулда суғоришга аллақачон ўтиш мумкин эди ва 50 фоиз миқдордаги сувни тежаб қолишга эришган бўлардик.

60-йилларда мен «Комсомолец Узбекистана» газетасига муҳаррирлик қилаётган пайтимда «Томчи сув» деган бош мақола ёзган эдим. У пайтда Орол проблемаси, унинг қуриш эҳтимоли ҳақида одамларда тасаввур ҳам йўқ эди. Мен эса сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга чақирган эдим. Эҳтимол шунданми, кўпчилик ҳамкасбларим бу йўқ жойдан проблема ахтаряпти, деган маънода менга ажабланиброқ қараган эдилар... Биз яқинда Амударёнинг Қорақум канали бошланадиган жойида бўлиб, канал трассаси бўйлаб 70—80 километр учиб борганимизда жуда улкан миқдордаги сувнинг саҳро орасидаги юзлаб қўлларда қумга сингиб ҳавога буғланиб исроф бўлаётганини кўрдик. Келиф узбойи деб аталган бу жой ниҳоятда улкан сув буғлатгич вазифасини ўтапти, холос. Аммо шу канал учинчи навбатини лойиҳалаган мутахассислар эса бизга бунни Амударёдан саҳро каналига сув олишнинг энг санъаткорона усули, дея «тушунтириб» беришди. Қаранг-а, қандай санъаткорона усул...

— Тўғрироғи, бу мироблик нуқтаи назаридан ўта кетган саводсизлик, фахмсизлик бўлиб туюлади.

— Бу жойда қачонлардир ботқоқлик бўлган, дейишади. Эҳтимол Амударё бундай сув ютар каналларга бўлинмаган кезларда ўзанига сиғмай оқиб, тошқин сувлардан атрофда шундай ботқоқликлар ҳосил қилгандир. Ахир бугун дарё ўзанининг ярми ҳам сувга тўлмай оқяптику! Шундай бир шароитда аввалгидан беш-олти баравар ортиқча сувни бекордан-бекорга қумга сингдириб ҳавога учуриб юборишдан нима наф? Шу боис биз Қорақум каналидан фойдаланишнинг ўзини экспертизадан ўтказиш зарур, деган фикрга келдик. Ва экспедиция ҳукуматга тақдим этадиган таклифларда шу ғояни ҳам илгари сурамиз. Мен бунни ниҳоятда зарур деб ҳисоблайман.

Баъзи олимлар Оролнинг бошига етган Қорақум канали дейишсада, барибир уни мутлоқ ҳақиқат сифатида қабул қилолмаймиз. Биз объектив бўлишимиз, ҳушёр фикр юритишимиз зарур. Агар Қорақум канали экспер-

тизадан ўтказилса, унинг натижаларини матбуот орқали халққа маълум қилиб, масалага ойдинлик киритамиз. Ушанда Қорақум Оролнинг қанча сувини ичаётганлиги равшанлашади. Ўтмиш хатоларини тузатиш ишига шу тариқа реал ҳисса қўшамиз.

Афсуски, кейинги 20—25 йил мобайнида дарёлардан суғоришга олинаётган сувларнинг оқаваларини экинзорлардан узоқ жойларга оқизиш масаласи ҳал этилмай келди. Ифлос сувлар дарёларга оқизилиб, Қорақум ва Қизилқум қўйнида минг-минглаб катта ва кичик кўллар пайдо бўлди. Натижада унумдор экинзор ерлардаги сизот сувлар сатҳи хатарли даражада юқорилаб, ер юзасига чиқиб кетмоқда. Бундан ташқари Ўрта Осиёда 16 та йирик ва яна бир қанча катта-кичик сув омборлари мавжуд. Айниқса текислик жойларда, чўл ва саҳролар қўйнида қурилган сатҳи юза сув омборлари улкан миқдордаги об-ҳаётни исроф қилиб ётибди. Бизга экспедициямиз охириларида берилган ва бортида махсус геофизика лабораториялари бўлган самолёт бу сув иншоотларини ҳам суратга олди. Демокчиманки, биз тез орада улар қанча сувни исроф қилаётганини аниқлаймиз. Шундан сўнггина фойда билан зиённи тарозига солиш мумкин бўлади.

Шу нуқтан назардан қарайдиган бўлсак, суғориладиган ерларни ҳам тезроқ таъмирламоқ, соғайтирмоқ керак. Агар биз Ўрта Осиёнинг ноёб заминида бебаҳо неъматларни етиштиришни ҳуш кўрсак, унинг сув манбаларини исроф қилмайдиган, ерини бузмайдиган бетон каналлар, новлар, ариқлар қуриш, суғоришни техникалаштириш учун ҳам маблағларни аямаслигимиз керак.

— Сиз «Московские новости» ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарида босилган мақолаларингизда пахта якказироатчилиги ҳақида фикр юритгандингиз. Кўпчилик мутахассислар Оролнинг ҳалокатга юз тутишига пахта якказироатчилиги сабабчи деган фикрда. Сиз бунга қандай қарайсиз? Яна кейинги йилларда фан Орол масаласи билан деярли шуғулланмай қўйганига нима дейсиз?

— Якказироатчилик ҳаддан ошиб кетганлиги ва унинг ҳунук асоратларини ҳеч ким инкор қилолмайди. Ҳўш, бу қандай келиб чиқди? Албатта, СССР Госпланининг «ёрдамида». У йил сайин жумҳуриятдан кўпроқ пахта талаб қилиб келди. Бу талабнинг ижроси билан шуғулланаётган вазирликлар, ташкилотлар, жумҳурият сув ҳў-

жалиги вазирлиги эса осон йўлдан бориб, кўпроқ ер ўзлаштирдилар, кўпроқ сув олиш пайида бўлдилар. Шундай қилишса, давлатнинг миллионлаб сўмини олиш осонроқ бўлади. Албатта, бу ҳам якказироатчиликка олиб келди, ҳам ерни издан чиқарди, ҳам Оролни қуритди. Бундан ҳам баттари кейинги йилларда ерларни ўзлаштиришга доир ноошкора, зимдан бериладиган кўрсатмалар ҳам одат тусига кирган кўринади. Бу йўл билан Амударё ва Сирдарёнинг сувлари тезроқ ҳар томонга сочиб юборилиб, Сибирь суви ниҳоятда зарурлигини исботламақдалар. Бу ҳатто ўзига хос тенденция тусини олди.

Оролни фақат Сибирь сувлари қутқаради, деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас. Аслида эса Орол «ташлама»дан бир қатра ҳам сув олмас, келадиган сувнинг ҳаммаси экин суғориш, янги ер очишга сарф этиларди. Сибирь сувларини оқишиш тарафдорлари халқни боқиш учун шундай қилиш керак, дейишади. Бу ниқоб. Халқ ўзини ўзи боқади! (Фақат уни ўз ҳолига, ўз эркига қўйилса). Аслида масалага ақл билан, тафаккур билан ёндашилса, яънада қулай вариантлар ҳам йўқ эмас...

Энди фан Орол масаласи билан деярли шуғулланмай қўйганига келсак, бу ҳақ гап. Фан афтидан Орол тамом бўлди, у билан шуғулланиш бефойда деб ҳисоблаб келган. Ҳолбуки, Оролда рўй берган фалокатлар муносабати билан бу ерга иттифоқнинг турли бурчакларидан келган олимлар кўпгина Оролга доир тадқиқотлар режадан олиб ташланганини айтишди. Мана шу тариқа Орол бошига оғир қунлар тўшаётган кезларда фан ҳам ундан юз ўгира бошлади. Ҳолбуки, аксинча бўлиши — фан оролшуносликнинг олдинги сафида бўлиши зарур эди. Бу муаммо ҳақида биринчи бўлиб, ўз сўзини айтиши, уни соғайтириш йўлини кўрсатиши керак эди.

Бугун Орол амалда ўлик денгизга айланди. Унда аввал чўчукроқ сувларга мослашган ноёб балиқлар яшарди. Энди унинг сувида тўз миқдори ошган экан, фан бу муаммо билан жиддий шуғулланиб, унда шўр сувларда яшайдиган денгиз балиқларини мослаштириш устида жон куйдириши зарур эмасми. Бинобарин, Оролда янги ҳаёт бошланиши мумкин эди. Агар яқин йиллар ичида сувдан ва ердан фойдаланиш тўғри йўлга қўйилиб халқ хўжалигининг структураси имкониятга қараб ўзгартирилса, Оролнинг сатҳини нормал ҳолга олиб келиш мумкин.

Яна якказироатчилик муаммосига қайтиб, шунга айтмоқчиманки, пахта майдонларини 30—40 фонзга камайтириш керак. Баъзи олимлар, мутахассислар бизда якказироатчилик йўқ деб ҳисоблашади. Ундай бўлса нега Ўзбекистоннинг қаерида бўлманг, қаерни қараманг, пахта даласини кўрасиз. Ҳатто одамлар яшаётган уйларнинг деразасидан, биз ётган меҳмонхоналарнинг ойналаридан қарасангиз, нуқул пахта даласига кўзингиз тушади. Фарғонада одамларнинг уйлари ва томорқалари ҳам пахта туфайли қисилиб қолаётир. Бу якказироатчилик бўлмай, нима? Аҳолининг гўшт, сут, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева-чеваларни меъёридагидан кам истеъмол қилаётгани сабабини бошқача изоҳлаб кўрингчи?

Олий сифатли пахта берадиган ва сувни кам талаб қиладиган навларни кўпайтириш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш имконини қидирмоқ керак. Бу сувни ва ерни тежашнинг, бинобарин якказироатчиликка барҳам беришнинг энг маъқул йўли. Бунга эришмоқ учун қандайдир вақт орасида ялпи режани камайтириш ҳам керак. Аммо биз кўриб турганимиздай Госплан режани камайтириш у ёқда турсин, аксинча ошириб бориляпти.

— Нуқул пахта экиш заҳарли моддаларнинг аёвсиз иштатилишига тобора кенг йўл очмоқда. Бу моддаларнинг тирик организмларда хусусан инсон танасида биоген ва мутаген ўзгаришларни келтириб чиқариши эса режалаштириш органларини заррача ташвишга солмаяпти.

— Ҳа, бу жиддий оқибатларга олиб келиши муқаррардир. Мутаген таъсирлар натижасида ҳаётга яроқсиз одамлар туғила бошлайди. Жуда кўплаб заҳарли моддаларнинг таркибида диоксин моддаси бор. Америкаликлар бу моддани Вьетнам чангалзорларида ишлатган. Мен 1982 йили ўша ерда бўлган эдим. Диоксиннинг инсон организмга таъсири ҳақида ёзган очерким «Дон» журналида босилган ҳам. Вьетнамда бизга диоксин таъсирида қўлсиз ва оёқсиз туғилган болаларни кўрсатишди. Бу модданинг ана шундай даҳшатли оқибатлари бўла туриб, медицинамиз ҳанузга қадар унинг таъсирини синчиклаб ўрганишга қодир эмас. Бу халқ соғлиги, бугунги ва келажак авлодлар баркамоллигини таъминлаш йўлидаги жуда катта йўқотишдир.

Ҳозирнинг ўзидаёқ заҳарли моддалар ва экологик вазиятнинг мураккабланиши Қорақалпоғистон АССР ва

Тошовуз вилояти аҳолиси соғлиғига қандай таъсир қилаётганини очиқ-ойдин кўриб турибмиз. Бу жойларда болалар ўлими ҳар мингга туғилиш ҳисобига 92—98 тани ташкил этмоқда. Менинг назаримда бу инсон генлари, ирсият механизми хавф-хатарга учраганининг дастлабки симптомларидир. Шу сабабдан ҳам болалар хаста ҳолда туғилиб, кўп ўтмай нобуд бўлишмоқда. Бундан ташқари оналарнинг соғлиғи ҳам жойида эмас. Улар камқон, ориқ, касалманд. Бундай аёллар соғлом фарзанд туға олмайдилар. Улар тўйиб овқатланолмаётганлар ҳам, дастурхонида фақат нон, чой, гуруч овқат. Бўлак нарсалар онда-сонда. Бу ҳам етмагандек, улар ичаётган сувлар ҳам заҳарли химикатлар билан ифлосланган. Оналарнинг кўкрак сутида ҳам заҳри қотил моддалар топиляпти. Албатта, инсон организми бу моддаларга мослашиб ҳам борар, лекин шу билан бирга аста-секин кутилмаган ўзгаришлар ҳам юз бераверади. Бордию, биз яна бепарво бўлиб ўтираверсак, инсоният генофонди издан чиқади, демак, амалда биз ер юзидаги ҳаётни ҳам барбод қиламиз. Бу даҳшат!

— Орол ҳавзасидаги сувнинг хўжайини битта. У ҳам бўлса СССР Сув хўжалиги вазирлиги. Сувни жумҳуриятларга лимитлар бўйича тақсимлаб бериш ҳам шу вазирликнинг зиммасида. Аммо маҳаллий сув хўжалиги мутахассислари ўз жумҳуриятлари манфаатларидан келиб чиқиб, кўп ҳолларда шахсан ўзларига тегишли бўлган хўжасизлик ҳолларини яшириб, сувни қўшни жумҳурият талон-тарож қилмоқда, дея айбни бошқаларга тақабган ҳоллар ҳам бўлиб турибди. Бўнинг оқибатида бир жумҳурият манфаатларини бошқа жумҳурият манфаатларига қарши қўйишдек хунук манзара шаклланиб қолаётир. Масалан, туркманлар Амударёдан ўзбеклар қараганда кўп сув олаётир ёки Сирдарёдан ўзбеклар қозоқларга қараганда кўпроқ сув олади, дегандай. Гоҳида эса аксинча талқинга дуч келасиз. Бундан нафақат Оролга, ҳатто миллатлараро муносабатларга ҳам зиён етмайдими?

— Бунга мутлақо йўл қўймаслик керак. Афсуски, ўтмишда бир хон дарёлардаги тўғонларни бузиб бошқа халқларни сувсиз қолдирган ҳоллар бўлган. Совет ҳокимиятининг 70 йили мобайнида сувдан ҳаммаининг теппатенг фойдаланишини таъминловчи кўпгина ишлар қилинди. Аммо барибир бу соҳани бошқариш ишига жиддий ёндашишлар йўқлиги билиниб қолмоқда. Амударё

ва Сирдарё сув ҳавзалари бошқармалари тузилганлиги бу муаммони ҳал этиши керак эди. Аммо афсуски, амалда бундай бўлаётгани йўқ, ҳамон майда мунозаралар давом этмоқда. Сув ҳўжалиги мутахассислари ўзбек бўлсин, қозоқ ёки туркман бўлсин, қатъи назар ҳаммаси ҳар хил гапиришмоқда. Оролга эса ягона ҳўжайин керак! Бу бошқармаларнинг биттаси Тошкентда жойлашган. У фақат Сирдарёнинг Чордара сув омборигача бўлган қисмига кўз-қулоқ. Ундан нарёғи билан эса иши йўқ. Мана шунинг учун Қизилўрдада бўлганимизда бунинг фойдаси тегмаслигини кўрдик. Ахир у чиндан ҳам Сирдарёга ҳўжайин бўлса Қизилўрда ёки Аральска кўчиб ўтсин дейишди. Тошкентнинг хушманзара жойида эмас, экологик фалокат жабрини тартаётганлар билан бирга яшаб Орол учун зарур миқдордаги сувнинг Сирдарёдан оқиб туришини таъминласин дейишди. Бундай фикр Нукусда Амударё ҳавза бошқармасига нисбатан ҳам айтилди. Бу идора ҳам Хоразм воҳасида эмас, Амударёнинг энг қуйи оқимида жойлашиб ўз ишини келаётган сувга қараб олиб борсин дейишди. Начора ҳақ гапга қўшилиш керак. Бизга номига ишлайдиган бошқармалар эмас, Орол ва Оролбўйи халқлари тақдирига куюнчак ишбошилари керак. Ана шундагина Орол ҳам, миллий муносабатлар ҳам зарар кўрмайди.

— Сизни Ўзбекистонда Орол бўйидаги экологик инкироздан ташқари яна нималар ташвишга солди? Ва нималар хурсанд қилди?

— Мен Мирзачўл, Бухоро ва Қарши чўлларида кўп бор бўлганман. Агар Бухоронинг 50-йиллардаги қиёфасини кўз олдимга келтирсам, у эски мадрасалар, миноралар, диний ўқув юрти ва бозордан иборат қадимий шаҳар эди, холос. Бугун эса у таниб бўлмас даражада ўзгарибди. Илгари сув аранг иккинчи қаватга чиқарди; энди эса водопроводлар, канализация, осмонўпар бинолар қурилган. Буларнинг ҳаммаси мени қувонтирди. Аммо шундай тарихи бой, ноёб меъморчилик обидаларига эга бўлган шаҳарнинг ер ости сувлари кўтарилиб такрорланмас санъат даражасида яратилган меъморий ёдгорликларга хавф солаётгани қалбимизга ташвиш солди. Пойдеворидан ҳам бир-бир ярим метр баланд қисмига шўр кўтарилиб турган обидаларга қараб туриб кўнглингизда маҳзун туйғулар уйғонади.

Тошкент ҳам бир қарашда кўзни қувонтиради. Аммо ниҳоясига етмаган қурилишлар кўплиги қишини ўйлан-

тиради. Масалаи, шаҳар марказидаги Ўзбекистон кўчасида қурилиш битмай консервация қилинган бир нечта осмонўлар иморатларни кўрдим. Ахир, бошланган ишни охирига етказиш ҳам керак!

Ҳамма жойда бизни халқнинг бениҳоя меҳмондўстлиги, очиқ чеҳралиги мамнун этди. Аммо барибир ҳамма жойда меҳмондўстликнинг икки хил намунасини кўришга тўғри келди. Бошлиқлар даражасидаги меҳмондўстлик, яъни халқ ва давлат ҳисобидан зиёфатлар ҳали ҳам баъзи жойларда сақланиб келяпти. Халқ ва давлат ҳисобидан ҳамма вақт меҳмондўст бўлиш мумкин. Аммо менда бениҳоя катта самимият уйғотган нарсa бу оддий одамларнинг очиқ чеҳралиги бўлди. Биз экспедиция мобайнида бундай одамлар билан кўп бор учрашдик. Ҳеч эсдан чиқмайдиган бир манзара хусусида сўз юритмоқчиман. Қашқадарёнинг Деҳқонобод районида ўтиб бораётган эдик. Бир қишлоқда тўхтадик. Маҳаллий аҳолининг турмуш шароитлари билан танишаётганимизда бир хонадонда уй бекаси тандирда нон ёпаётган экан. Жуда ночор оила эди. Аммо нон пишиб, тандирдан узилмагунча уй бекаси бизни кетгани қўймади.

— Йўқ, иссиқ нондан тотимасдан кетмайсизлар, деб туриб олди. Биз бир оз тўхтаб уй бекасининг иссиқ нонидан мазза қилиб тановул қилдик ва қалбимизда оддий меҳнат кишилариининг ўзбекона самимиятини яна бир бор туйдик.

Ўртачўлда бўлганимизда ҳам жуда камбағал бир онлага кирдик. Ўн болали бу хонадонда бирор дурустроқ анжом кўрмадик. Лекин уй бекаси дарров кўрпача тўшаб дастурхонга қовун-тарвуз қўя кетди... Қизилқумдан ўтаётиб тунда Қорақалпоғистоннинг Чўпонқозғон деган жойига етиб бориб уч юз йил муқаддам тўлиб эққан, бугун эса қуриб қолган Жана дарё бўйида чўпонлар хонадонида турганимизда ҳам оддий меҳнат кишиларининг саховатиға имон келтирдик.

Биз XX аср цивилизацияси кишилари инсоният маданиятининг маъна шундай содда мўъжизаларидан ҳайратланибгина қолмай, уларни ғуборсиз сақлаш ҳақида ҳам ўйламоғимиз керак.

«ЯШАШГА ИМКОН БЕРИНГ...»

Орол! Қадим Туркистоннинг кўздаги ёшига айланган дард. Бугун у қорақалпоқ аёлининг қорачиқларига чўккан сўнгсиз алам. Ёшига етмай оналар кўксини тарк

этаётган мурғакларнинг адоқсиз чинқириқлари. Оталар кўнглига ғулгула солган Ватан тақдири.

Йўқ, булар ҳаммаси эмас. Энди тошлар ҳам тилга кираётир. Чингиз босқинида ер билан яксон бўлган қадим Гурганжнинг бу кунларга омон етган обидалари, жаҳон маданиятининг сайқали бўлмиш Хива мўъжизалари нола қилаётир. Мовий гўмбазлару кўкка санчилган миноралар, мунаққаш пештоқлар узра ҳазин садолар эшитилаётир.

Орол бўйларида қиёмат кўнғироғи чалинганига анча бўлди. Аммо биз бу садоларни эшитмай келдик. Эшитишни хоҳламадик. Энди у даҳшатли бўронга айланиб еру кўкни тутмоқда. Москвада ўтган Бутуниттифоқ Орол кунлари бизни — Орол тақдири бевосита боғлиқ бўлган барча кишиларни ҳушимизни йиғиб олишга, бошланган экологик ҳалокатни тўхтатиш учун курашга даъват этди. Бу даъват мамлакатнинг эзгу ниятли кишилари, жамоатчилик намояндаларининг виждон даъвати сифатида бутун мамлакат бўйлаб акс-садо бериб турди. СССР Ёзувчилар уюшмасининг А. Фадеев номидаги марказий Адабиётчилар уйида ўтган анжуманлар пайтида ҳам, «Новый мир» журнали ва «Литературная газета» муҳарририятларида, СССР Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда СССР Сув ҳўжалиги вазирлигида бўлиб ўтган қизғин мунозаралар, Москва яқинидаги Фазогирлар шаҳарчасида бўлган учрашувлар чоғида ҳам мана шу буюк ташвиш, буюк даъват руҳи ҳукмрон бўлди. Мен Орол фожиасига юзма-юз турган жафокаш халққа мансуб бир мухбир сифатида ўзим ҳамсухбат бўлган ва анжуман учрашувлари чоғида сўзга чиққан олим ва адибларнинг қалб даъватларини баҳолу қудрат қорозга туширишга ҳаракат қилдим.

* * *

Сергей Залигин: — Орол кунларига йиғилган жамоатчилик вакиллари бор-йўғи 10—15 йил ичида шундоқ кўз ўнгимизда содир бўлган нохуш воқеа — Орол фожиасидан қаттиқ изтиробдамиз. Назаримда, мен инсоннинг табиатга муносабати тарихида биз бугун юзма-юз турганимиз қадар кенг кўламли ва драматик ҳодиса асло рўй бермаган эди, десам муболаға қилмаган бўлман. Аввало, бу фожиаларнинг ҳаммаси қандай рўй берганини тасаввур этмоқнинг ўзи қийин. Йккинчидан, шундай савол кўндаланг турибди: хўш, кўз ўнгимизда

намоён бўлиб турган бу қадар кескин вазиятда биз нима қилмоғимиз керак?

Менимча, ҳозир айтаётган гапларимизни бундан 10—15 йил бурун ҳам худди шу тарзда айта олиш имконига эга бўлганимизда эди, у ҳолда бугунги фожиалар асло рўй бермаган бўлур эди. Онг ва тафаккуримизнинг бугунги жараёндаги аҳамияти, унинг янги имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, баъзан унда тор ва биқиқ фикрлар ҳам кўриниб қолаётган бўлса-да, биз бугун ўз олдимизда турган проблемаларни кенг кўламада дадил қўймоғимиз ва кўтариб чиқмоғимиз шарт. Мен бугун шундай дардли, оғриқли масалалар орасидаги ўта фожиали муаммо — Орол проблемаси ҳақида фикр юритаётиб, ҳаётимизнинг бошқа қатламларига ҳам кўз ташлаб айтмоқчиманки, жамоатчилик ўз позициясига кўра, аксарият ҳолларда ҳақ бўлиб чиқаётир. Чунки тўғри ишни норасоликдан, ақлли қадамни ақлга сиғмайдиган ҳақиқатдан фарқламоқ учун қандайдир алоҳида билим, қандайдир махсус тайёргарлик, хизмат мавқеи шарт эмас. Аҳвол қачонки, мана бугунгидай ижтимоий фикр, ижтимоий ташвиш, ижтимоий зарурат даражасига етиб ва яна ижтимоий юрак уришига ҳам айланган экан, демак, вазият жуда оғир. Бизнинг бардоши чўнг халқимиз нималарни бошидан кечирмади. Бугун биз ҳар қадамда ўз фожиаларимиз ҳақида гапираётган эканмиз, демак, энди ортиқ сабр қилолмаймиз. Тамом. Барча сабр-бардошлар тугади. Содир этилган жиноятлар учун ким айбдорлигини аниқлаб олмоғимиз зарур.

Биз не нарсa матлубу не нарсa номатлуб, қай ҳақиқат инсоний маънавиятга тўғри келиб, қай ҳақиқат унга ёт эканлигини англаб етмайдиган одамларнинг бутун бир авлодини етишдирмадикми? Афсуски, уларни ҳар қадамда учратасиз. Бугун ҳам бизга шулар раҳбарлик қилишяпти. Нафақат бугун, эртага ҳам тақдиримиз уларга боғлиқ. Бутуниттифоқ журналистларининг съездида «Правда» газетасининг редактори Афанасьев Сув хўжалиги вазирлигининг ҳокими мутлақлигидан шикоят қилди. Бу маҳкаманинг идоравий цензураси сув хўжаликларига дахлдор номаъқулчиликларни очиқ ёритишга имкон бермаётганлиги, матбуотнинг ҳам «оғзига қулф солиш» қудратига эга эканлигини айтиб ўтди. Мана шунинг ўзи жамият олдидаги жиноят эмасми?

Бугун биз ҳаммамиз «Оролқум» фильмини кўрдик. Сахро орасидаги одамлар, уларнинг қиёфаси кўз ўнгим-

да абадий муҳрланиб қолди. Улар на сиз билан биз, на мамлакат, на жамият, на бугунги социализмдан ҳеч нарса сўраётганлари йўқ. Улар ўз ҳаётлари учун кўп нарса — бойиб қолиш, қандайдир даромадга эга бўлиш, қандайдир алоҳида шарт-шароитларда яшашни ҳам сўрашмаяпти. Бундай мард, сабр-бардошли одамлар фақат бир нарса — бизни яшашга қўйинглар, ҳеч бўлмаса ота-боболаримиздек кун кечирайлик, дейишмоқда. Биз эса ҳанузгача фақат умумий ишимизга халақит бераётган тўсиқларни даф этиш билангина овора бўлиб ётибмиз. Асосий ишга яқин келиш оғир кечяпти. Жуда узоқлашиб кетган эканмиз. Шундай бўлса-да, биз ҳозир кўзимиз етган ва ўз кучимизни сарф этишимиз мумкин бўлган иш билан шуғулланыяпмиз. Ҳозирча ижтимоий куч-қувват, одамийлик тафаккури бор экан, биз бошқача йўл тутолмаймиз. Бошқа чорамиз ҳам йўқ. Мана шу оғир, мана шу тафаккур билан ўз курашимизни давом эттираверамиз.

Пирмат Шермухамедов: —Яқинда мен Орол денгизи ва унинг бўйида яшовчи халқлар тақдирига алоқадор иккита муҳим ҳужжат билан танишдим. Уларнинг бири академик Дубинин раҳбарлигида иш олиб борган мўътабар комиссиянинг хулосаси. Унда «Аниқ ҳисоб-китоблар асосида тўла ишонч билан айтиш мумкинки, пестицидларнинг салбий оқибатлари туфайли Ўзбекистонда туғма касалликларнинг сони ортиб бормоқда» дейилади ва 120 хил пестициднинг 90 таси одам организмига мустаҳкам ўрнашиб олганлиги далиллар асосида исботлаб берилади.

Бу таҳликали фактнинг Оролга алоқаси йўқ дегувчилар топилмаса керак. Чунки, Орол билан боғлиқ экологик фалокат жабрини тортаётганлар бундай заҳарли моддаларга булганган сувларни ичиб янада оғирроқ, ташвишлироқ балоларга гирифтор бўлмоқдалар. Чунки бизда ҳамон заҳарли моддаларнинг таркиби экологик экспертизадан ўтказилмасдан қўлланиляпти. СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу ишни кўра-била туриб пайсалга соляпти. «Медицинская газета»да эълон қилинганидек, сўнгги йилларда биз истеъмол қилаётган маҳсулотлардаги нитратлар тобора ошиб бормоқда. 1982 йили картошкадаги нитратлар бир килограмм ҳисобига 80 миллиграммни ташкил этган бўлса, 1988 йилга келиб у 250 миллиграммга етди. Карамдаги нитратлар эса 150 дан 500 миллиграммга, помидордагиси 60 дан 150 мил

лиграммга етган. Энди ўйлаб кўринг, осмону фалакдан ёйилаётган шўр, чанг-ғубор орасида яшаётган одамлар устига-устак таркиби заҳарга тўла неъматларни истеъмол қилса, улар қанча йил умр кўради. Бу халқнинг тақдирини ким ўйлайди, ахир?

Иккинчи ҳужжат Оролнинг қуриган тубидан кўтарилаётган тузларнинг ҳали кўпчиликка аён бўлмаган янги «хизмат»лари ҳақида. Кейинги йилларда Қорақалпоғистон территориясида, айниқса, Устюртда ўрнатилган электр линияларида авариялар, бахтсиз ҳодисалар тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Айниқса, Қўнғирот — Бейнов темир йўлидан мамлакат марказига ва шарқига қатновчи поездларнинг ҳаракат графиклари тез-тез бузиладиган бўлиб қолди. Тегишли ташкилотлар ниҳоят бунинг ҳам тагига етдилар. Темирйўлнинг икки ёнidan ўтган электр ва алоқа линияларига денгизнинг қуриган тубидан кўтарилаётган тузлар келиб қўниб, уларни ишдан чиқара бошлабди. Бунинг натижасида электр тармоқларида тез-тез узилишлар, қисқа туташувлар бўлиб, ёнғин чиқаётир. Поездлар ҳаракати тўхтаб қолаётир. Ҳали мамлакатнинг бирон жойидаги темирйўл тармоғида бундай воқеалар учрагани йўқ. Ҳали Оролга доир барча қабоҳатларни айтиб улгурганимиз йўқ. Аммо бугун узоқ тортишувлар, баҳс-мунозаралардан кейин Оролнинг келажагига умид пайдо бўлди. Ҳукуматнинг Оролга доир қарори билан касални даволаш йўллари белгиланди. Лекин асосий иш энди бошланыпти. Режаларимиз реалми, нореалми мана шуни яна бир бор жиддий ўйлаб кўрайлик. Бугун такрор хатоларга йўл қўймайлик.

Мухтор Шаханов:—Узоқ йиллар довуғи шубҳали режалар ортидан қувиб, бу билан маънавий камолотни орқага сура-сура энг муҳим, энг табарруқ нарсаларни бой бердик. Эҳтимол, давримизнинг бюрократик машинаси табиятга ва иқтисодиётимизга етказган улкан жароҳатни даволаш, ҳеч бўлмаганда унинг ўрнини тўлдириш учун яна ўйлаб йиллар керак бўлар. Мана қўлимизда — СССР ФА Тупроқшунослик ва агрохимия институти 70-йилларда тузиб чиққан ва юзлаб нусхаларда чоп этилган хаританинг фотонусхаси. Унда олимларнинг Оролнинг қуриган тубида шולי етиштириш бўйича тузган режалари акс этган. Хўш, шундан сўнг ҳам Оролнинг ҳалокати аввалдан режалаштирилмаган эди, деб айта оламизми?!

Минг афсуски, бундай мудҳиш хатоларни ўнглаш тадбирлари ишлаб чиқиляётган кезде бир пайтлар денгизнинг қуришига ҳисса қўшган Н. Васильев ва Ю. Израэль сингари вазиру мутахассисларнинг қўли яна баланд келди. Ахир, ўртоқлар, ХХI асрнинг бешинчи йилидагина орттириладиган 21 куб километр сув билан Оролни қутқариб бўлмаслиги учинчи синф ўқувчисига ҳам аён бўлган оддий ҳақиқат-ку! Бугун денгиз сатҳидан йилига 30 куб километр сув буғланиб кетаётган бўлса, унинг қуришини тўхтатиш учун шунча миқдорда сув қўйиш керак эмасми?

Хўш, Ю. Израэль бошлиқ комиссия тақдим этган но-реал лойиҳани қандай тушунмоқ керак. Бу жамоатчи-ликни чалғитиш-ку? Мамлакатда бир неча йилки ошкоролик ҳукм суряпти. Хўш нима ўзгарди. Бир вақтлар Оролга ўлим ҳукмини ўқиганлар бугун уни «қутқариш» режасини тузаяптилар. Уларнинг чиқишларида заррача виждон қийноғини ёки афсус-надоматни ҳис этмайсиз. Ҳолбуки, биз бир-биримизга беҳосдан озор бериб қўй-сак, дарров кечирим сўраймиз. Бу ўринда эса халқ азоб чекапти. Қанчалик одамларнинг соғлиги издан чиқди, ёстиги қуриди, қанча кўз ёшлар тўкилди. Фақат Қизил Ўрда вилоятининг ўзида 43 минг киши, уларнинг баъзи бирлари ёш гўдаклари, оналари ва аёлларини қабрлар-да қолдириб, бошқа жойларга кўчиб кетишга мажбур бўлдилар. Наҳотки, бундай улкан йўқотишлар учун би-ронта одам жавоб бермаса?

Орол денгизи яшаб қоладими, ўзи? СССР ФА олим-лари бу борада ўз сўзини айтиши керак. Бир вақт қай-сидир институт томонидан Оролнинг қиммати 100 мил-лион сўмга баҳоланган ва унинг устига қора чизик тор-тилган эди. Бугун фақат Қизил Ўрда вилоятидаги саҳроланиш жараёнининг ўзи 1,7 миллиард сўм зарар келтирмоқда. Бундай телба-тескари «илмий асосланиш» учун ким жавоб беради.

Бизда экологик тарбия ночор аҳволда. Мактаблар ва институтларда ҳамма нарсани ўқитишади, фақат экологи-яни эмас. Узоқ йиллар мобайнида бутун бир экологик бандитлар авлодини тарбиялаб келдик. Бугун ХХ аср-нинг энг қудратли техникаси ва кимёси шуларнинг қў-лида. . . ДДТ ва гексохлоран препаратлари ҳамон ишла-тилмоқда. Дастлаб биз дарёларнинг бу моддалар билан булғанаётгани сабабини аниқлай олмадик. Саволлари-мизга соғлиқни сақлаш вазирлигидагилар елка қисишиб,

ДДТ 23 йил муқаддам халқаро битимга мувофиқ тақиқланган деб жавоб беришди. Сўнгра буни аниқлаш иши билан комитетимиз аъзоси Марта Наумовна Каневская шуғулланди. Аслида соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари ҳамма нарсани билишган ва биздан буни яширишган экан. Маълум бўлишича, ДДТ ГФЖда чиқарилаётган экан. У ерда бу модда ишлатилмайди. Фақат бизга ва яна бир Африка мамлакатига жўнатилади. Чувашистондаги Вурнар шаҳрида эса у қадоқланади. СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан чиқарилаётган вақтинчалик кўрсатмалар асосида у ишлатиб келинаётган экан. Мана сизга ҳақиқат. Ўз халқидан қўрқадиган, ундан ҳақиқатни яширадиган Соғлиқни сақлаш вазирлиги қандай қилиб соғлиқни сақлайди?

... Мамлакат шарқидаги дарёларда атиги 5—6 йилгина умр қўрувчи кичкина кета балиғи яшайди. Табиат унга ажойиб ва бешавқат умр ато этган. У насл қолдириш пайти етганда юзлаб километр масофани чарчоқ билмай сузиб ўтиб, тоза сувларга интилади ва сўнгра шу жойда уруғ ташлаб нобуд бўлади, зурриёт умидида ўзини қурбон қилади. Биз инсонларчи? Ўз наслимизга нимани раво кўряпмиз. Уларга қандай табиатни қолдиряпмиз? Наҳотки, миттигина кета балиғининг зурриёди ҳисси инсонниқидан юксакроқ бўлса?

Мен Орол кунлари қатнашчилари номидан ЮНЕСКО га мурожаат қилиб, 91-йилни Оролни қўтқариш йили деб эълон қилишни таклиф қиламан. Токи инсоният тарихида бир авлод кўз ўнгида бутун бир денгизнинг йўқ бўлиб кетишидай одамларни ларзага солувчи ҳодиса асло рўй бермасин.

Собир Қамолов (ЎзФА Қорақалпоғистон филиалининг раиси): — Сўзсиз ҳукумат қароридан умидимиз катта. У Оролга муносабат ўзгарганининг ифодаси бўлди. Денгизнинг сатҳи эса ҳамон тушиб борапти. Унга ҳеч бўлмаганда 1989 йилдан бошлаб 25 куб километр сув тушиб турсагина бу жараёни тўхтатиш мўмкин. Ҳукумат комиссияси 1987 йилнинг апрель ойидаги кенгашидаёқ денгизни асраш керак деган фикрга келган эди. Аммо шунга қарамай бу борадаги қарор 1988 йилнинг 19 сентябрига қадар пайсалга солиб келинди. Бизда ҳали ҳам қоғозбозлик ниҳоятда кучли. Бир пайтлар Оролни ўлимга маҳкум этганлар кампанияси қарорнинг рўёбга чиқишига ҳар жиҳатдан тўсқинлик қилди. Биз

шунга амин бўлдики, қарор лойиҳаси Иттифоқ Госпланида неча марталаб орқага сурилиб, эътиборсиз ташлаб қўйилди. Фақат қуйидан—вилоят партия комитети ва жумҳурият ҳукумати томонидан М. С. Горбачевга мурожаат қилинганидан сўнггина у ҳаракатга келди. Шунда ҳам жамоатчилик муҳокамасига қўйилмай қабул қилинди. Шунга кўра денгизга тушадиган сув миқдори нега оз қилиб белгиланганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Биз «Орол» —88 экспедицияси аниқлаган маълумотларни, унинг ҳукумат органларига тақдим этаётган тақлифларини тўла маъқуллаемиз.

Шу пайтга қадар режалаштириш органлари ўзларининг бир ёқлама сиёсатлари билан бир дарёдан сув ичувчи халқлар ўртасида тушунмовчилик туғдириб келдилар. Умуман миллий сиёсат аслида табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш масаласига ҳам тааллуқли. Қаердаки, табиий ресурсларни оқилона фойдаланилмаса, ўша ерда низо туғилади. Ва биз сўнгга у ерда ундай бўлди, бу ерда бундай бўлди, деб ҳайрон бўлиб юрамиз. Демокриманки, жамоатчилик бу масалага ниҳоятда ҳушёрлик билан қараши керак.

Фёдор Моргун (СССР Табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети раиси): — Партия ва ҳукуматнинг Оролга доир қарори қабул қилингунига қадар унинг лойиҳаси Госпланда жумҳуриятларнинг раҳбарлари, олимлари ва мутахассислари иштирокида узоқ вақт, гоят жиддий ва асосли тарзда синчиклаб ўрганиб чиқилди. Ва уни мавжуд экологик фалокатни тўхтатиш, вазиятни нормаллаштириш ва соғломлаштиришга қаратилган мукамал ҳужжат дейиш мумкин. Шунга қарамай сизларнинг баъзи бир Иттифоқ органлари адресига билдираётган эътирозларингиз асослимикин? Ёдингизда тутингки, Госплан ва Иттифоқ вазирликларидаги биронта ҳужжат ҳам маҳаллий ҳўжалик ва бошқа органлар иштирокисиз қабул қилинмайди. Ҳамма «ташаббуслар» ўзларингдан чиққан. Сиз ва бизнинг бугунги эҳтиросларимиз, 15—20 йилга кечикди. Мен Оролни, Қозоғистонни яқиндан биламан ва бу ерларда ишлаганман.

Ўзбекистонда, Қозоғистонда қанчалик шов-шув билан янги ерлар очишганини ҳам жуда яхши эслайман. Олма-оталиклар Москвага, марказий органларга ва Госпланга қанчалик шиддат билан ёпирилиб борганларини сўраб, илтимос қилиб эмас, балки минг-минглаб

гектар янги ерларни ўзлаштириш, сув чиқаришни талаб қилиб туриб олганларини, ўз фикрини зўр бериб ўтказганларини мен яхши биламан. Ва бундай ҳаракатлар сўзсиз Орол тақдирига таъсир этмай қолмаган эди. Мен бунга таъна учун эмас, ўша пайтдаги вазиятни тўлиқ англаш учун айтияпман. Ҳамма кўпроқ пахтага, кўпроқ суғориладиган ерга эга бўлайлик деган васвасага мубтало бўлган эди. Шу тариқа орқа-олдига қарамай ер очавердилар, дарёларни тўсиб сув чиқаравердилар, минерал ўғит дейсизми, пестициду гербицидми талаб қилиб, йўлини топиб ундириб олавердилар.

Булар-ку, турғунлик йилларининг урра-урралари қулоқни қоматга келтирган даврнинг манзараси эди. Хўш, бугунчи? Орол фожиасига юзма-юз туриб, денгизга ҳар қатра сувни топиш катта муаммога айланган ҳозирги даврдачи? Ҳамон айрим жумҳуриятларнинг раҳбарлари янги ер очиш хуружидан ўзларини тийиб туролмаяптилар. Узоққа бориб ўтирмайлик, яқиндагина Вазирлар Кенгашида ўн учинчи беш йилликнинг истиқболи режалари кўриб чиқиляётганда Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг раиси 300 минг гектар янги ер очишни режаларга киритишни сўради. «Қандай қилиб очасизлар? Вазият ўзларингизга яхши маълум-ку!» дейилганда, «Имкониятларимиз етарли, сувимиз бор» деган жавоб олди. Бу тақлиф-ку ўтмади. Аммо у режаларни ошириш, ҳадеб янги ер очиш ҳақидаги ташаббуслар қаердан чиқаётганини кўрсатмаяптими?

Ҳозир бу ерда Ўзбекистон вакиллари жумҳуриятдаги минерал ўғитлар сақланадиган омборларнинг 11 фоизи гербицид ва пестицидлар сақланадиган омборларнинг 40 фоизигина ишончли, қолганлари эса мутлақо яроқсиз деб жуда тўғри айтдилар. Аммо, ҳурматли ўзбекистонликлар, сиз кимдан умид қиляпсиз? Пестициду гербицид омборларингизни Москвадан бориб тиклаб беришадими? Бунга таъна эмас, ўз жамоатчилигингизга вазифа сифатида қабул қилишларингизни истардим. Тошкентга боргач, жамоатчиликни, барча оммавий ахборот воситаларини ишга солиб район партия ва ижроия комитетлари, вилоят ва жумҳурият органларидаги маҳаллий бюрократларнинг номларини айтинглари. Ахир, бу уларнинг энг қутлуғ вазифаси-ку. Ҳа, ўртоқлар, тартиб ўрнатиш ўз қўлингизда.

Сизлар марказий районларда зиғир пояси етиштириш издан чиққанлигини тўғри танқид қилдингизлар.

Ҳа, пахта ҳам, зиғиру каноп ҳам, менинг назаримда, бир даланинг неъматиди. Уларнинг ҳаммаси кишиларни кийинтиради, саноатни, айниқса енгил саноатни тола ва бошқа зарур маҳсулотлар билан таъминлайди. Аммо мамлакатимизда бу экинларнинг тақдири турлича кечди. Пахта учун миллиардлаб сўм маблағ, техника воситалари, боринг-ки, пахта етиштирувчи жумҳуриятлар нима сўрашса олишди. Зиғирга қолганда эса... ҳеч нарсаси. Бу экинга ўғай кўз билан қараб келингани учун ҳам Ноқоратупроқ зонадаги қишлоқлар хувиллаб қолди. Одамлар Ярославль, Рибинск, Псков, Калуга, Калинин ҳатто Москвага кўчиб кетдилар. Табиат, хўжаликларнинг иқтисоди издан чиқди. Зиғир каноп етиштириш тушкун аҳволга келди. Ҳолбуки, бу экинлар ишлаб чиқариш учун арзон, сифати жиҳатидан эса пахтадан ҳеч ҳам қолишмасди.

Демоқчиманки, бугун биз пахта майдонларини қисқартиришдан чўчиб ўтирмаслигимиз, бундан қўрқувга тушмаслигимиз керак. Бусиз ҳеч нарсага эришолмаймиз. Тўғри, пахта чинакам «оқ олтин». Аммо уни нима-лар деб кўкка кўтармадилар. Амалда олтиндан ҳам, одамдан ҳам, бошқа неъматлардан ҳам юқорироқ нарсага айлантириб қўйилдику. Бундай бир ёқлама сиёсат, ўригу майиз сингари яна талай неъматларни далалардан сиқиб чиқарди. Пахта деб одамларни, бошқа экинларни мана шундай «жазоладилар». Энди пахта майдонлари қисқартириладиган жойларда узумчилик, айниқса майиз ва ўрик етиштиришни кенг йўлга қўйиш керак. Бизнинг мамлакатимизда 70 минг тонна майиз истеъмол қилинади. Шунинг аксарият қисмини Туркиядан сотиб оламиз. Ҳолбуки, Ўрта Осиё узумнинг ватани. Бу жумҳуриятларда кам сув сарфлаб узум етиштириш учун ноёб шарт-шароит, яна бунинг устига дунёнинг ҳеч бир жойида учрамайдиган ажойиб меҳнатсевар халқ, чинакам соҳибкорлар бўла туриб, майизни четдан сотиб олсак, кулгили эмасми.

Агар пахта майдонлари камайса, Ўрта Осиё заминидан нафақат ўрик ва узум, қанчалаб мева-чева, полизсабзавотлар ҳам ҳақиқий мавқеини тиклайди. Бу соҳалар Ўрта Осиё жумҳуриятлари аҳолисини сўзсиз тўлиқ иш билан таъминлай олади ва иқтисодий самараси жиҳатидан пахтага қараганда фойдалироқ ҳамдир. Халқ тўқ яшаш ва Оролга зарур бўлган сувни қўлга киритмоқ учун бу ишга қаттиқ киришмоқ керак. Бугун бўл-

маса эртага, эртага бўлмаса индинга барибир шунга қайтамыз.

Владимир Тихонов (академик): — Орол фожиаси қишлоқ хўжалигимиз хусусан, унинг мелиорация деб аталган ва асосан гоҳ сув чиқариб, гоҳ ернинг сувини қочириш билан шуғулланиб келаётган соҳага боғлиқ умумий фожиянинг бир қадар яққолроқ кўринишидир. Биз матбуот саҳифаларида бу соҳага сарф этилаётган маблағларнинг самараси тўғрисидаги маълумотларни рўй-рост айтдик. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳатто асосий мелиорация программаларининг муаллифи бўлмиш СССР Сув хўжалиги вазирлигининг ўзи ўтган беш йилликда мелиорация мақсадларига сарф этилган маблағлар чорак аср, ҳатто ундан ҳам кўпроқ муддатларда ўзини оқлаши мумкинлигини тан олди. Чорак аср — бир авлод умри.

Аммо биз ўз ҳамкасбларимиз билан аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиққанимизда аслида бунинг ҳам нореал эканлиги аён бўлиб қолди.

Агар ерларни мелиорация қилиш орқали олинадиган соф даромадни ҳисобга оладиган бўлсак, сарф этилган маблағнинг ўзини оқлаш муддати, афсонавий муддати 104—107 йилни ташкил қилади!

Бугун Юрий Черниченко «Оролқум» фильмида ирригаторларнинг бир фикрини келтириб ўтди: Оролнинг чала ўлими ёки секин ўлими эвазига 11 миллиард сўм фойда олинган эмиш. Шахсан мен бу рақамларга асло ишонмайман. Ва ўз-ўзимга шундай савол бераман: Бугун Орол-ку пахтанинг касрига ўлим топаётган экан, хўш, пахтанинг ўзи нима мақсадга хизмат қиляпти. 8 миллион тонна пахта, мамлакатнинг шунчалик кўп пахтаси кимнинг бундай маҳсулотларга талабини қондира олди? Қанчалик уринмайин, етиштирилаётган пахтани нимага сарфлаётганимиз ҳақидаги саволга жўялироқ жавоб ололмадим.

Қўлимни кўксимга қўйиб айтаманки, умримнинг ўтган 70 йили мобайнида, бирор марта ҳам биз халқни тўйдирдик, уни ўзи истаган неъматлар билан боқа олдик, деб айта олмадик. Нега шундай бўлди? Бу маҳкамавий монополизмнинг оқибати. Орол денгизи ва у каби дарёлар, сув ҳавзаларини нобуд қилиш билан шуғулланиб келаётган Сув хўжалиги вазирлигининг ўзбошимчалиги. Дунёнинг бирорта мамлакати бундай «бир

муштга тугилган» маҳкамавий монополизми кўрган эмас. Бизнинг бош вазифамиз ундан қутулмоқдир. Оролни эса, ҳали умидим борки, нафақат асраб қолиш, ҳатто 10—15 йил ичида қайта тиклаш мумкин. Бунга ишончим комил. Хўш, нима қилиш керак, дерсиз? Энг асосийсини айтаман, иқтисодиётимизни, майли, аста-секин бўлса ҳам, давлат монополизмидан холос қилиб, демократия асосида иш кўрувчи, ҳақиқий хўжалик ҳисоби ва тартибга солиб туриладиган товар ишлаб чиқаришига асосланган нормал иқтисодий системага буриш керак.

Чингиз Айтматов (ёзувчи): — Мен бу ерда тилга олинган ва намойиш этилган барча нораво нарсаларни фақат Урта Осиё регионигагина тааллуқли фожиа сифатида эмас, айни пайтда бизнинг ҳар биримизга, шу жумладан, менинг ўзимга ҳам дахлдор оғриқ сифатида ҳис этиб изтироб чекалман. Гап шундаки, Орол фожиаси фақат бир жойигагина алоқадор фожиа эмас. У бизнинг дунёда етакчи кучмиз, энг тараққийпарвар жамиятимиз деб беҳуда керилишимиз, ўзимизни алдашимизнинг ачиқ сабогидир. Бундай ижтимоий амбициялар оқибатида, академик Тихонов айтиб ўтганидек, биз ҳозирча маҳкамавий монополия деб аташимиз мумкин бўлган баҳайбат юҳони туғдирдик. Унинг нечоғлик ҳалокатлар бошлаб келгани ва ҳозирги куч-қудрати нималарга қодирлигини ҳис этмоқ, кўра олмоқ ва ишонч ҳосил қилмоқ учун эҳтимол ниҳоятда жиддий тарихий, ижтимоий ва илмий таҳлиллар зарурдир.

Орол фожиаси бизни мана шунга зиммадор этаётир. Ҳатто, энг бебаҳо лойиҳалар учун ҳам зинҳор инсонни садақа қилмаслик керак. Барча хўжалик тадбирлари одамларнинг ҳаёт тарзларидан келиб чиқсин. Ахир ҳалқнинг тақдири мана шуларга туташиб кетган. Шу маънода Орол фожиаси фақат экология ёмонлашиб, одамларнинг соғлиги ва яшаш шароитлари бузилганлиги, ўлим ҳолларининг кўпайгани, иқтисодий зарарлар билангина чегараланмайди. Бу жуда катта маънавий йўқотиш, маънавий фожиа ҳамки, у ҳар нарсадан оғирроқ ва таҳликалитоқдир.

Орол бўйида яшовчи халқларнинг тақдири ва турмушида акс этаётган бу нораволиклар умуман олганда бутун жамиятимизга ҳам тегишли. Бу ерда Сергей Павлович Залигин айтиб ўтганидек, бугун нафақат Урта Осиё замини, Россия тупроғи ҳам шикаста. Рус қиш-

лоқларининг ҳувиллаб қолганлиги, ер эгасиз, деҳқонсиз, мамлакатни боқиши мумкин бўлган мужикларсиз қолганлиги ва биз ҳозир ҳам бунинг касрини тортиб келаётганимиз ҳақида ўйлаганда яна бир ҳақиқат намоён бўлади. Ҳар ҳолда рус қишлоқларининг аҳолисига йирик саноат марказларига йўл бор эди. Ва улар бу жойларга мослашиб, ўрнашиб қолдилар.

Ўрта Осиё региони одамлари учун эса бундай имкон йўқ, улар саноат марказларидан йироқда. Бу иложсиз ва мушкул вазият. Демоқчиманки, Орол — бу халқнинг фожиаси, регионнинг фожиаси, бутун мамлакатнинг фожиасидир. Гарчи, бу денгиз муайян қуруқлик билан чегараланган, дунёда иккинчи ёки учинчи ўринда турувчи улкан сув ҳавзаси бўлса-да, тўраларга хос тафаккур шоввозлари бизни нимани йўқотиб, нимага эришганлигимиз ҳақидаги ҳисоб-китоблари билан тинчлантириб, хотиржам қилиб қўйишга зўр бериб уринмоқдалар. Аммо биз ҳеч қачон бу билан келиша олмаймиз. Чунки, бундай ғаламисларча мантиқ қайта қуриш охиригача курашиши зарур бўлган нарсанинг айнан ўзидир.

Юрий Черниченко: — Ҳар қатра сув, ҳар қарич ер ўз қадрини топмагунича бирор дурустроқ натижага эришиб бўлмайди. Ўртоқлар, бу мавҳум тушунча эмас. Утган ойда мен Калифорниядаги энг йирик Сан—Хоакин водийсида бўлиб қайтдим. Нимасини айтасиз, пахта ҳам ўсаяпти,ширин-шакар бодомлар ҳам. Сувдан шундай фойдаланишар эканки, зовур қазигга асло ҳожат йўқ. Чунки сув қиммат, бир акрни суғориш 300 доллар. Зовур бўлмагандан кейин сизот сув ҳам, заққум кўл ҳам йўқ. Уларни биздагидек йўқ жойдан бор қилиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келаётгани йўқ. Ўрта Осиё эса бугун кўллар мамлакати. «Атайлаб» қилинган қўлбола кўллар. Оролнинг сочилиб ётган «мўнгли кўзлари»... Бу жароҳатларга бевосита алоқадор бўлган Васильев ва Израэлнинг бири Амударёнинг ўнг, бири чап соҳилидан депутат. Бундай депутатлар фақат бизнинг парламентдагина бор.

СССР Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Пўлат Ажиевич Пўлатзода билан Нукусга келиб тушган дастлабки дақиқалардаёқ у менга: «Сизлар айтаётган нарсалар ёлғон, ҳаммаси ёлғон. Бу ерда иқтисод масаласи муҳим. На этика, на экология! Дарё ва шунга

ўхшаш манбаларни асрашга доир курашларингизда ҳеч қандай ахлоқийлик, маънавийлик кўрмайман», деб қолди. Майли, бунга ажабланмай турайлик. Аммо бу ерда Нукусдан келганлар бўлса, яхши эслашади. Пўлатзода: «Орол ҳақида сандирақлашни бас қилинглари. Орол энди йўқ. Денгизсиз яшашга кўникаверинглари», деганида гарчи, сахнадагидай бўлсада, одамларнинг қўли пичоқ дастасига борганди.

Тўғри, эртаси куни у: қўйинглари мен сал қизишдим, келинглари майли, ўйлаб кўрайлик, деган бўлса-да, ҳамон илгариги фикрларидан қайтгани йўқ. Маъмурий буйруқбозликка асосланган, маҳкамавий монополизмни ўрнатган бутун бир вазирлик, табиатга, халққа етказган жароҳатлари, давлатнинг совурилган миллионлари учун ҳали жавоб бергани йўқ. Ниҳоят бу масалани ҳал этишнинг чораси суд, ўртоқлар. Агар биз ҳуқуқий давлатда яшаётган бўлсак, гап сотиб ўтирмаслигимиз, балки бу жинойтга бирдан бир мантиқли ва адолатли хотима қўймоғимиз керак.

Николай Васильев (СССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазири): — Мен Орол проблемаси ҳақида гапириб ўтирмайман. У ҳаммага маълум. Бизнинг бу борадаги барча ишларимиз ҳукумат қарори асосида мувофиқлаштириб борилади. Ҳозир амалда «Оролводестрой» бош бошқармасини тузишга киришдик. Водопроводлар қурилишини олиб борадиган бошқарма эса тузиб бўлинди. Бажариладиган ишларнинг техник иқтисодий программаси ишлаб чиқилган. СССР Госплани бу мақсадлар учун 300 миллион сўм маблағ ажратди. Бизнинг зиммамизга зовур сувларини Оролга йўллаш ва пировард натижа 2005 йилга келиб денгизга 21 куб километр сув тушишини таъминлаш юклатилган. Барча сув ўтказадиган гидротехника иншоотлари бизнинг қармоғимизда. Ўрта Осиёда қандай муаммолар келиб чиқишидан қатъи назар, биз ҳар қандай шароитда ҳам, белгиланган сувни денгизга тушишини таъминлаймиз.

— Сизнингча, Оролга қўйиладиган сув миқдори бўйича тадбирлар номукаммал кўринмаяптими?

Н. В. — Агар сиз шундай ўйласангиз, уни ўзгартириш ташаббуси билан чиқишингиз мумкин.

— Мўйноқ, Учсой ва Оролбўйидаги бошқа аҳоли яшаш жойларида аҳвол шу қадар таҳликалики, биз «Орол-88» экспедицияси қатнашчилари бу жойларни

экологик фалокат зонаси деб эълон қилиш ва шошилинич ёрдам ташкил этиш фикри билан чиқяпмиз. Сиз ўша жойдан СССР Олий Советида депутат, вазир ва ҳукумат вакили сифатида бу фикрга қандай қарайсиз?

Н. В. — Экологик фалокат зонаси деб эълон қилишининг, менимча, ҳожати йўқ. Аммо мен муаммога бошқачароқ ёндошмоқчиман. Ўша зонада нимаики қилиш зарур бўлса, биз шунга тайёрмиз.

— Пахта майдонларини қисқартириш масаласига қандай қарайсиз?

Н. В. — Мен бу саволга жавоб беролмайман. У ҳукуматга тегишли.

Яқинда 1987 йили хориждан бир неча юз миллион сўмлик пестицидлар сотиб олинди. Улар далалар орқали сув манбаларини ҳам ифлослайди. Сув ҳўжалиги вазирлиги бу масалага, яъни сувнинг тозалигини сақлаш масаласига қандай қарайди?

— **Н. В.** — Бунга ҳам жавоб бера олмайман. У СССР Агросаноат давлат комитетига тааллуқли. Айтгандай, Ўзбекистонда ҳозир биометод оммалашяпти. . .

— Ҳукумат қарорида «экологик ва ижтимоий оқибатлари етарли даражада ҳисобга олинмай, суғориладиган янги ерларни фойдаланишга топшириш» ноҳуш оқибатларга олиб келгани расмий равишда эътироф этилган ва бундай практика қаттиқ қораланган. Бунинг учун бутун масъулият зиммасига тушадиган СССР Сув ҳўжалиги вазирлиги раҳбарлари нега истеъфога чиқишмаяпти?

Бу саволга СССР Сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари П. Пўлатзода жавоб бериб, бундай деди:

— Нега энди истеъфога чиқарканмиз? Биз ахир иш қияпмиз. Албатта, бу муаммоларни ўз пайтида кўтармаганимиз учун биз ҳам айбдормиз. Ҳозир бош масала Оролбўйи аҳолисининг яшаш шароитларини ўнглашдир. 1991 йилдан бошлаб янги ерлар ўзлаштиришни тўхтатиш масаласини илгари сурияпмиз. Академик А. Яншин, Ю. Израэль ва бошқа мутахассислар шу фикрда. Бошқа юқори поғоналарда ҳам бу фикр маъқулланмоқда. Суғориш меъёрини ҳам анчага камайтириш мумкин. Лекин жумҳуриятлар бунга кўнишмаяпти.

— 180 километрлик Тошовуз канали қурилишига

ким рухсат берган? Ахир унинг лойиҳаси экспертизадан ўтмасдан қайтарилган эди-ку?

П. П. — Тўғри, экспертизадан ўтмаган. Лекин икки жумҳурият бу борада ўзаро келишишган. Қурилишни Туркманистон ССР ташкилотлари олиб бормоқда.

— Бу канал саҳродан ўтиб, жуда кўп сувни исроф қилишидан ташқари Хивадаги ноёб меъморчилик ёдгорликларини ҳам ҳавф остида қолдиради. Ундан коллектор сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмасми?

П. П. — Эҳтимол, биз ҳозир шу масалани ҳам ўрганяпмиз. Бундан ташқари, Қорақум каналини аввал белгиланганидек, яна давом эттириш керакми ёки йўқми деган масала ҳам муҳокама қилинаётир. Биз бу канални давом эттирилишига мутлақо қаршимиз!

* * *

Сув хўжалиги вазирлиги раҳбарлари Тошовуз канали масаласида ўзларини мана шундай бетараф кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Муаммо эса муаммолигича қолиб кетди. Хиванинг ноёб ёдгорликлари, Хоразмнинг саҳоватли замини тақдири нима бўлади? Афсуски, Орол фожиасининг олдини олиш хусусида қабул қилинган ҳукумат қарори ҳам бирор наф бермади. Ноёб мўъжизаларга таҳдид солаётган хавф-хатар бартараф этилмас, буни ҳеч ким зиммасига олмас экан, Орол фожиаси улкан минтақанинг бетакрор мўъжизаларини домига тортиб бораверади. Биз қачонгача улкан маънавий йўқотишлар, экологик бўҳронлар олдида ожиз тамошабин бўлиб қолаверамиз? Орол бўйидан эшитилаётган нола-ларга ким қулоқ тутади? Фалокатга учраганлар дарди-га ким чора излайди? Нажот кутаётганларни ким қутқаради?

Минг-минглаб кишиларнинг улкан мамлакатдан, ер юзидаги хушёр яшаётган одамлардан кутаётган мадади шудир.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан.	3
Уйғонаётган умид.	4
Мушоҳада.	7
Қалб эҳтиёжи.	25
Бободехқон тимсоли.	44
Олам одамга тор эмас.	50
Ғубор чўккан қадриятлар.	57
Маънавият кўзгуси.	61
Нажот кутган дарёлар.	78
«Яшашга имкон беринг...»	103

Массовое издание

На узбекском языке

МУРОД АБДУЛЛАЕВ

РЕКИ, НУЖДАЮЩИЕСЯ В ПОМОЩИ

Издательство «Меҳнат — Ташкент—1991

Редакция мудири С. М. М у м и н о в
Бадий редактор З. Р. М а р т и н о в а
Рассом В. М. М о ч а л и н
Тех. муҳаррир Ю. В. С и д о р е н к о
Мусаҳҳиҳ М. С а и д б о е в а

ИБ № 1199

Теришга берилди 15.11.90. Босишга рухсат этилди 15.05.91. Ўлчами 84×108¹/₃₂.
№ 2. қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Шарт-
ли б. т. 6,30. Шартли бўёқ ўлчами 6,51. Нашр т. 6,6. Тиражи 5000. Буюртма
№ 16. Баҳоси 1 с. 20 т.

«Меҳнат» нашриёти, 700129. Тошкент Навоий кўчаси 30. Шартнома №198—90.

Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитети Тошкент «Китоб» нашриёт-
матбаа бирлашмасининг 3-босмахонасида босилди. Тошкент, Юнусобод,
Муродов кўчаси 1—уй.